

TAFAKKUR

ТАФАККУР 2/2023

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нарҳда


TAFAKKUR 2023

TAFAKKUR




ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2023



ISSN 2010-6491



9 772010 649005





# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ  
Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Андишанинг тоши оғир. *Публицист Иқбол ҚЎШШАЕВА билан тележурналист Гулмира МУСАЖОНОВА суҳбати*.....4



### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Султонмурод ОЛИМ. Ҳар кимга дастуруламал.....16

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Абдулла АЪЗАМ. Танқид анатомияси.....23

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Насрулло ЭРГАШ. Келажак мусаввири.....32

### КУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН

Алишер НАЗАР. “Фирқасиз” муаллифдан фикралар.....38

### КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ. Адашмоқ саодати.....48

### БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Муртазо ҚАРШИБОЙ. БАҲРИБАЙТ.....52



Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ

### РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ. Шамс билан Мавлоно. *Икки баҳр туташув қиссаси*.....60



Бобониёз Курбон. “ ”



Жасур КЕНГБОЕВ

### РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Жасур КЕНГБОЕВ. Қалтис танлов қарши-сида ёхуд тенгдошларга тасалли. *Эссе*.....72

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

ЖОНТЕМИР. Сўз бизни кечирармикан?....78

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Умид ИНАТОВ. Замону макон танламас қадрият.....88

Темур АҲМЕДОВ. Синкретизм нима?.....89

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА. Ҳур фикр майдони.....91

Зилола ХАЛИЛОВА. Маърифатдан маҳрум маъсумалар.....92

Гулираъно ОРИФЖОНОВА. “...Англайсен ўзумни”.....94

*Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни*.....95

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Таҳририят*

Бош муҳаррир ўринбосари  
Собиржон ЁҚУБОВ

Бўлим муҳаррирлари  
Султонмурод ОЛИМ  
Нодира ОФОҚ

Шоҳсанам РЎЗИМАТ кизи

Бадий муҳаррир  
Ольга ЖОЛДАСОВА

Мухбир-муҳаррир  
Насрулло ЭРГАШ

Техник муҳаррир  
Наргиза УСМОНОВА

*Жамоат кенгаши*

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ  
Олимжон ДАВЛАТОВ  
Хурийд ДАВРОН

Минҳожиддин МИРЗО  
Шухрат РИЗО

Сирожиддин САЙИД  
Хайридин СУЛТОН  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Муртазо ҚАРШИБОЙ  
Дилмурод ҚУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.  
Ўзбекистон Республикаси Мағбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.  
Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.  
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.

☎ (55) 508-11-45  
(55) 508-11-46

@ tafakkurtahririyyati@mail.ru

Журнал андаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.  
“SmartPack Print” босмахонаси. Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2-бино.  
2023 йил куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>, 6 босма табак. /-буюртма. Нашр адади нуса.

## **BIRDAMLİK – ILDAMLİK DEMAK**

- Дунёда кундан-кунга янги-янги синовлар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётганини барчангиз кўриб турибсиз... Шундай мураккаб вазиятда, ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанамиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт.
- Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу.
- “Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!” деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қондасига айланиши керак.
- “Бирдамлик бор жойда илдамлик бор”, деган доно нақл бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган юртда албатта кут-барака, тараққиёт бўлади.
- Халқимизнинг ўзи – энг адолатли ҳакам.
- Энг муҳими, энди ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “Инсон – жамият – давлат” деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз.
- Буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик фазилати бизга куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг парламент аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқидан олинди.

2023 йил 8 май



# ТАФАККУР

2  
2023  
(114)

## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош мухаррир  
Эркин АЪЗАМ

### Тахририят

Бош мухаррир Уринбосари

Собиржон ЁКУБОВ

Бўлим мухаррирлари

Султонмурод ОЛИМ

Нодира ОФОҚ

Шоҳсанам РЎЗИМАТ кизи

Бадий мухаррир

Ольга ЖОЛДАСОВА

Мухбир-мухаррир

Насрулло ЭРГАШ

Техник мухаррир

Наргиза УСМОНОВА

### Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Олимжон ДАВЛАТОВ

Хуршид ДАВРОН

Минхожиддин МИРЗО

Шухрат РИЗО

Сирожиддин САЙИД

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБЎЙ

Дилмурод КУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.

Ўзбекистон Республикаси Магбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.

(55) 508-11-45  
(55) 508-11-46

@ tafakkurtahriiyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“SmartPack Print” босмахонаси. Тошкент шаҳри, Тараккиёт кўчаси, 2-бино.

2023 йил 22 июнь кuni босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100  $\frac{1}{16}$  6 босма табак. 2/109-бунюртма. Нашр адади 7500 нусха.

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Андишанинг тоши оғир. Публицист Иқбол ҚЎШШАЕВА билан тележурналист Гулмира МУСАЖОНОВА суҳбати.....4



Мухиддин А.П.и оляган сураат



### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Султонмурод ОЛИМ. Ҳар кимга дастуруламал.....16

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Абдулла АЪЗАМ. Танқид анатомияси.....23

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Насрулло ЭРГАШ. Келажак мусаввири.....32

### ҚУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН

Алишер НАЗАР. “Фирқасиз” муаллифдан фикралар.....38

### КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ. Адашмоқ саодати.....48

# SAHI FALARIDA

## саҳифаларида

### БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Муртазо ҚАРШИБОЙ. Баҳрибайт.....52

### РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ. Шамс ила  
Мавлоно. *Икки баҳр туташув қиссаси*.....60




Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ

Жасур КЕНГБОЕВ



### РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Жасур КЕНГБОЕВ. Қалтис танлов қарши-  
сида. *Эссе*.....72



Бобониёз Қурбон. “Тонг”

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

ЖОНТЕМИР. Сўз бизни кечирармикан?....78

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Умид ИНАТОВ. Замону макон танламас  
қадрият.....88

Темур АҲМЕДОВ. Синкретизм нима?.....89

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА. Ҳур фикр  
майдони.....91

Зилола ХАЛИЛОВА. Маърифатдан  
маҳрум маъсумалар.....92

Гулираъно ОРИФЖОНОВА. “...Англагайсен  
ўзумни”.....94

*Журналнинг инглизча мухтасар  
мазмуни*.....95



## ANDISHANING TOSHI OG'IR

*Публицист Иқбол ҚЎШШАЕВА билан  
тележурналист Гулмира МУСАЖОНОВА суҳбати*

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** Гулмира опа, киношунос Ҳамидулла Акбаров отангиз, атоқли адиб Фарҳод Мусажоновни таърифлаб, “У телевидениега ҳақиқатни, рост сўзни олиб келди”, деган эди. Бугун сиз ҳам рост сўз учун курашаётган камёб журналистлар сафидасиз. Марказий телевидениеда эфирга узатилаётган кўрсатувларингизда аччиқ ҳақиқатлардан баҳс этасиз. Сизни маиший муаммолардан кўра ижтимоий-сиёсий воқелик кўпроқ қизиқтиришига аминман. Келинг, “Тафаккур” журнали минбар берганидан фойдаланиб, юракдан бир суҳбатлашайлик.

Евгений Евтушенконинг совет қўшини Чехословакияга киритилганига бағишланган шеърда бундай фикр бор: “Бас, дод солманг! “Рус ёзувчиси рус танки остида мажақланди”, деб ёзиб қўйинг, вассалом”. Чинакам зиёли ўзини мудом миллат ва мамлакат тақдирига масъул деб билади. Бугун бизнинг ойдинлар жавобгарлик туйғусидан маҳрумлиги боис жамиятдаги ўрнини бой бериб қўймадимикан? Ҳай-ҳай демасангиз, айрим қаламкашлар танкни “нажот

қалъаси" деб алқамоққа тайёр! Ижод аҳлининг чекиниши, таъбир жоиз бўлса, ҳақдан юз ўгириши қачон, не сабаб рўй берди?

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Ёзувчи-шоир, олиму журналистларимизнинг "ҳоли табоҳ"и ҳақида кўп ўйлайман. Бир чеккада жим турса-ку майли, аммо айримлари риё ва мунофиқлик, маддоҳлик ва хушомадгўйликнинг кимўзар мусобақасида беллашаётгандек... Нега бу кўйга тушдик? Назаримда, сабаб иккита: қўрқоқлик ва нафсга қуллик!

Аслида, йўқотишларимиз чор Русияси мустамлакасидан бошланган. "Халоскор" ниқобини тутган шўро ҳукуматининг ёвузлиги ундан-да ошиб тушди. Тоталитар тузумнинг асосий душмани – мустақил фикрга эга шахслар. Ҳамма ягона ғоя теграсида бирлашиши, якранг фикрлаши, якка партия аъзоси бўлиши, ҳатто бир хил кийиниши керак! Зулм ва зўравонликка асосланган шўро давлати ҳам ҳурфикрлиликка қарши уруш очиб, миллат ойдинларини қатағон қилди.

Албатта, ҳамма ҳам жасорат бобида Абдулла Қодирий бўлмайди. Хўш, Қодирий қўрқмаган, таҳликага тушмаганми? Менимча, қўрққан, таҳлика қилган. Бироқ халқ, жамият олдидаги масъулият туйғуси ёзувчига "ичидаги хоинни ўлдирмоқ"қа куч берган. Машъум ўттизинчи йилларда айрим шоир-ёзувчилар ширин жони ёки қорни учун эмас, яқинлари ҳаётини сақлаб қолиш учун эътиқоддан воз кечишга мажбур бўлган. Не тонгики, бу ҳозирги маънавий инқироз томон қўйилган илк қадам эди. "Қатағон машинаси"дан жисмонан омон қолганлар эса руҳан мажақланди. Пажмурда қалблар қандай қилиб катта адабиёт ярата олсин?! Лекин бугун бошқа тоифа истеъдодлар ҳам бор – уларга босим ўтказишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Қул бор экан, қулдор топилади-да. Сираси, бир аср аввал қалам аҳли яқинларини ўйлаб туҳматномага имзо чеккан бўлса, бугун моддий манфаат, имтиёзу нуфуз виждонни жиддий синовдан ўтказаётир.

Дунёдаги энг инобатли танловларда ҳам баъзан сиёсат аралашаётганини сезиб-билиб турсиз. Еган оғиз уялар дейдилар, ҳукумат ёки бирон бир ташкилот сизни тақдирласа, уни танқид қилмоққа истиҳола этишингиз тайин. Ким билсин, сизни истеъдодингиз учун эмас, айнан оғзингизни ёпмоқ учун сийлагандирлар?! Хом сут эмган бандамиз-да, гоҳида эътибору эътирофнинг ўзи одамга ҳузур бағишлайди. Ўша ҳузурни такрор ва такрор туйиш истагида ижодкор унвону мукофотларга кўз тикиб қолиши ҳеч гап эмас. Энди у

Ўз-ўзидан “билдирилган юксак ишонч”ни оқламоққа бел боғлайди, қўли кўксидан тушмайдиган бўлиб қолади.

Ҳар доим ҳам фикрловчи, исёнкор, виждонли зиёлилар халқни уйғотган, олға бошлаган. Энди тасаввур қилинг, киройи мансаб, шинам маркаб ва бошқа турли имтиёзлар домидаги одам Евтушенкнинг адабий қаҳрамони сингари халққа қарата ўқ узишга шай турган танк остига ўзини ташлай оладими?!

Исёнсиз ижод – чин ижод эмас. Айрим қаламкашларнинг очиқ-часига маддоҳлик қилаётганини кўриб ўйлаб қоламан: нима жин урди уни, боёқиш гапларига ўзи ишонармикан? Ленин ва Сталин номидаги давлат мукофоти соҳибларининг асарлари ҳозир ўқил-яптими? Нега хулоса чиқармаймиз, ахир?! Китобхоннинг миллий адабиётдан узоқлашиб бораётганида шундай қаламкашларнинг ҳам айби бор деб ҳисоблайман.

Ҳаётда ҳар бир одамнинг ўз миссияси бўлади. Зиммага олинган ул мажбуриятни бажармоқ қарзу фарз! Шоир-ёзувчи эса миссиясидан, маслагидан чекинара экан, ўзигина эмас, халқни ҳам Ҳақдан йироқлаштиради. Унутмайликки, Худо кимга мўл истеъдод ато этса, сўроқ-саволи ҳам шунга яраша оғир бўлади.

Уйғониш-чи, нимадан бошланади у? Фикрдан! Фикрлашдан! Фикр уйғонса – ижод нашъу намо топади, кашфиётларга йўл очилади. Ижодкорда фикр билан бирга виждон ҳам бедор бўлмоғи лозим. У ўзи ва сўзи учун масъул эканини теран англамас экан, эркин фикр, адабий юксалиш ҳақидаги гаплар қуруқ сафсатага айланади.

Албатта, адабиёт аҳлига кўмак кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш керак. Назаримда, бунинг энг тўғри йўли – рисоладагидек қалам ҳақи тизими йўлга қўйилиши керак. Ана шунда ижодкор тирикчилик учун ўзини ҳар кўчага урмайди.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** Шоира Зулфиянинг “Она қалби оёққа турса, / Ўғлим, сира бўлмайди уруш!” деган мисраларида жон бордек. 2022 йилда икки биродар халқ ўртасида бошланган урушга европалик аёл сиёсатчи Урсула фон дер Ляйен биринчилардан бўлиб қарши чиқди. Ҳамон маслагида собит у. Ана шундай қалтис паллаларда аёллар таваккалчиликни дадил бўйнига олганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Сиёсий уйинлар, қирғинбаротлар бир кун келиб тугар, лекин унгача замбарак ўқидан кўкси пора бўлган она замин нонкўр болаларидан ўч олмайдимиз?! Дунёнинг тинчлиги, сайёранинг омонлиги, борингки, инсониятнинг азоб-уқубатларини енгиллатмоқ учун ҳам аёллар сиёсат билан кўпроқ машғул бўлиши керакка ўхшайди...



**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Баҳсталаб мавзуни қўзғадингиз. Ўтган йили қўшни ўлкага уруш очган шимолдаги давлат ўз армиясига “кўнгиллилар”ни мажбуран ёллади. Ўшанда аксар оналар фарзандларини фахр билан ўзга юртни талон этмоққа юборди. Лекин Расул Ҳамзатов ватанидаги оналар ўғиллари қотил бўлишини истамади, аёл боши билан бу бедодликка қарши чиқди улар.

Илгарилари аёлнинг бир оғиз сўзи билан урушлар тугатилар, низолар барҳам топар эди. Аёллар эркакларга куч беради, уларни жасоратга чорлайди, илҳомлантиради. Лекин нега кўпинча ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган паллада эркаклар иккиланади? Балки асосан мантиқ кучига таянгани боисдир? Бу ерда аёлнинг айнан она экани алоҳида аҳамиятга эга, назаримда. Она – яратувчи, тириклик тимсоли, ҳаёт дарахтининг илдизи. Туғиш-туғилиш қандай азоб эканини вужудида ҳис қилган минг бир жон эгаси “ўлим-ўлим” ўйинига томошабин бўлиб тура олмайди-да!

Аёлларнинг сиёсатда янада фаол бўлишини қўлламан. Илло, улар мансабни безовчи чиройли қўғирчоқ бўлиб қолмасин! “Биздаям сиёсатчи аёллар бор”, деб керилиш учунгина улардан фойдаланмайлик. Чунки дунёни аёлнинг ҳусни эмас, маъсум қалби қутқаради.

Хонаси келиб қолди, аёл қавми ҳам хос хилқат эмаслигини тушунишимга сабаб бўлган бир тарихий воқеани эслаб ўтсам.

1979 йилда совет қўшини Афғонистонга бостириб киради. Ўшанда таниқли академик, Нобель мукофоти соҳиби Андрей Сахаров бу ҳодисани қоралаб баёнот беради... 1989 йилда бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари съездида эса ўзбекистонлик депутат аёл академик Сахаровнинг шаънига ҳақоратлар ёғдиргани ҳамон кўз олдимда. Билмадим – у ўз хоҳиши билан минбарга чиққанми ёки кимдир мажбур қилганми, лекин ўша дам юртдошимнинг, ҳамжинсимнинг қилмишидан ерга киргудек бўлганман...

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** Дарвоқе, 1989 йилги тарихий съездда жаҳонга донғи кетган академикни “вайсақи чол” атаб, уни забун ҳолга солган яна бир ўзбекистонлик хоним бор. Машҳур балерина, халқ артисти! Лекин негадир кўпчилик уни эсламайди. Ҳолбуки, интернетда “Сахаров – съезд” дея қидирув берилса, нуқул у акс этган видеоларга чиқади.

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Балеринамизнинг чиқиши ҳам эсимда. Эҳтимол, андишанинг тоши оғирлиги важдан бу мавзуга кўпчилик дахл этмас... Алқисса, ўшанда депутат деган ном ҳа-

миша виждонли, савияси баланд зиёлини англатмаслигига имон келтирганман. Гоҳида манфаатнинг умумий қозонида эркагу аёл, санъаткору сохтакор – ҳаммаси бир тусга кирар экан. Депутат хонимнинг оғиз кўпиртиришидан кейин залда янграган гулдурос қарсақларни эшитиб эса, чапаклар ҳар доим ҳам зўр фикр ёки ҳақиқат учун чалинмаслигини англаганман. Демократия, сўз эркинлиги сарҳади торайган сари қарсақларнинг жаранги ортиб бораверадими дейман...

Гоҳида кичик бир жуссада бутун инсониятнинг қайғуси мужассам бўлиши мумкин. 1982 йилда Саманта Смит исмли америкалик қизча СССР раҳбари Юрий Андроповга мактуб ёзиб, икки йирик давлат ўртасида ядро уруши бошланиб кетишидан хавотирда эканини баён қилади. "Сиз уруш тарафдоримисиз ёки унга қаршимисиз? Агар қарши бўлсангиз, унинг олдини олиш йўлини биласизми?" дея савол беради Саманта СССР раҳбарига. Ўн яшар қизалоқ уруш одамзодга кулфат келтиришини англаб етганини қаранг!

Ҳозир-чи? Уруш борасида позициянгиз қандай деб сўралса, айрим эркак ижодкорлар чучмалланиб турса, яна айримлари босқинчиликни оқламоққа уринса!.. Наҳотки, бировнинг заминига бостириб кириб, уни вайрон этиш мудҳиш жиноят эканини Навоий, Қодирий, Достоевский, Чехов, Ҳемингуэйларни ўқиган, Бергман, Феллини фильмларини кўрганлар тушунмаса?! Очиги, шундай лаҳзаларда адабиёт ва санъатнинг халоскор кучига шубҳа билан қарай бошлайсиз. Санъат ёғдуси тафаккур ва қалб зулматини ёриб ўтолмайди?..

Сўз аёл ва сиёсат мавзусида кетар экан, бир замондошимизни ёдга олмасам бўлмайди. Ўзбекистон халқ артисти Дилором Каримова нафақат бетакрор ижроси, сиёсату санъат бобидаги дадил фикрлари билан ҳам тилга тушган. Дилором опа "Биргаликда кўрамыз" теледастуримизнинг доимий иштирокчиларидан. Афсуски, фикрий яқранглик телевидениемиз, жамиятимизга хос ҳолат. Тўғриси, заковатли актрисамизнинг фикрлари ана шу яқрангликда бир парча оловдек кўзга ташланади.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** Ўзим ҳали бир тўхтама кела олмаган бир мавзуда ҳам фикрингизни билсам. Бугун ижтимоий тармоқларда мутаассиб диндорлар ва радикал феминистлар тўқнашувига тез-тез дуч келмоқдамиз. Очиги, ниҳояси йўқ бу баҳсларга кўпинча эътибор бермайман. Чунки иккала томон фикр-қарашида ҳам теранликдан йироқ қайсарлик, ўрлик манаман деб туради. Мухтасар

айтганда, инкорлар жанги! Назаримда, олтин ҳалқа – уйғунлик бузилаётир. Шахсан мен аёл фалсафасини кеча – бугун – эрта бирлигида, қадриятлар, тириклик ва тараққиёт муштараклигида кўраман. Сизнингча, феминизм аёлга имтиёзми ё жазо? Шахс ва аёллик чегараси, уйғунлиги қай жиҳатларда намоён бўлади?

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Ҳамма нарсада меъёр бўлгани, олтин ўрталик топилгани яхши. Феминизм ҳам меъёрдан ошса имтиёздан жазога айланади. Бундан нафақат аёл, балки жамият ҳам жабр кўради. Умуман, табиатда уйғунлик, мутаносиблик йўқолса, муқаррар ҳалокат юз беради. Инсон аввало ўзига, табиатига қарши бормаслиги керак. У ботинида қандай туйғулар кечаётгани, кўнгли нимани истаётганини яхши англайди. Аёл феминистликни ҳаёт мазмуни деб билиптими, уни синдириш керак эмас, атрофдагиларга зиён келтирмаса бўлгани. Аммо феминизм бизнинг жамиятда имтиёз саналишига ҳали анча бордек. Чунки бизда бу таълимотга ижобий, ҳатто бетараф муносабатда бўладиганлар сафи сийрак. Турғун тасаввур ва қарашлар ҳукмрон бўлгани боис феминизм аёл учун жазога айланиши ҳеч гапмас. Аммо аёл ботиний талаб-эҳтиёжга кўра эмас, бу тушунча расм-русумга айланиб, дунёда кенг қулоч ёяётгани учунгина уни байроқ қилса, бу ҳол ўзига кулфат келтиради. Замон шиддатига ҳамқадам бўламан деб инсоннинг ўз табиатига қарши бориши ҳаммиша фожиа билан тугайди.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** Сиз болаликдан кино дунёси билан ҳамнафас ўсгансиз, бугун ҳам унга бегона эмассиз. “Биргаликда кўрамир” теледастуридан асосан жаҳон киносига мойиллигингиз сезилади. Ҳатто ўзаро суҳбатларда ҳам кейинги йиллар ўзбек киноси ҳақида лом-мим демайсиз. Биламан, “афсонавий” деб сифатланадиган кинорежиссёрларимиз ижодига мухлислик мақомидан аллақачон ўтгансиз. Лекин барибир қизиқ-да, сукутингизнинг боиси не?

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Ўзбек киноси мен учун дардли мавзу. Сиз назарда тутган устоз режиссёрларнинг аксари шўро тузуми даврида ижод қилган, уларнинг аксар фильмлари ҳам ўша мафкура маҳсули. Киночилар ўз ижодий ишларини фарзандим дейишни яхши кўради. Лекин мен баъзи фильмларни ўзбекнинг ўғай боласига ўхшатаман, юрагимда уларга нисбатан илиқлик йўқ. Чунки бу фильмлар томошабинда меҳр уйғотмайди. Ўткинчи ғоя тарғиб қилинган кинокартиналарда халқимизга ҳамдардлик, яқинлик туймайсиз. Ўзбекнинг исми бор-у, ўзи йўқ...

Бугун миллатга кўзгу бўла оладиган ҳаққоний киноасарлар керак. Юксалишнинг йўли фақат шу! Бунинг учун режиссёр аввало шахс бўлмоғи даркор. Бизда эса аксар киночиларимиз ё “тепа”, ё оммага ёқиш илинжида фильм суратга олади. Сўнгги йилларда буюртма фильмларга ружу қўйилаётир. Давлат буюртмасини биров иқтидори даражасида дуруст бажараётгани, яна биров ҳаминқадар фильм олиб ҳам, уялмай уни кўз-кўз қилиб юрганининг гувоҳи бўляпмиз. Боз устига, юзаки ёндашув, жўн талқин, бачканалик... томошабин умидини пучга чиқармоқда. Ижод ва буюртма бир-бирига зид тушунчалар, асли. Ҳар қанча доҳиёна истеъдод соҳиби бўлмасин, ижодкор анчайин ижрочига айланса, яхши картина ярата олмайди. Чунки ўлик руҳдан фақат ўлик асар туғилади.

Миллий кино равнақиға фикр саёзлиги, ижодкор дардининг маҳдудлиги, шахсият майдалиги ҳам тўғаноқ бўлаётир. Катта қалб эгаси бўлмиш ижодкор бошқа миллатлар дардини ҳам ҳис қиладди, ўзини сайёра граждани деб билади. Профессионализм-чи, деб сўрашингиз мумкин. Агар ижодкор – шахси бутун, фикри теран бўлса, профессионализм ҳам албатта бўй кўрсатади.

Жаҳон санъатининг юксак мезонларини қўятуринг, ҳозир суратга олинаётган кинокартиналаримиз ўзбек томошабинининг камтарона талабига жавоб беряптими? Назаримда, фильмларимиз на санъат даражасига чиқа оляпти, на саноат ўлароқ даромад келтиряпти. Кинога масъул даргоҳни ҳам ижодхона, ҳам корхона деб аташ мумкин. Демак, ижод аҳлини тушуниб, уни ҳимоя қила оладиган, шу билан бирга, корхона ишини ҳалол юритадиган кадрлар керак.

Кино санъати вакиллари – режиссёр, сценарийнависларимизни қандай ўйлар ўртапти? Улар бизга, дунёга қандай саволлар билан мурожаат этипти? Умуман, бугунги ўзбек киноси замондошларимиз тафаккури, қалбини нима билан озиқлантиряпти?..

Бугунги кунда Эрон режиссёрлари нафақат ўз халқи, балки бутун инсониятга кўзгу тутиб, таҳлил-тафтишга ундаяпти. Форс жамиятидаги каби дард-изтироблар бизда йўқми? Агар ижодкор кўнгли саркаш саволлардан бедор бўлмас экан, фильми ҳам дардсиз чиқиши аниқ. Дейлик, Юсуф Розиков, Собир Назармуҳаммедов, Жаҳонгир Қосимов, Аюб Шаҳобиддиновда фикр бор, дард бор, лекин уларга ҳам недир халал бераётгандек.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** “Мен билган ҳақиқатлар” кўрсатувингиз узоқ вақт суратга олинади. Қаҳрамонингиздан керакли гапни суғуриб олмагунча уни экранга чиқаргингиз келмайди. Кўнглингиз тўл-

маган ҳолатлар ҳам бўлиб туради деб эшитаман. Суҳбатдошингиздан кўпроқ журъат кутасизми ё фикр? Сиз учун шахсият муҳимми ё тафаккур?

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Хотиржамроқ ишлашимиз рост. Бошқа бир “айб”имни ҳам бўйнимга олсам – қаҳрамонимга асосан ўзимга тинчлик бермаётган саволларни бераман. Сираси, кўрсатувни руҳий кечинмаларимга кўра тайёрлайман, шунга мос қаҳрамон – дарддош қидираман. Эҳтимол, бу унчалик тўғри эмасдир, кўрсатувда қаҳрамонни томошабинга яқиндан танитиш асосий мақсад бўлмоғи лозимдир. Лекин барибир ўзингиз учун тўғри жавоб, мақбул йўл топмоқ учун закий одамларнинг ҳам фикр-муносабатини билишни истаркансиз.

“Журъатми ё фикр” масаласига келсак, суҳбатдошнинг журъати мўл-у, фикри саёз бўлса-чи? Ёки фикри қувватли-ю, журъати заиф бўлса? Хуллас, иккисиям муҳим. Одамнинг маслаги кучли бўлса, унда фикр ҳам, журъат ҳам пойдор келади. “Бутун одам” деганимиз ҳам асли шу. Ҳозирга қадар фикрсиз ёки журъатсизларни экранга олиб чиқмадик деган умиддаман. Тўғри қайд этдингиз, фикр ва журъат оби-тобига етмагунича, саволларим пухта бўлмади, ўзимдан кўнглим тўлмади, деб қайта-қайта суҳбатга таклиф қилавераман. Афсуски, шахсияти майда ижодкорлар ҳам учрайди. Кўп китоб ўқиган, ақлли, дунёқараши кенг, аммо шахсияти кемтик. Ўзи билан курашда мағлуб бўлган бундай одамларга ҳам раҳмингиз, ҳам ҳайфингиз келади.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** “Ватан хоини”, “хорижий агент” каби туншунчалар бирёқлама гап, асл душманлик ичкарида ҳам кечади. Масалан, бизда нодир бисот – архивга муносабатни миллатга хиёнат деб баҳолагингиз келади. МТРКнинг “олтин фонди”да кўплаб спектакллар, портрет-кўрсатувлар сақланиб қолмаган. Назаримда, уч сабабга кўра халқ хотирасига зиён етказилган: шахсий хусумат важдан, “техника танқислиги” баҳонаси билан ноёб тасвирлар ўчириб ташланган; бефарқлик ва қўрқоқлик. Ҳозир ҳам аллақандай “қора рўйхат” сабаб айрим адабиёт ва маданият арбоблари суҳбатларини тасмага муҳрлашга журъат этмаяпмиз. Бу борада ўзингизни ҳам айбдор ҳис қиласизми? Тарозининг бир палласига турли бунёдкорлик ишларию Ўзбекистон байроғининг олимпиадаларда ҳилпираб туришини, иккинчи паллага номатлуб номлару ОАВ ва кинодаги цензурани қўйинг – қай бирининг тоши оғир келади?

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Жавобни ўзимни айбдор ҳис қилиш-ни тан олмоқдан бошласам. Ўйлаб қўйган бир лойиҳамни дангасалигим сабаб бир йилдан бери амалга оширолмай юрибман. Ҳолбуки, ҳозир хусусий студиялар кўп, техникани ижарага олиб, номи “рўйхат”га тиркалган мўътабар шахслар билан келажак учун бемалол суҳбат қилиб қўйса бўлади.

Сир эмас, илм-фан, маданият аҳли хўрланган, таъқибга учраган юрт ҳеч қачон тараққий этмайди. Хур фикр, эркин сўз бўғилган, зиёлилари узлатга чекинишга мажбур бўлган жамият наинки маънавий, иқтисодий таназзулга ҳам юз тутди.

Сиз эсга олган “қора рўйхат” бизга большевиклардан мерос қолган бало, қанчалар жоҳил эканимизни тасдиқловчи “васиқа”! Мустақил бўлганимизга ўттиз икки йил бўляпти, аммо ҳануз мустабид тузумнинг айрим иллатларидан воз кечолмаяпмиз. Шундай рўйхатнинг бўлишидан бировлар манфаатдормикан деган хаёлга бораман. Ҳарқалай, улар миллат савияси, халқ келажаги ҳақида қайғурмаётгани аниқ. Хўш, унда мақсад-муддао не? Қўрқув, таҳлика муҳитини сақлаб қолишми? Абулқосим Фирдавсий “Ҳақиқат – кучлилигимиздан далолат, ёлғон – заифликни кўрсатар фақат”, деб ёзган экан. Демак, кучли бўлиш учун ҳам шармандали рўйхатларни йўқ қилишга ирода топмоқ лозим!

Миллий телерадиокомпаниямиз адабиёт, фан арбоблари, умуман, миллат ойдинларини тасвирга муҳрлашни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаши керак. Бу хайрли юмушга бефарқлик ярамайди. Телерадиокомпания фондида шундай кўрсатув, видеоматериаллар сақланиши шарт. Таассуфки, истеъдодлиларнинг тақдири гоҳида истеъдодсизларнинг қўлида бўлади. Рус тилида “порядочность” деган сўз бор. Ор-номус, инсоф-диёнат дегани. Ана шу сифат бизда камёб бўлиб кетяпти. Аслида, зиёли фақат билими, тафаккури кенглиги билан эмас, ор-номуси, инсоф-диёнати билан том маънода зиёлидир.

Чинакам демократик давлат қуришни истаган жамиятда авваламбор оммавий ахборот воситалари эркин бўлади. Демак, соҳа раҳбарларидан ҳам шахсий жасорат, сиёсий ирода кўрсатмоқ талаб этилади.

Спортчиларимизнинг ғалабалари билан фахрланаман, Ўзбекистоннинг довуғини дунёга ёйишда уларнинг хизмати катта. Зафарларга эришиш йўлидаги меҳнату машаққатларини эътироф этган ҳолда бир нарсани айтишим шарт: жисмонан кучли, лекин илм-фан,

адабиёт, маданият, санъатга ихлоссиз одамни расо демоққа тилим бормайди. Қолаверса, мақтанишга арзигулик ютуқлар фақат спорт билан чекланса, бошқа соҳаларда тараққиётни кутиш фойдасиз.

Иқтисоди ҳаминқадар бўлган мамлакатларда ҳам айрим спорт турлари ривожланар экан. Таълим тизими қолақ жамият ёшлари учун спорт пул топиш, дунё кўришининг ягона йўлига айланади. Мутараққий, ўзига тўқ давлатларда эса одамлар спорт билан шахсий камолотини кўзлаб шуғулланади. Медаль олмаса, бундан фожа ясамайди. Мусобақада ғалаба қозонса, ҳукумат уй ҳам, машина ҳам бермайди. Зотан, яхши ўқиса, муносиб меҳнат қилса, барига ўз кучи билан эришиши мумкин.

Бизда ҳам таълим муаммолари ҳал қилинса, кўп масалалар ўз-ўзидан ечим топади. Ҳатто пойтахт Тошкентда мақтанишга арзийдиган мактаблар саноқли, уларда ҳам асосан ҳукумат аъзолари, сенатор, депутат ва пулдорларнинг фарзандлари таълим олади. Имкони борлар эса болаларини четда ўқитади. Бундай катта-кичик мансабдорлар ўзи, фарзандлари келажагини Ўзбекистонда кўрсатгани чинакам ривожланиш бўлади.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида суратга олинган бир неча япон фильмини томоша қилдим. Бирида муҳаббат мотиви орқали япон жамиятидаги сиёсий вазият, ижтимоий ҳаёт акс эттирилган. Халқ билан бир чақалик иши йўқ партиянинг номи – “Халқ бирдамлиги”! Ҳолбуки, у уч-тўрттагина одам манфаатига хизмат қилувчи тўда, холос. Яна бир фильмда анъанавий кабуки театрдан кейин замонавий саҳна санъати, ижодий новаторлик қандай машаққат билан вужудга келгани ҳикоя қилинган. Томоша асносида кино санъати япон уйғониши, миллий тафаккурга қанчалик таъсир этгани ҳақида ўйладим. Ўз-ўзидан бугунги ўзбек жамияти кўз олдимга келди: халқи – сиёсатчисига нисбатан ватанпарвар, шоир-ёзувчисидан кўра зиёли, ҳокимидан маърифатли, маънавиятчисидан маънили, санъаткоридан илғор, журналистидан дадил жамият. Албатта, бу ўта субъектив кузатув...

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Мулоҳазаларингизни тинглаяпман-у, “жамиятимиз хаста” деган ўжар фикр келмоқда ҳаёлимга. Эътибор берганмисиз, халқнинг ҳаққини ейишга ружу қўйган, учига чиққан порахўрлар ватанпарварлик, инсоф-диёнат ҳақида кўп гапирди. Эҳтимол, шу боис ҳам ёшлар бизга ишонмай қўйгандир. Гапимиз билан амалимиз бошқа-бошқа-да! Катталар мудом ёшларнинг тар-

биясизлиги, билими пастлигидан нолийди. Улар шундай эканига аввало ўзимиз айбдормиз-ку! Ёшлар ҳамма масалада катталардан андаза олади, ахир.

Иқтидорли, билимли ёшларимиз ўз келажагини Ўзбекистон билан боғлашни истамаётгани – жиддий муаммо. Бу ҳақда бош қотиряпмизми? Коррупция, кўзбўямачилик илдиз отган, қонун олдида ҳамманинг тенглиги тўлиқ таъмин этилмаган муҳитда яшашни истамагани учун ёшларни айблаш тўғрими?..

Жамиятимизга чинакам шахслар зарур деб такрорлашдан чарчамайман! Шахс – ҳар бир масалада мустақил фикрга эга инсон. Ҳатто кийинишида ҳам у шахс экани билиниб туради. Раҳматли режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев санъат ва маданият институти талабаларига оқ кўйлак, қора шим шарт эмас, улар “мен”и, ички дунёси, индивидуаллигини кўрсатувчи кийимда юргани маъқул, деб айтарди. Чиндан ҳам, бўлажак ижодкор жиллақурса кийинишда эркин бўлиши керак-ку!

Дунё эврилишга юз тутяпти. Буни охириги вақтларда янада яққол ҳис қиляпман. Жадал тараққиётга монанд одимламасак, ҳолимизни ўзгартирмасак, қолоқликдан қутула олмаймиз.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА:** Гулмира опа, гоҳида “қайта қуриш” йилларида бошқа миллат адибларининг ғаладонидан қўлёзмалар топилди, лекин биздан ҳеч нарса чиқмади, деган маънодаги надомат қулоққа чалиниб қолади. Бу бўшлиқнинг сабабини энди тушунгандекман. Қайси бир машҳур шоирнинг аёли азбаройи эрига “яхши бўлиши учун” шеърларига қалам урган, яна бир атоқли адибимизнинг рафиқаси турмуш ўртоғи вафот этгандан кейин унинг қўлёзмаларини ўқиб, даҳшатга тушганидан ёқиб юборган, деган гаплар юради. “Отаси, қўйинг, бунақа қалтис шеър у мақола ёзмам, бизни ўйланг” қабилдаги гаплар ҳур фикрга мойил ижодкорларнинг оиласида тез-тез такрорланади. Ёки яна бир катта шоирамизнинг турмуш ўртоғи унинг ҳар бир сатрини сиёсатчи цензор кўзойнаги билан ўқиб чиқарди. “Ҳаётимни маҳв этгани етмаганидек, хаёлларим, ўй-фикримни ҳам таҳрир қилади”, деб ёзғирган дамлари ҳам бўлган...

Адабиётимизнинг яқин тарихидаги маънавий мағлубиятлар, бугунги ютқизиклар илдизини таҳлил қилатуриб, ўйлаб қолдим: агарда “Итюррак”, “Уста ва Маргарита”, “Доктор Живаго” каби романларни ёзиш саодати ўзбек ёзувчиларига муяссар бўлганда бу ноёб асарлар хонадон остонасидан ҳатлаб чиқармиди? Ёки қўлёзмалар



фақат оила ўчоғининг корига ярармиди? Ҳақрост, ижодкорнинг вафодор аёли, болаларининг меҳрибон онаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этмайдиган толе, оғир ва шарафли имтиҳон! Лекин садоқат туйғуси маиший биқикликдан юксалиб, ижтимоийлашуви буткул бошқа масала. Масалан, Маргаританинг прототипи бўлмиш Елена Булгакова зиддиятлироқ сиймодир, бироқ айнан унинг шарофати билан ёзувчининг қўлёзмаси “ёнмади”, дарди ва ҳаёти таҳрирга учрамади-да...

**Гулмира МУСАЖОНОВА:** Шоир Осип Мандельштамнинг рафиқаси Надеждани ҳам фаришта деб бўлмасди, аммо эри ҳибсга олингач, унинг ижодий меросини сақлаб қолди. НКВД ходимлари қўлига тушса йўқ қилинишини билган аёл турмуш ўртоғининг нафақат шеърлари, балки насрий асарларини ҳам ёдлаб олган экан. Кейинчалик уларни, бирон сўз, бирон сатрига хиёнат қилмай, чоп этди. Шу аёлнинг матонати сабаб Мандельштам асарлари бизгача етиб келди.

Умр йўлдошининг ижодига умуман қизиқмайдиган, бирор асарини ўқимаган аёллар ҳам бор. Тўғриси, аралашиб, ижодига халал бергандан кўра билмагани, ўқимагани ҳам яхши. Бироқ ўзини доно, сиёсий хушёр, маънавиятнинг ишончли қўриқчиси деб ҳисобласа – ана унда урди худо! Бундай аёл ўзининг тангу тор, даққи қарашлардан иборат дунёчасига эрини эгиб-букиб сиғдиришга ҳаракат қилади. Оқибатда не-не асарлар дунёга келибоқ ё бўғилади, ё туғилмасдан ўлади.

Бордию аёли шон-шуҳрат, моддият, ялтироқ нарсаларга ўч бўлса-чи? Ва эрини замонасозлик қилиш, ёлғон ёзишга ундаса-чи?.. Ҳар жабҳада ижодкорни тушунадиган, ҳамдард-ҳамфикр бўладиган, қўллаб-қувватлайдиган инсонни топиш қандай саодат!

Ижодкорга ҳамнафаслик юкини ҳамма ҳам кўтара олмайди. Айнан шу икки одамнинг бир-бирига муносабати кези келганда миллат адабиётининг тақдирини ҳал қилади. “Бошқа чоранг қолмаса, дод сол! Сукут сақлаш – инсониятга нисбатан жиноятдир”, деб ёзган эди Надежда Мандельштам “Эсдаликлар”ида. Тўғри, сукут сақлаш – донолик аломати, ҳарҳолда, ёлғон сўзлаш, тилёғмалик қилишдан кўра афзал. Аммо ҳаётда жим туриш нораво, баралла гапириш шарт бўлган ҳолатлар ҳам бор. Сукутимиз сабаб адолатсизлик тантана қилмаслиги учун ҳам қўрқувни енгишимиз керак.

Сухбат давомида бу туйғу ҳақида қайта-қайта гапирдим, а? Чунки менга ҳам қўрқув бегона эмас. Қани эди, уни буткул енга олсам!..

## НАР КИМГА ДАСТУРУЛАМАЛ

### Муҳим тарихий воқеа

Конституция – башариятнинг неча-неча асрлик ижтимоий тараққиёти натижасида эришилган қадрият, бир мамлакат халқи билан давлати ўртасидаги ўзаро битим, келишув. Конституция қабул қилиндими, бас, давлат ҳам, халқ ҳам маълум бурч ва вазифаларни ўз гарданига олади.

Шу йилнинг 30 апрелида мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий ҳодиса юз берди: “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги қонун умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Рўйхатга олинган 19 миллион 722 минг 809 нафар фуқародан 16 миллион 667 минг 97 нафари референдумда қатнашди. Уларнинг 90,21 фоизи янгиланган Конституцияни ёқлаб овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси жорий йил 1 майда қабул қилган 1245-сонли қарорга асосан конституциявий қонун кучга кирди.

Янгиланган Конституция  
бизни нимага ундайди?

1992 йили қабул қилинган, бир неча бор тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Конституциямиз 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат эди. Янгиланган Конституция эса 6 бўлим, 27 боб, 155 моддадан ташкил топган.

Мавжуд 64 моддага 200 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилди. 16 нормани ўз ичига олган 6 та тамоман янги модда қўшилди. “Аёллар”, “хотин-қизлар” сўзлари икки, “инсон” ва “болалар” сўзлари уч, “ёшлар” сўзи олти карра кўп қўлланган; инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ жиҳатлар уч, соғлиқни сақлашга алоқадор бандлар тўрт баробар кенгайтирилган.

Илгари “Давлат – жамият – инсон” деган тамойил устувор эди. Энди эса “Инсон – жамият – давлат” тамойили устунлик қилади. Олдинлари одамлар давлатга хизмат қилган бўлса, энди аксинча бўлади. Шунинг учун ҳам 30 апрелни ҳақли равишда бурилиш нуқтаси ҳисоблаш мумкин.

### **Халқ иродаси**

Конституция лойиҳаси бир йил мобайнида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Кўп фуқароларимиз бунда фаол иштирок этди. Билдирилган ўринли фикрлар инобатга олинди, албатта. Айрим хато позициялардан воз кечилди ҳам.

Омма англадики, Конституция халқнинг розилигисиз қабул қилинмас, унга жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш халқнинг иштироки билан амалга ошар экан.

Янги қабул қилинган Конституциямизнинг бирон бир моддаси 1992 йилги Конституцияга тамоман тескари ёки кескин зид эмас. Шунга кўра, биз 1 майдан кучга кирган Асосий қонунимизни “янги таҳрирдаги

Конституция” ёки “янгиланган Конституция” деб тилга олишимиз зарур.

### **Эҳтиёж ва зарурат**

Бирон бир давлат бошқа давлатлар билан ҳамкорликсиз ривожлана олмайди. Ўзбекистон ҳозир жаҳон билан робиталарнинг жадал даврига кирган, таъбир жоиз бўлса, қанот ёзиб, дунёга чиқаётир.

Мустақилликка эришганимиздан бу ёғига ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича муайян тажрибалар тўпланди. Ҳаёт жадаллашиб, фаолиятимизнинг ҳамма жабҳаси ҳам Асосий қонунимизда акс этмагани аён бўлиб қолди. Сираси, уни янгилашга эҳтиёж ва зарурат бор эди.

Янгиланган Конституцияга кўплаб нормалар киритилди. Масалан, “ногиронлиги бор шахс”, “аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари”, “интеллектуал мулк”, “ватандошлар”, “монопол фаолият”, “нодавлат таълим ташкилотлари”, “мактабгача таълим”, “инклюзив таълим ва тарбия”, “бошланғич профессионал таълим”, “соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат шакллари”, “фуқароларнинг бандлигини таъминлаш”, “камбағалликни қисқартириш”, “энг кам истеъмол харажатлари” каби истилоҳлар Асосий қонуннинг олдинги вариантыда йўқ эди.

Кечагина расмий тадбирларда “камбағаллик” истилоҳини ишлатишга кўрқар



эдик. Гўё шуни қанча тилга олмай хас-пўшласак, муаммо ўз-ўзидан шунча тез ҳал бўлиб кетаверадигандек. Мана, бу атама бугун Конституцияга киритилди.

### **Ўзбекистон қандай давлат?**

Конституциянинг олдинги варианты 1-моддасида “Ўзбекистон – суверен демократик республика” деб қайд этилган эди. Янгиланган Конституцияда у қуйидагича мукаммаллаштирилди: “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”.

Олдинги ҳолатда давлатнинг уч сифати қайд этилган, бу унинг бошқарув тизимида республика шаклига амал қилиши, суверен, яъни мустақил экани, демократик, яъни халқ бошқаруви асосида фаолият олиб боришини билдирар эди.

Янгиланган Конституция 1-моддасида уч муҳим хусусият акс этган. “Ҳуқуқий” сўзи давлат қонунларга қатъий амал қилган ҳолда фаолият олиб боришини, “ижтимоий” атамаси аҳолининг кенг қатламлари манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий адолат ва ҳимоя тизимини жорий этишини, “дунёвий” истилоҳи қонунлар қабул қилаётганда диндан сўраб ўтирмаслигини аңлатади.

Гарчи Конституциянинг 1-моддасида муҳрланмаган бўлса ҳам, амалда давлат бу хусусиятларга аввалдан эга бўлиб, Конституциямизнинг олдинги вариантыда “ижтимоий” сўзи 24 қарра ишлатилган эди.

### **Ижтимоийлик моҳияти**

Энг муҳим ўзгаришлардан бири Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани қайд

этилгани бўлди. Лекин бу сўзни шунчаки қўшиб қўйиш билан чекланилмаган. Тизимли асосда қатор моддаларга шундай ижтимоийлик меъёрлари киритилганки, улар бош йўналишнинг қирраларини акс эттиради, ижтимоийлик қатъиятини қўллаб-қувватлайди, уни амалга ошириш йўлларини ҳуқуқий норма сифатида белгилаб беради.

Ижтимоийлик – давлат кенг омма манфаатларини жиддий ҳисобга олади, муҳтож, ногирон, кам таъминланган, болалар, кексалар ҳақида ғамхўрлик қилади дегани.

Янгиланган Конституцияда “ижтимоий” сўзи 42 марта ишлатилганига гувоҳ бўламиз.

### **Атом бўлинад**

Биз Асосий қонунимизни такомиллаштирдик, уни замон ва макон талабларига мос бир ҳолатга келтириб, ҳам эни, ҳам бўйига кенгайттирдик. Айрим моддаларни шакллантиришда дифференциация юз бердики, бунга табиий талаб бор эди.

Кимё фанида бир замонлар “Атом – энг кичик зарра” эканига қатъий ишонилган. Одамзоднинг ақли бир нуқтада тўхтаб турмайди. Олимлар атомнинг ҳам ички бўлинишларга эгаллигини кашф этишди. Атом кичик зарра экани инкор этилгани йўқ. Фақат у энг кичик зарра эмаслиги маълум бўлди. Чунки атомнинг ўзи янада кичик зарралар – протон ва нейтронлардан ташкил топиши аёнлашди. Улар умумий қилиб, “нуклонлар” деб аталади. Конституция моддаларининг янги талаблар асосида кенгайишини шунга ўхшатиш мумкин.

## Уч муҳим жиҳат

Конституция ҳақида гап кетар экан, уч муҳим жиҳатни назарда тутиш зарур. Мақсадга айнан шу учаласининг ўзаро уйғунлиги орқалигина эришилади.

**Б и р и н ч и с и** – замон ва макон талабларига максимал даражада мос келадиган Конституция ва қонунлар қабул қилиш. Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдан кўзланган бош мақсад ҳам айнан шу эди. Конституция қанча мукамал бўлса, у жамият тараққиёти учун шунча қулай имкониятлар яратади.

**И к к и н ч и с и** – халқнинг Конституция ва қонунларни мукамал билиши. Бу жиҳатдан умумий аҳволимиз, очиғи, мақтангудек эмас. Камина Германия, Кипр, Россия, Туркия, Эрон каби давлатларда бўлганман. Уларда аҳолининг сиёсий онги, ҳуқуқий тасавури жуда баланддай туюлади. Шу жиҳатдан янгиланаётган Конституция лойиҳасининг муҳокамаси, референдумолди тарғибот-ташқиқот кампанияси жараёнида Асосий қонун, унинг нормалари, тегишли моддалари мазмун-моҳияти билан боғлиқ кўп масалаларда фуқароларимиз фикри бирмунча теранлашди. Рост, бу жараён омманинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Ахир, фуқаро қонунни билса, унга бўйсунадими ёхуд билмасдан ҳам бекаму кўст амал қилиб кетаверадими?

**У ч и н ч и с и** – Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиш. Қонунбузарликларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: билмаслик оқибатида ва билатуриб қонунни бузиш. Мана, янгиланган Конституция қабул қилинди. Энди унга ҳамма, яъни давлат, унинг каттаю кичик барча

мулозимлари, халқ бўйсунуши шарт. Унга амал қилмаслик ёки уни бузиш қонунлар асосида жазоланади. Давлат ҳар қандай қонунбузарлик учун муқаррар жазо тайинлашини бўйнига олганми, марҳамат қилиб, шу функциясини тўлиқ бажарсин. Шу тариқагина жадал тараққиётга йўл очилади.

Келинг, мукамал Конституция қабул қилинди, тарғибот-ташқиқот ишлари яхши йўлга қўйилиб, фуқаролар ундан етарли даражада бохабар этилди ҳам дейлик. Лекин жамиятда кўриб-билиб туриб, Конституцияга тамоман зид фаолият билан шуғулланаётганлар камми? Ҳаттоки билмай туриб зид иш қилаётганлардан кўра билатуриб терс фаолият олиб бораётганларнинг зарари кўпроқдек туюлади.

## Профессионал тарғибот зарурати

Конституция тарғибини непрофессионал даражага тушириб қўйишни оқлаб бўлмайди. Бу одамларни бездиради. Истайсизми-йўқми, ишга ёлғон аралашади. Ҳаққонийлик ва самимийлик ўрнини юзакилик, “ура-ура”чилик ва сохтакорлик эгаллайди.

Фуқаро Конституция ва у асосда қабул қилинган қонунларга бўйсунган ҳолда яшайди. Аммо Конституция ва қонунларни билмаган фуқаролар фақат раҳбарларининг топшириқларини бажаради, уларнинг қонунийми ёки қонунга зидми экани билан мутлақо қизиқмайди. Чунки билмайди-да. Аҳолининг онгсизлиги ҳамма замон ва маконларда ҳам бир ҳовуч одамларга қўл келади, тоталитаризм, монополизм, диктатура, бюрократия ва яна қанчадан-қанча башариятни орқага тортадиган иллатларнинг сойига сув қуяди.

Ҳар қандай Конституцияда эскирган, ўзгартирилиши зарур нормалар бўлиши мумкин. Аммо бир ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ: муайян бир даврда йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун Конституция айбдор эмас, айбни ижросизлик ва назоратнинг сустлигидан излаш керак.

### **Инсоф – конституциявий норма эмас**

Конституцияда “инсоф” деган норма йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас, ахир. Чунки инсофнинг меъёри, мезони, ўлчови, чега-раси бўлмади.

Халқимиз орасида “Ғар бўл, ўғри бўл, инсофли бўл” деган ғалатиноқ мақол кўп ишлатилади. Қонун бундай эгилувчанликни мутлақо қабул қилмайди. Қонунда ғар бўлиш ҳам, ўғри бўлиш ҳам қатъиян, яъни мутлақ ҳолда ман этилади, вассалом.

Акс ҳолда, “Пора олсанг, минг доллар олма, инсофли бўл-да, юз доллар ол”, деганга ўхшаш фатво берилгандек бўлиб қолади...

### **Билиш фазилатию билмаслик оқибати**

Фуқаронинг Конституцияни билмаслиги охир-оқибат унинг зиёнига ишлайди. Чунки у билмагани учун ўзига берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдалана олмайди.

Ҳаётининг мисол келтираман. Бир неча йилдирки, мамлакатимиз солиқ соҳасида аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган “Cashback” (“Кешбэк”) тизими жорий этилган. Гарчи қўлимизда аниқ статистик маълумот бўлмаса ҳам, ишонч билан айта оламизки, фуқароларимизнинг ярмидан кўпи бундан фойдаланмай келяпти. Чунки

бундан тамоман беҳабар-да. Хўш, бу тизим фуқарога нима беради?

Ҳаммамиз меҳнат қилиб, даромад топамиз. Кундалик ҳаёт эса ана шу даромадимизни сарфлашни тақозо этади. Ана энди харидларингиз учун чек талаб қилишингиз керак. Бу борада “Soliq.uz” иловаси жонга ора киради. Қўлингиздаги харид чекини “QR” коди орқали телефонингизга “ўқитасиз”. Чек суммасининг бир фоизи шу заҳоти ҳисобингизга тушади. Савдо ва хизматлар соҳасида қанча кўп сарфласангиз, шунча кўп маблағ ҳисобингизга ўтади. Ой охирида тизим автоматик равишда тўловларингизни текшириб, сарфлаган пулингизнинг бир фоизини ўзингиз кўрсатган пластик картага ташлаб беради.

Дейлик, каттароқ оилалар ойига 10 миллион сўмлик харид қилади. Ой охирида шунинг 100 минг сўми ўзига қайтиб келади. Бир йилда эса бу 1 миллион 200 минг сўмни ташкил этади. Ёмонми? Чўнтагингизда 2000 сўмингиз бўлмаса, автобусга чиқа оласизми? Нега унда шунча ҳалолдан ҳалол ризқингизни эътиборсизлик важдан ҳавога совуряпсиз?

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: сиз ўз манфаатингиз учун сотувчидан чек талаб қилиш билан бирйўла унинг даромадини солиқдан яшириш жиноятига барҳам беряпсиз. Чек урилдимми, у қонуний тарзда даромадидан солиқ тўлашга мажбур. Солиқ тизимининг яхши ишлаши давлатнинг ўз функцияларини бекаму кўст бажаришига асос бўлади. Мактабу шифоналар бунёд этилади, халқ учун фойдали ишлар амалга оширилади.

Шу кичик мисолдан катта хулоса чиқарса бўлади.

## Фармон ва ижро

Жорий йил 8 майда Президент Шавкат Мирзиёев “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Бундан буён ҳар қандай қонун ёки қонуности ҳужжати янгиланган Конституцияга мос равишда қабул қилинади. Эски қонунларнинг барига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Фармонда белгиландики, “янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланади”.

Яна урғу бериб таъкидландики, “Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди”.

Шунингдек, фармонда янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси экани белгиланди.

Фармон билан янги таҳрирдаги Конституцияга оид вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури, унинг устувор ғояларини рўёбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича

давлат комиссияси; суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини изчил амалга ошириш бўйича экспертлик кенгашлари таркиби ва уларнинг вазифалари тасдиқланди.

2023 йил 1 сентябрдан республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига, жумладан, кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириши тартиби жорий этилади.

2023 йил 1 августдан эса солиқ тўловчилар томонидан, ёшидан қатъи назар, фарзандларининг Ўзбекистон ўқув юртларида таълим олиши учун йўналтириладиган тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилади.

Бундан ташқари, 2023/2024 ўқув йили бошлангунига қадар барча таълим турлари ва босқичларидаги Конституцияни ўрганиш бўйича ўқув режалари ва таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларни янги таҳрирдаги норма ва қоидаларга мослаштириш, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирдаги Конституцияни ўргатиш бўйича замонавий дарслик, қўлланма ва махсус адабиётлар яратиш, янги таҳрирдаги Конституциянинг модда-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш кўзда тутилган.

## Тасаввур қачон ўзгаради?

Ҳеч ким Конституцияни ўқимай туриб, у ҳақда фикрлашга ҳақли эмас. Бизда шу вақтгача Асосий қонун ўқиладиган китоблар сирасига кирмай келган. Бу тасаввурни ўзгартиришимиз керак. Буни бартараф этишда зиёлилар жонбозлик кўрсатмоғи

зарур. Демак, энг катта юмуш энди бошланади. Бундан кейин бош масала янгиланган Конституциянинг менга, сизга ва унга – барчага дахлдорлигини тушунтиришдан иборат. Аммо бу баландпарвоз, осмончўққи гаплар билан бўладиган иш эмас. Натижага профессионал даражада, тизимли асосда тарғиб этиш орқали эришилади.

Ифодали қилиб айтганда, янгиланган Конституцияни фуқароларнинг чўнтагига солиб қўйиш керак. Аслида, Конституция – қизиқарли бир китоб. Одамлар бундан кейинги фаолиятида у таянч қурол экани, унга суяниб яшаш лозимлигини ич-ичидан ҳис қилсин.

Шу тариқа фуқароларда сиёсий-ҳуқуқий онг шаклланади. Бу эса фуқароларнинг фаоллашишига замин бўлади. Фуқаро қанча фаоллашса, жамият шунча ютади.

### **Яна бир катта сиёсий жараён**

Шу кунларда Ўзбекистонимизда яна бир катта сиёсий жараён бошланди. Янгиланган Конституция кучга кириши билан мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида янги нормаларга суянишга киришилди. Бу эса президент сайловини ҳам тақозо этди.

Тараққиёт қонунларда белгиланган асосда юз бериши керак. Бўлмаса, бошбошдоқлик авж олиши, яъни давлат ҳам чегарадан чиқиши, халқ ҳам давлатга бўйсунмай қўйиши мумкин.

Конституцияни янгилашдан кўзланган бош мақсад – тараққиёт ва яна тараққиёт. Нима қилсак-қилайликки, мамлакатимиз имкон қадар тезроқ қоқоқлик ботқоғидан чиқиб, илғорлар сафидан ўрин олсин.

Тараққий этмасак бўлмайди. Ахир, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича айрим қўшниларимиздан ҳам йиллар орқада қолдик-да. Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор, албатта. Марказий Осиёдаги умумаҳолининг тенг ярми Ўзбекистонимизда истиқомат қилади. Лекин бизда ҳудуд озроқ, аҳоли ниҳоятда кўп. Бизнинг юкимиз жуда оғир, хос муаммоларимиз ҳам талайгина.

Бироқ мамлакат жадал ривожланиш босқичига кирганини кўзимиз билан кўриб турибмиз. Кейинги йилларда пойтахтимизнинг Сергели ва Янгиҳаёт туманлари ҳудудида бир миллион аҳоли учун янги уй-жойлар бунёд этилди. Бу – катта бир шаҳар дегани. Ана шу кўпқаватли янги иморатлар орасидан ерусти метроси ўтказилди.

Ўз даврида Ватанимиз тамаддун бешиги бўлган, аждодларимиз башарият умумтараққиётига улкан ҳисса қўшган! Ўша халқнинг авлоди сифатида ривожланишга ҳар биримиз кўлимиздан келганча ҳисса қўшишимиз зарур. Зеро, янгиланган Конституция давлатнинг гарданига ҳам, халқнинг бўйнига ҳам янги-янги вазифалар юклайди. Энди уларни оғишмай амалга ошириш лозим бўлади. Ахир, Ўзбекистон халқи – ривожланишга юз карра лойиқ.



Абдулла АЪЗАМ



## TANQID ANATOMIYASI

### Муқаддима

- Танқид ёқадими сизга?
- Ўзгалар, айниқса, раҳбарлар танқид қилинса албатта ёқади.
- Қилинса деганингиз нимаси, танқид қилсам денг.
- Йўғ-э! Оч қорним – тинч қулоғим. Ана, бошқалар танқид қилаверсин.
- Тушунарли. Ўзингизни танқид қилишса-чи?
- ...

### Доридан-да аччиқ

Олти мучалдан зиёд яшаб, “Мени ҳақли танқид қилишибди, барака топишсин” деган ҳаммиллатни учратмадим. Аксинча, танқидга қуйидагича муносабатга ҳар қадамда дуч келамиз: “Билмаган эканман,

менга душман экансан-да”, “Ҳап сеними!”, “Сен кимсанки, мени танқид қиласан?”, “Бу қип-қизил бўҳтон-ку!”, “Менда қасдинг бормиди?!”, “Аввал ўзингга боқ!”...

Алҳосил, танқид қилувчи наф кўриши маҳол, зарар кўришининг эҳтимоли эса катта. Боз устига, ўзига душман орттириб олиши тайин. Шундай экан, танқид деганлари кимга керак?

Бу савол, чамаси, қадим-қадимдан афкор аҳлини ўйлантирган. Халқ мақоллари шундан шаҳодат беради. Масалан, “Гап келганда, отангни ҳам аяма”. Мақолми, демак, ҳикмат, ибрат мужассам унда. Аммо болалигимда ҳам, кейинроқ ҳам танқид сабаб таъзимимни хўб еганман.

“Дўст ачитиб гапирди, душман – кулдириб”. Бундан чиқадики, танқид ҳамisha

аччиқ келади. Маълумки, дори аччиқ бўлса ҳам, болаларга зўрлаб ичирилади. Шифо учун-да. Дўстнинг танқиди аччиқ доридан фойдалироқ бўлган тақдирда ҳам “ичилиши” қийин. Зўрлаб оғизга қуйилганда ҳам ютилмайди, ютилса – ҳазм бўлмайди. Бир амаллаб чиқариб ташланади. Ундан кўра, касал бўлиб юравериш афзал-да!

Бу мақолнинг иккинчи қисми янада тегна тағмаёноли. Агар кулдириб гапирувчилар душман бўлса, каттаю кичик амалдорлар ўз атрофига фақат ғаним йиғар экан-да! Ахир, бошлиқни кулдириб, кайфиятини кўтариб, иш битириб олиш қўл остидагилар учун айни муддао-ку!

Дарвоқе, эл аро машхур “Бетга айтганинг захри йўқ” мақоли боис унинг ижодкори бўлмиш халқ танқидга лойиқ: бетга айтганининг шунақа захри борки!..

### **Тил захри битмас**

Танқиднинг бош куроли – тил. Билиб-билмай танқид қилиб, балога қолганларга қарата “Тилингдан топ!” дейилади. Бу мавзуда ўнлаб халқ иборалари бор. Қизиқ жиҳати, одатда танқид қилувчининг ўзи танқид ўқиға нишон бўлади: “Тилингни тийсанг, ўлармидинг?!”

Ҳайвон танқид нималигини билмайди. Шунга қарамай танқидчи ҳайвонга ўхшатилади: “Эчкининг ўлгиси келса, эгасини сузади”, “Ит эгасини қопар экан-да”.

Бу нақлларнинг аксари танқид тўғрисида эмас, аммо шу бобда ишлатилиб, танқид чақув, ҳақоратга тенглаштирилади. Ҳолбуки, соғлом танқид ижобий, чақув эса буткул салбий ҳодиса. Танқид аччиқ бўлар, чақув эса ҳаммиша заҳар. Танқид – тараққиёт омили, чақув эса таназзул белгиси.

### **Танқидсиз яшаб бўладими?**

Йўқ, бўлмайди!

Танқид ўғай бўлган жамият тараққий этмайди, танқидсиз давлат инқирозга юз тутаети.

Кўз олдимиғза келтирайлик: XIX аср, хонлар даври. Хушомаду маддохлик авжида. Хонлар, амирлар, тўралар, беклар, бекчаю амирчалар, бою сарватмандлар, ҳатто эшону хўжаларнинг кўпчилиги нима номаўқул иш бўлса қилиб ётибди. Аммо жилла танқид йўқ. Иллатларга қарши сўз айтган тирик жон борки, балога қолган – дарра еган, зиндонга солинган, ҳатто дорга осилган, бўғизланган. Шу тариқа танқидни тағ-туғи билан қириб битиришга ҳаракат қилинган.

Ваҳоланки, адолатсизлик илдиз отиб кетган эди. “Фалончи қирқ йил чоракорлик қилса ҳам, ер эгасидан қарзини узолмабди, қизини (ўғлини) қул қилиб беришга мажбур бўлибди” – “Беради-да. Нима, бой бечора қарздан кечсинми?”

Иқтисодий зулм одатий ҳолға айланганидан, у ҳатто аксар тарихий асарларда ҳам қайд этилмаган. Адолатсизликлардан Гулханийнинг “Зарбулмасал”и каби мажозий асарларни ўқиб хабар топганмиз.

Адолатсизликнинг бошқа тури бадий адабиётда яхши ёритилган. Кимнинг чиройли қизи бор – бошига бало бўлган. “Ичанқалъа” музейида оқпошшо хонга ҳадя қилган карета сақланар эди. Кўю кентларда бу арава ғилдиракларидан чиқаётган тарақа-туруқни эшитган хушрўй ожизаси бор оилалар юрак ҳовучлаб ўтирган, чунки у ожизалар ҳарамни тўлдириш учун шу каретада олиб кетилган. У даврларда матбуот-ку бўлмаган, шариат

бормиди? Муфтий, қозикалон, шайхулислом қаёққа қараган?..

Чархи фалак айланиб, хону бекларнинг қочгани қочиб, қолгани писган замондагина фош қилинди ўша қора кунлар. “Меҳробдан чаён”да хонни танқид қилган Анвар дорга осишга ҳукм этилади. Анварнинг прототипи тарихда бўлганми? Бўлса ҳам, хонни танқид қилишга журъати етганми? Пичоқ бориб суякка тақалганда айтгандир балки у исёнкор сўзларни?! Ҳаётда Анвар аччиқ сўзларни хоннинг юзига айтганига ишониш мумкиндир, аммо дордан қочиб қутулганига ишонгиси келмайди кишини.

Солиҳбой хон эмас эди, анчайин бой эди. У истаганча хотин устига хотин олган, бировнинг хасми бўлган Жамилага ҳам уйланишга қасд қилган. Қулдай муте Ғофир бунга эътироз билдиргани учун ҳақсиз равишда сургунга жўнатилган. На қози, на имом, на элликбоши бойни танқид қилди, аксинча, ҳаммаси бир бўлиб Ғофирни қоралайди. Ҳамза бўрттирган дейсизми? Унда реалист Ойбек ҳам муболаға қилганми? “Қутлуғ қон”даги Мирзакаримбойнинг Солиҳбойдан фарқи каттами?

Хулоса шуки, танқид йўқ жойда адолатсизликнинг куни туғади. Адолат эса Оллоҳнинг омонатидир. Амир ул-мўминин Умар Форукни (р.а.) раият ҳам бемалол танқид қила олгани ҳақида ривоятлар бор.

Дарҳақиқат, лозим ҳолатларда танқид қилмаслик гуноҳ. “Золимлар зулми” деган иллатга қарши ҳақ сўздан бошқа дори борми? Аччиқ дея дори ичилмаса, касалнинг ҳоли нима кечади? Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг тақдири бу саволга жавоб эмасми?!

## Қудрат омили

Танқид куч-қудрат, тараққиёт омилидир. Хонлар даврининг ҳам, шўро давлатининг ҳам инқирози танқидсиз бошқарув сабаблидир. Зотан, бошқарув моҳиятан долзарб муаммони тўғри қўя олиш, ечим излаш ва муқобилу мақбул йўлни танлашга асосланади.

Тасаввур қилайлик, 10 кишидан иборат ҳайъат қарор қабул қилиши керак. Одатда, ҳайъатга бир неча ечим варианти тайёрлаб берилади. Хўш, улар орасида муқобил (оптимал) ечим борми? Равшанки, шу саволнинг ўзи – танқидий ёндашув. То бундай савол қўйилмас экан, муқобил ечим четда қолиши аниқ. 2000 – 2010 йилларда кадр сиёсатида бу ҳол мунтазамлик касб этганига шохид бўлганман – масъулар ундан маҳорат билан фойдаланган.

Ечим вариантлари имкон қадар кенг доирадан сараланди ҳам дейлик; улардан муқобилини танлаш-да осон бўлмайди. Кўпинча бир қарашда яроқсиз туюлган ечим алалоқибат энг мақбул бўлиб чиқиши ва аксинча, аввал жозибали туюлган таклифнинг пировардида миси чиқиши мумкин. Амир Темур ўз тузукларида муҳим қарорларни машварат билан қабул қилганини айтган. Бунинг натижаси бутун дунёга маълум. Афсуски, Соҳибқирон машваратлари баённома тарзида қайд этилмаган, аммо аминмизки, улар анча эркин руҳда ўтган. Бизнингча, ҳукмдор аввал машва-



рат иштирокчиларининг фикрини сўраган. Носамимий, хушомад йўсинида фикр билдирганлар назардан қолган.

Агар энг мартабали иштирокчи биринчи бўлиб ўз фикрини билдирса, машварат офаринбозлик руҳида ўтади. Бунинг ёрқин мисоли КПСС Сиёсий бюросининг 1980-йиллардаги мажлислари. Мамлакат иқтисодий ботқоққа ботиб боряпти, армия Афғонистонда шарманда бўлаётир, давлатнинг халқаро миқёсда ҳам, халқ олдида ҳам обрўси тўкилган... Сиёсий бюро мажлисларида эса офаринбозлик, “олтин-юлдуз”бозлик. Танқид “борса-келмас”га кетган. Аввалроқ ўзбекистонлик давлат арбоби, қисқа муддат Сиёсий бюро аъзоси бўлган Нуриддин Муҳиддинов “маккажў-хорисевар” саркотибга “Бошқа экинларни нима қилсангиз ихтиёрингиз, аммо пахтани ўзимизга қўйиб беринг” дегани учун сургунга – элчиликка юборилган эди.

Ҳегель очган диалектик логикага мувофиқ, ҳар қандай воқеликда қарама-қарши жиҳатлар ажралмас бирликдадир. Хусусан, қабул қилинаётган ечимнинг кўзга яққол ташланадиган ижобий жиҳатлари билан бирга илғаш қийин салбий қирралари қоришиқ бўлади. Вақт ўтиб салбий қирралар ижобий жиҳатларни босиб кетиши мумкин. Бир мисол, 40 йилча аввал олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари баҳоларига аттестат баҳоларининг ўртачасини қўшиб мандат ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу таклифни илгари сурганлар фақат ижобий жиҳатни кўрган: мактаб ўқувчилари юқорироқ баҳо олиш учун яхшироқ ўқийди. Хуллас, ният яхши. Амалда эса натижа тескари бўлди: ўқувчилар билими зиғирча ҳам кўтарилмади, аммо ат-

тестат баҳолари ўша йилдаёқ ўсиб шифтга етди. Оқибатда “яхши ният” таълимда коррупция кучайиши, юқори баҳонинг обрўсизланишига олиб келди. Танқидлардан кейин таълимдаги бу ислоҳот бекор қилинди. Аччиқ гаплар ўз вақтида айтилганда, талафот катта бўлмас эди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

### “Сиёсий ҳаммом”

Дунё тарихида энг узоқ давр пойдор бўлган давлатлардан бири бу – Рим республикаси (мил. авв. 509 – 27 йиллар). Манбаларга кўра, Рим сенаторлари ҳаммомни яхши кўрган, мажлисдан чиқасолиб ювинишга йўл олган. Ҳаммомда бадан покланади. Рим республикаси сенати эса “сиёсий ҳаммом” вазифасини ўтаган – сиёсат кирдан тозаланган. Олий ҳокимият бўлмиш сенат мажлислари баҳс руҳида ўтган. Баҳслар ҳаммомда ҳам давом этган. Мустақил суд мажлислари кўчада ўтказилган: “Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич”. Суд жараёнини қораловчи ва оқловчиларнинг ўзаро баҳси тарзида ўтказиш ўшанда жорий қилинган.

Дарвоқе, “Рим ҳуқуқи” АҚШ конституциясининг мағзини ташкил этади. Унда республика тузуми янада такомиллаштирилган. Хусусан, сўз эркинлиги ўз мулкни қурол билан ҳимоя қилиш ҳуқуқи даражасида муқаддаслаштирилган. Қудрати ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан кам бўлмаган “тўртинчи ҳокимият” Франклин, Жефферсон каби Америка “миллат оталари”нинг ихтиросидир. Эркин матбуот “сиёсий ҳаммом” вазифасини нақадар самарали ўтаб келаётгани маълуму машҳур.

## Субъект ва объект

Танқид тушунчаси субъект (танқид қилувчи), объект (танқид қилинувчи), предмет ва мақсаддан таркиб топади. Субъект ҳамиша одам бўлади, албатта. Танқид партия ёки бошқа ижтимоий гуруҳ томонидан билдирилганда ҳам, замирида шахс туради. Шўро даврида жамоавий мурожаат, шикоят йўллаш урфга кирган эди. Нақадар ғаройиб – ўнта-йигирмата одамнинг калласида хат ёзиш фикри бир пайтда туғилса-я?! Йўқ, ундай эмас, албатта. Аслида, субъект битта – хат ташаббускори.

Танқид объекти эса турлича, ҳатто танқид қилувчининг ўзи бўлиши ҳам мумкин – бу ўз-ўзини танқид деб аталади. Намуна: ушбу мақола муаллифи ялқовликдан ҳозиргача ёзиши лозим рисолага қўл урмай келади. Бир замонлар танқиднинг бу тури кенг тарқалган эди, бироқ у самимий бўлганига ишониш қийин. Одам ёлғиз қолганда, масалан, ойнага қараб ўзини ўзи танқид қилиши, ўзига “Мен фаришта эмасман-ку” деб туриши кони фойда...

Субъектдан фарқли равишда танқид объекти гуруҳ, жамоа, халқ бўлиши мумкин. Дейлик, спорт шарҳловчиси ҳакамни ҳам, футбол жамоасини ҳам, стадионга жам бўлган ишқибозларни ҳам танқид қилиши мумкин – унисини сотилганликда айблайти, бунисини отнинг калласидай маош олса ҳам эплаб тўп тепа олмаётгани учун, ярим стадионни эса одобсизлиги сабабидан. Алишер Навоий бутун халқни танқид қилган:

*Турфа кўрки, халқ коми бирла умрим бўлди  
сарф,  
Турфароқ буки, биравга ёқмади бир хизматим.*

(Бутун умримни халқ манфаати йўлида ўтказдим, аммо, ажабки, ҳеч ким хизматим-

дан қониқмади. Ҳазрат демоқчики, ношукур халқ яхшилиқни қадрламади.)

Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонининг XVI бобида сўзга ва унинг маъносига бепишанд шоирларни ҳам қоралайди, аммо бу худпарастликка ўхшаб қолганидан сесканган каби ўзини танқид қилишга ўтади:

*Арбада кўп бўлди, магар маст мен,  
Ёки жунун қайдиға побаст мен.*

(Бемаъни гапларни ёзиб чунон ғавғо қилдимки, бу ё мастликдан, ё телбалиқдан.)

Танқиднинг мақсади барча унсурлар ичида энг муҳимидир. Мақсадига кўра танқид конструктив (бунёдкор) ва деструктив (вайронкор) турларга бўлинади. Конструктив танқиднинг мақсади объектнинг фойдасига, деструктив танқидники эса зарарига қаратилади. Сўзларнинг маъносига қаралса, биринчиси ижобий, иккинчиси салбий ҳодиса бўлиб кўринади. Аслида эса танқиднинг яхши-ёмонлиги бошқа мезон – эзгулик ва ёвузлик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Шунга кўра мақсади бўйича танқид тўрт гуруҳга бўлинади:

Эзгу мақсадга қаратилган конструктив танқид (ушбу мақоламиз шу сирага киради).

Эзгу мақсад йўлида деструктив танқид. Бугун иқтисодиётдаги монополизм, сиёсатдаги деспотизм каби салбий ҳодисалар танқиди шу тоифага мансуб.

Ёвуз мақсад кўзланган конструктив танқид. Бунга мисол – “Амал теккан экан, фойдаланиб қолсанг-чи” деган “доно” маслаҳат.

Ниҳоят, ёвуз мақсад йўлида деструктив танқид. Айрим хориж оммавий ахборот воситаларида учинчи дунё давлатларига нисбатан шундай танқид намуналари кўп учрайди.

Фельетон, памфлет, карикатура – деструктив танқид жанрлари. Улардан эзгу мақсад йўлида ҳам, ёвузлик мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Аслида, танқиднинг конструктив ё деструктивлиги эмас, муаллифнинг мақсад-маслаги муҳимроқ.

### Синчи

Озод Шарафиддинов адабий танқидчини отларнинг учқурлигини аниқлайдиган синчига менгзар эди. Адабий танқид аслида таҳлилдан иборат, уни **таҳлилий танқид** деган маъқул. У ҳамиша предметга – ижод маҳсулига, лозим бўлса, услубига қаратилиши лозим. Сталин қатағонлари даврида эса бадиий асар танқид қилиниб, унинг муаллифига “буржуа ёзувчиси”, “халқ душмани” каби тамғалар босилганки, у танқид эмас, иғво бўлган.

Фикримизча, таҳлилий танқиднинг олий нави – истеъдодни кашф этувчи танқид, жамият учун фойдалиси – плагиатни фош қилувчи танқид, энг муҳими – ёвузликка хизмат қиладиган асарларга қарши қурашувчи танқид.

Таҳлилий танқид ижодни юксалтиради. Айниқса, илмий тадқиқотлар учун танқиднинг бу тури муҳим. Илмий тадқиқотдан мақсад – объектив ҳақиқат излашдир. Олим тадқиқотини эълон қилишдан аввал ўзи, эълон қилинган эса илмий жамоатчилик бундай савол қўйиши ва унга жавоб излаши лозим: “Тадқиқотда объектив ҳақиқат баён қилинганми? Муаллиф жилақурса шунга интилганми?” Шу мақсадда асар тақриздан ўтказилади. Диссертациялар учун оппонентлар белгиланишининг боиси ҳам шу.

Афсуски, бугунги кунда оппонентлар мадҳиябозлик билан машғул. Илмий янгилиги тарозидида зиғирча ҳам юк босмайдиган ишларга, натижалари ҳақиқатдан йироқ диссертацияларга ижобий хулоса бериш – олим учун уят. Синчи эшакни зинҳор “дулдул” дея атамайди, ахир...

### Танқиднинг “миллати”

Ажабланманг, танқиднинг миллати бўлади. Масалан, бир мамлакатда оммавий ахборот воситаларида танқидни объектининг шахсий ҳаётига қаратиш номус ҳисобланади, бошқа бирида эса бундай табу йўқ.

Араб тилида сизлаш йўқ, инглизчада эса сенсираб бўлмайди. Ҳар икки грамматик категория ҳам бор тиллардан бирида фарзанд ота-онасини бемалол сенсирайверади, иккинчисида ака укасини ҳам сизлаши лозим. Алҳосил, тилнинг хусусияти халқнинг менталитетига, у эса танқид тарзига таъсир қилади. Ўзбек тилида “сиз” ўрнида “сен” деб ҳам, “сен” ўрнида “сиз” деб ҳам одамнинг кўнглини оғритиш мумкин.

Ғарб дунёсида танқид қилинадиган объект аяб ўтирилмайди, Шарқда эса бундай танқид ғаюрлик кўзғайди, низо келтириб чиқариши ҳам ҳеч гап эмас. Сўз эркинлиги деганда журналистлар аслида танқид эркинлигини назарда тутуди. Ушбу сатрлар муаллифига ўхшаган, оврўпоча ҳаёт тарзи билан таниш бир чимдим зиёлилар бизда ҳам чек-чегарасиз сўз эркинлигини, яъни танқид эркинлигини орзу қилади. Аслида, кўкнорихаёл бу. Балки оғудир...

**Тамсил.** 2001 йил. Таълимда “икки”дан “беш”гача бўлган баҳо тизимидан рейтинг

тизимига ўтилди (бу қайсидир юртдаги тизимга кўр-кўрона тақлид эди). Биров ҳамма фан 100 баллгача баҳоланиши керак деса, бошқа биров қайси фанга қанча соат ажратилган бўлса, шунча баллгача, дея тортишди. Баҳсда “юзбалл”чилар энгиб чиқди.

Ўқувчи ва талабалар ҳар бир дарсда муайян балл йиғиб бориши, бу эса уларнинг дарсдаги фаоллигини ошириши лозим эди. Бироқ бу ўқитувчидан балларни журналга ёзиб бориш учун анча вақт талаб этар, қайси жавоб 12 балл, қайсиниси 13 балл деб баҳоланиши ҳам мужмал эди (ҳозир ҳам).

Камина таълим тизимини яхши биладиган шогирдим билан анъанавий тўрт балли баҳолаш асосида 100 балли рейтинг лойиҳасини тайёрлаб, олий идорадаги таълимга масъул танишимга тақдим қилдим. У шошиб турган экан, “Қолдиринг, кейин кўраман” деди-ю, лекин биринчи саҳифасини кўздан кечирибоқ қизиқиб қолди, ўқишга тушиб кетди. Ўқиш давомида “буниси тўғри эмас”, “мана буниси мутлақо бўлмайди” дея изоҳлаб борарди. Мен “маъқул”, “қўшилмайман”, “ўйлаб кўриш керак экан” қабилида жавоб бериб турдим. Мутасадди психология фанлари доктори эди. Матнни ўқиб бўлиб, “Ғалати одам экансиз” деди. Ажабсиндим.

– Хорижда ўқиганмисиз? – деб сўради дабдурустандан.

– Шундай деса бўлади.

– Сезилиб турибди. Ғарбда танқид (бошга қўлини қўйиб) ақл билан қабул қилинади, “ўринлими, ўринсизми?” дея фикрлаб, маъқули олинади, номаъқули – йўқ. Бизда эса танқид (қўлини юрагининг

устига қўйиб) қалбдан ўтказилади. Сизни йўл-йўлакай танқид қилиб бордим, хафа бўлмадингиз.

Ўринли, яна ишнинг фойдасига қаратилган танқиддан нега хафа бўлиш керак? Аксинча, хурсанд бўлиш керак-ку!

Холис танқидчи – энг яхши маслаҳатчи. Бундай танқидчиси бор ижодкор бахтлидир.

Албатта, танқидни қабул қилишгина эмас, танқид йўсини ҳам эҳтиросли ва эҳтироссиз бўлиши мумкин. Биринчи тур танқидга жавоб ҳам эҳтиросли бўлиши табиий. (Эҳтирос, умуман олганда, ижобий ҳодиса. Хусусан, эҳтиросли танқид кучлироқ таъсирга эга бўлади.)

Биз тарихимизда эҳтиросли танқидга роса тўйганмиз. Ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида газеталарнинг ҳар бир сонидида қайсидир арбоб “дўппосланган”, мажлислар эса салкам дуэлга айланган. Газетадаги ҳар бир танқид унинг объекти устидан жиний иш очилишига сабаб бўлган. Балки ўша танқидий чиқишлар ичида ўринлилари учрар, аммо юзта ўринли танқиднинг самараси битта тухмату ифводан иборат танқид туфайли кимнингдир қамалиб кетишига арзимади. Битта инсоннинг умрига зомин бўлган танқид қаршисида фойдали танқиднинг миллионтаси бир пул. Сираси, биз миллий танқид йўсинини ислоҳ қилиб боришга муҳтожмиз. Бинобарин, танқид тухмат воситасига айланишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ёвузликни танқид қилувчилар миллат бойлигидир. Бу йўлда фидо бўлган одам Бухоро амири Насруллоҳни ҳажв қилган шоир Жунайдуллоҳ Ҳозиқ каби миллий қаҳрамонга айланади. Қўқонда Нодира ва

унинг оила аъзоларини қиличдан ўтказган амир шоирдан мадҳия ўқишни сўраганда у:

*Буриди бар қади худ аз маломат  
Либосе то ба домони қиёмат, –*

деган байтни ўқийди (маъноси: ўз устингга шундай маломат либосини ёпдингки, уни қиёматгача ечолмайсан). Шоирнинг халқ ўртасидаги обрўсидан ҳайиққан амир аламини ичига ютади. Бироқ кейинроқ қотил ёллаб, қувғиндаги шоирнинг бошини кесдиради (*батафсил маълумот учун қ.: Қаюмов П. Ҳозик. Тошкент, “Ўзфанакад-нашр”, 1957; Жабборов Р. Икки байт учун кесилган бош. <https://oyina.uz>*).

### Навоиёна танқид

Биз учун энг маъқули, мақбули – бетгачопарлик билан эмас, балки вазминлик билан, нафсониятга тегмайдиган йўсинда, панд-насиҳат руҳида айтилган танқиддир. Миллат тарбиячиси Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий фаолиятида танқиднинг ана шу шаклидан самарали фойдаланган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Садди Искандарий” дostonлари деярли тўлиқ, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” дostonларининг бир неча боби танқид руҳида. “Мажолис ун-нафойис” тазкираси таҳлилий танқид, “Маҳбуб ул-қулуб” эса ижтимоий танқид бўйича рисолалар дейиш мумкин. “Ҳазойин ул-маъоний”да, айниқса, қитъаларда ўткир сатира билан йўғрилган навоиёна танқид намуналари кўп. Ҳамма биладиган, аммо амал қилавермайдиган “Одамий эрсанг, демагил одами / Они, ки йўқ халқ ғамидин ғами” байти ана шулардан бири. Ҳазратнинг танқид формуласи бундай: **“Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!”**

Буюк мутафаккир асарларида қуйидаги хусусиятларни кузатиш мумкин: танқидий гапни панд-насиҳат тарзида, “Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит” қабилида баён қилиш; объект ҳурматини жойига, ҳатто ўзидан юқорига қўйиш; фикрни Қуръони карим ва ҳадис, тарихий ва бадиий адабиётдан таъсирчан мисоллар билан далиллаш; насиҳатни сабр-қаноат билан давом эттирган ҳолда самарага эришиш.

Ҳамма замон, ҳамма маконда ҳам ҳоқимият соҳибларининг яқинлари, фарзандлари ва аъёнлар мавқедан фойдаланиб, номаъқул ишлар қилишга мойил бўлган. Абулғози Султон Ҳусайннинг бахтига Алишер Навоийдек мунаққид бор эди. Султоннинг ўғиллари Навоийнинг танбеҳ ва танқидидан ҳайиқиб, ўзини тийиб юрган. Зотан, бу табаррук зотнинг юмшоққина қилиб айтган ўғити анча-мунча жарроҳ тигидан ўткирроқ бўлган.

Навоий самимий дўст сифатида султонга ҳам ўз муносабатини билдириб турган. “Ҳайрат ул-аброр”нинг Бадиуззамон мирзога бағишланган бобида валиаҳдга кескин панд сўзлаб, бундай хулоса қилади:

*Кофири одил ани (мамлакатни) обод этиб,  
Мўъмини зolim ани барбод этиб.*

Ҳукмдорга сўзи ўтишига ҳам умид билдиради:

*Шаҳға сўзумдин бор эса эътибор,  
Гар санга ҳам панд десам, ери бор.*

Султон Ҳусайнга Навоийнинг сўзи эътиборли дегани – дўсти нима деса дарҳол қабул қилган, дегани эмас. Султон Хоразмни обод қилмоқ ниятида уч минг



хонадонни кўчириш тўғрисида фармон қабул қилади. Навоий юзлаб оилага азият етишини ўйлаб, дўстини бу қарордан қайтармоқчи бўлади. Бир неча марта такрорласа ҳам (бу моҳиятан танқиддир!), султон ўз айтганида туриб олади. “Ўзингиз менга бир гапни ўн икки мартагача такрорлаш ҳуқуқини бергансиз, шунинг учун такрорлайвераман”, дейди Навоий. Султон юмшаб, кўчириладиган хонадонлар сонини минггага туширади.

### **Танқид маданияти қандай шаклланади?**

Навоиёна танқид услуби ҳамisha долзарб бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Қайд этиш лозимки, биз монархия эмас, ҳуқуқий демократик бошқарувни танлаганмиз. Шундай экан, бу тузумнинг ажралмас унсури бўлган раият томонидан танқидий фикр билдириш ҳуқуқи ҳурмат қилинмоғи даркор. Бу ҳуқуқ танқид қилиш ва танқидни қабул қилиш маданияти билан уйғун келсагина, миллат бирлиги ва тараққиётига омил бўлади.

Хўш, мазкур маданият қандай шакллантирилади? Оиладами? Мураккаб масала бу. Фарзандларнинг ота-онани танқид қилиши ўзбек халқи менталитетига ёт. Шунинг учун бу борада таълим муассасаларининг роли катта.

ТoшДУ Математика факультети биринчи курсида таҳсил олган кезларимиз “Математик таҳлил” фанидан сочлари кумуш, урушда яралангани учун билинар-билинемас оқсайдиган Муҳаммаджон Холиқов исмли доцент сабоқ берган. Биринчи

машғулотни домламиз шундай сўзлар билан бошлаганки, ҳамон қулоғим остида жаранглайди: “Ўғилларим, қизларим, бу фан математиканинг асосий устуниси. Сизларга ўзлаштириш, менга дарс бериш осон эмас. Мен узоқ йиллар кимё факультетини олиб бордим. Бу йил шу фанни математикларга ўқийин, деб сўраб олдим. Ёрдам бериб турунлар, тушунмасангиз, дарҳол сўранг. Агар хато қилсам, албатта кўрсатинлар”. Дарсларнинг бирида устоз ёзган формулада ишора алмашиб қолди. Хатони айтсак, қандоқ бўлар экан дея истиҳола қилиб ўтирган эдик, биринчи қаторда ўтирган қизлардан бири дадиллик қилди. Шунда биз кутмаган воқеа рўй берди: устоз формулани тўғрилади-да, ўша курсдошимиз олдига келиб “Раҳмат, барака топинг!” дея чунонам алқадик... (Устоз бу билан бошқаларни ҳам маърузаларни танқидий руҳда тинглашга рағбатлантирган. Оллоҳ раҳмат қилсин!) Ҳар бир педагог шу тахлит ўқувчи ва талабада танқид маданиятини тарбияласа, жамият тараққиёти жадаллашажак.

### **Хотима**

– Объект, субъект, предмет каби ажнабий сўзларни қўлладингиз. Шу дурустми?

– Аввал ўзингизга боқинг, “сўз” ажнабий эмасми? “Танқид” сўзи-чи?

– Дарҳол жаҳл отига минманг-да. Бу икки сўз тилимизда қадимдан қўлланади.

– Маъқул.

...Алқисса, чин танқид – эгрини тўғриламаққа хизмат қиладиган тузлов. Валлоҳу аълам биссавоб.



## KELAJAK MUSAVVIRI

✓ Келажак рассомлари ҳақида ўйлаганимда, Винсент ван Гог ва устоз Бобониёз Қурбон кўз олдимга келади. Дарвоқе, Бобониёз акага бағишланган шеъримни “XXI аср Ван Гоги” деб номлаган эдим. Шахсий дардлар ҳам ифода этилган, рассом шоир қиёфасида гавдалантирилган шеърда, жумладан, шундай сатрлар бор:

*Шеърларимни ўқимаслар,  
Лекин эълон қилгайман.  
Шухрат менга юз йилдан сўнг  
Келишин ҳам билгайман.*

Ван Гог ҳаётлик чоғида биттагина асарини сота олган экан. Санъатни англаш, унинг қадр-қиммати борасида аҳвол ораддан икки аср ўтган бўлса-да, афсуски, де-

ярли ўзгаргани йўқ. Санъат ва адабиётнинг жамияту халқ учун нақадар муҳим экани ҳамон тўлиқ тан олинмагандек... Йўқса, санъаткорга эътибор спортчиниқидан ортиқ бўлса бўлар эдики, асло кам бўлмас эди. Спорт инсонни жисмонан тарбияласа, санъат маънан юксалтиради. Жисмонан кучли одам гўзалликни ҳис этмаса, кучини уни нобуд қилишга сарфлайди. Бу қанчалик хатарли!..

✓ Бобониёз акани қарийб 20 йилдан буён биламан. Устоз бутун умр Ўзбек миллий академик драма театрида хизмат қилди. Бу давр мобайнида қўлига мўйқалам олмаган бирор кун бўлмаса керак. Ҳарҳолда, қачон учрашсак холст қаршиси-

да қизгин ижодий иш билан машғул бўлар эди. Бобониёз ака бошқа рассомлардан фарқли ўлароқ фақат тасвирий санъат билан чекланиб қолгани йўқ. Кўп қиррали истеъдод соҳиби пьеса, шеър ва ҳикоялар ёзган, турли ихтиролар қилган, ҳатто табобат билан ҳам шуғулланган. Сўз санъатига меҳр, адабиёт ва санъатни айро билмаслик бадиий ижодга ундаган бўлса, Шаҳло исмли рассом қизларининг узоқ вақт хасталаниб бевақт вафот этгани устозни табобатни ҳам ўрганишга мажбур қилди.

✓ Бобониёз Қурбон театрда ишлаган кезлар мўъжаз устахонасидан одам аримас эди. У киши бу даврда юзлаб ёшларга устозлик қилди. Шогирдларнинг аксари кўли юпқа оилаларнинг фарзандлари бўлиб, рассом ижод сирларини уларга фийсабиллоҳ, савоб учун ўргатган. Ўнлаб шогирдлари тасвирий санъатда юксак марраларга эришди. Аммо оқибатли шогирдлар ҳам камёб бўлар экан. Бугун устоз хасталикка чалиниб, уйдан чиқолмай қолган, унинг ҳолидан хабар олаётганлар сафи эса сийрак...

✓...Бобониёз Қурбон Театр ва рассомлик институтини тугатиб, театрда иш бошлаган кезлар. Ижарама-ижара кўчиб юриш серфарзанд оилани обдан ҳолдан тойдиради. Рассомнинг рафиқаси Холида Қурбонова ахийри бир куни эрига ёрилади: “Бобониёз ака, қачонгача театр бераётган арзимас ойликка чидаб яшаймиз?! Келинг, театрни ҳам, рассомликни ҳам ташланг! Биз ҳам бозорга чиқайлик!” “Сендан кечсам кечаман, лекин тасвирий санъатдан

асло воз кечмайман!” дейди Бобониёз Қурбон ўшанда қатъият билан.

Санъат асарларининг бош қаҳрамони кўпинча муаллифнинг ўзи бўлади. Ҳатто ўзга олам, ўзга одамлар, воқеалар гавдалантирилса-да, уларнинг ортида санъаткор нигоҳи, дарду изтиробларини пайқаш қийин эмас. Бобониёз Қурбон асарлари ҳам рассомнинг шахсий ҳаётидан ҳикоя қилади. Унинг ҳаёти эса севимли иши, картиналари, бир сўз билан айтганда, тасвирий санъатдан иборатдир.

✓ Бобониёз Қурбон ижодида автопортрет ва портрет жанри алоҳида ўрин тутди. Унинг бош асарларидан бири “Автопортрет” деб номланган. Унда муаллиф ўз қиёфасини тепиб, мажақлаб ташланган мойбўёқ тубигида акс эттир-



“Автопортрет”



ган. Автопортретини рассомнинг ҳаёти билан мувозий ифода этадиган бу каби образлар жаҳон тасвирий санъатида ҳам кам учрайди.

Маълумки, мусаввирликда ишлатиладиган асбоб-ускуна, матою мойбўёқ жуда қиммат туради. Аксар рассомлар айнан шу томондан қийналгани сабаб, мойбўёқнинг бир қатрасини ҳам исроф қилмасликка уринади. Қолган-қутган бўёқни тубикдан сиқиб чиқаришнинг иложи бўлмаганда, ташлаб юборишга кўзи қиймай, оёқ остига ташлаб, пошналари билан тепиб-эзгилаб, палитрага ўтказиб олади.

Назаримда, инсон ҳаёти ҳам шундай. “Агар чанг бўлмаса, инсон мингга кирар эди” деган экан Ибн Сино бобомиз. Бу дунёда адолатсизлик, ноҳақлик ва улар ордидан келадиган ғам-қайғу бўлмаса, одамлар бағрикенг ва самимий бўлса, инсон эҳтимол минг йилдан ҳам кўпроқ умр кўрармиди?.. Афсуски, бир кам дунё ҳали-ҳануз бу балолардан қутулган эмас.

Бобониёз Қурбон ҳам турфа синовлар ичида яшади – унинг ҳаётида қувончу қайғу бисёр; содда ва самимийлигидан фойдаланганлар қанча?.. Аммо рассом яхшилик

қилишдан чекингани йўқ. У қанча ёшларнинг бошини силади, қанчасига устозлик қилди, яна қанчасига уйдан жой берди. Яхшилигига жавобан қўлини тишлаганлар, ҳаётини зимистонга айлантирганлар ҳам учради... Эҳтимол, айнан ўшалар туфайли ижодкор ўз қиёфасини тепиб-мажақлаб ташланган тубикда акс эттиргандир.

✓ Бобониёз Қурбоннинг гўзал бир туркуми бор. Картиналарда мусаввир билан кўп йиллар бир даргоҳда хизмат қилган корейс ҳамкасби Света Цой тасвирланган. Туркумнинг Леонардо да Винчининг машҳури жаҳон “Мона Лиза” – “Жаконда”си билан ажиб ўхшашлиги бор. “Мона Лиза” мумтоз, “Света” эса замонавий услубда яратилган.

Жаконда – флоренциялик бой савдогар Дель Жаконданнинг беваси бўлиб, эри картина яратилмасдан бир оз аввал вафот этади. Умрийўлдошини жондан севган Мона Лиза мотам белгиси сифатида қошларини қириб ташлайди. Шу боис ҳам у суратда қора либосда тасвирланган.

“Жаконда” тасвирий санъат тарихидаги энг машҳур картина ҳисобланади. Унга доир тадқиқот, изланишлар шу кунгача давом этмоқда. Асар Франциядаги Лувр музейида ўқўтмас ойна ичида сақланади.

Бобониёз Қурбон “Мона Лиза” ҳақида қизиқ фикр билдирган эди: “Кўпчилик “Жаконда”ни Леонардонинг энг буюк асари деб ҳисоблайди. Менимча эса, мусаввирнинг энг буюк асари “Сирли кеча” деворий суратидир. Картинада Иуда Исони сотишидан олдинги кеча тасвирланган. Ўша оқшом Исо ўн икки ҳаворийсини меҳмон

қилиб, “Эртага ичингиздан бирингиз менга хиёнат қиласиз!” дейди. Даврада хоин Иуда ҳам ўтирибди... Ҳаворийлар “Исони ким сотар экан, ким?!” деб шивирламоқда. Гўё уларнинг овози сизга ҳам эшитилаётгандек”.

Светанинг тақдири ҳам Мона Лизаникига ўхшаб кетади. Унинг эри узоқ вақт Паркинсон хасталиги билан оғриб вафот этади. Бобониёз Қурбоннинг унга бағишланган туркум картиналари Светанинг эри касал вақти ва у вафот этгач яратилган. Жаконданинг қирилган қошлари ва мотам либоси эрининг ўлимига, Светанинг сочларига тақилган қалампир шодаси эса аёлнинг аччиқ қисматига ишора қилади. Қалампир шодалари орасига икки мўйқалам санчилган, аёл рассомлик палитрасини бағрига босиб олган. Палитрага қанотли илҳом тулпори – митти Пегас қўниб турибди...

Мен ҳам Светани танир эдим. У бошига тушган синовларни тасвирий санъат ёрдамида енгмоқчи бўлган эди. Санъат унинг овуноғи эди. У исмидаги сингари ёрқин ҳаётни севар, расмлари ҳам иссиқ рангларга тўла эди.

✓ Шўро қатағони мавзуси Бобониёз Қурбон ижодида алоҳида, кўламдор ўрин эгаллайди. Рассом Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби шоиру ёзувчиларимиз, жувонмарг бўлган миллат фидойиларини эрк қушлари тимсолида гавдалантиради; картиналарда қурбонлар руҳи тайрга айланиб кезиб юради, Исо Масиҳ сингари 37-йилнинг қонли чормихига тортилади...

Эрк қуши Бобониёз Қурбон асарларида сеvimли тимсоллардан бири. У – озодлик рамзи, халқимиз узоқ йиллар орзу қилган, ҳаётини тиккан ҳуррият тимсоли, таъбир




“Хотир дарaxти”

жоиз бўлса, Бобониёз Қурбон ижодининг тотеми. Шунинг учун мен бу ижодкорни Қурбонқуш деб атагим келади. Умрини санъатга, одамларга яхшилик қилмоққа қурбон этган қуш...

✓ Бобониёз Қурбон бир гал, Ўрол Тансиқбоев ва Чингиз Аҳмаров сингари Шуҳрат Абдурашид ҳам ўз мактабини яратган эди, деди автоҳалокат оқибатида ҳаётдан эрта кетган мусаввир дўстини эслар экан.

Бобониёз аканинг Шуҳрат Абдурашидга бағишланган картинаси ҳам бор, у навқирон рассомга яқин услубда яратилган. Бу тақлид эмас, муаллиф атай шу йўлни танлаган, марҳум сафдошига унинг ўз услубида рангли марсия битган гўё. Картинага боқамиз: Шуҳрат Абдурашид асарларида кўп учрайдиган кузги бийдай дала... Нечундир қонранг. Мусаввир қалбидек



“Савол”

оппоқ булутлар, мовий осмон, унинг акси тушган кўм-кўк дарё. Даланинг бир четидан очик қолган мольберт... ҳа, айнан очик қолган – очик турган эмас, чунки унинг эгаси энди қайтиб келмайди. Мольберт худди Шуҳрат Абдурашиднинг ҳаётга тўймаган, очик кетган кўзларига ўхшайди, унда ўша тугалланмаган асар кўринади – мусаввирнинг қадрдон далалари. Мольберт ва ту-



“Истибодот қўланкаси”

галланмаган асар эгасини кутаётгандек. Четда ёлғиз қуш мунғайиб турибди. Бу қандай қуш экан? Шуҳрат Абдурашиднинг руҳими?..


✓ Бобониёз Қурбон – ижтимоий фаол рассом. Унинг аксар картиналари ижтимоий муаммолар, даққи қарашлар, салбий архетиплар дадил кўтариб чиқилгани билан ҳам аҳамиятли. Айниқса, чойхона мотиви. Чойхонага муккадан кетишимиз тараққиётдан ортда қолишимиз сабабларидан бири эканига нозик, аммо ўткир киноя бор бунда...

✓ Рассомнинг ижтимоий руҳдаги картиналаридан бири “Дойракаш”дир. Асарда бир эмас, олти дойрани айлантриб ўйнатаётган дойракаш акс этган. Бу тасвир чуқур рамзий маънога эга. Унда баъзан созанда кўлидаги дойралардек турланадиган замонга инжа ишора бор.

✓ Бобониёз Қурбон санъатга чуқур эътиқод қўйган. Санъат унинг учун ҳаёт-мамонт масаласи. Бир асариди доргача узанган узун йўл тасвирланган, дор эса рассом палитрасига боғланган. Рассом асарни қандай номлаганини билмайман, аммо менга қолса, уни “Эътиқод” деб атаган бўлар эдим.

Мусаввир “Санъат хиёнатни кечирмайди!” деб такрорлашни яхши кўради. Хиёнат қилдингизми, тамом, унинг дорига осиласиз!

✓ Яна бир рамзий картина шарҳи билан битигимни якунламоқчиман. Сўнги



“Қисмат”

йўлга қузатилаётган рассом. Қизиғи шундаки, сўнги йўлга ҳам уни ранглар қузатаёттир. Одам шаклидаги мойбўёқлар елкасига тобут ортмоқлаб олган. Тобутда эса мойбўёқ одам – рассом ётибди. Эҳтимол, бу санъаткор қисмати ҳақидаги асардир...

Бир армон дилни ўртайди: Бобониёз ака ёзган пьесалари саҳнага кўчишини бир умр орзу қилди. Устоз кўришганимизда гоҳида “Суюнчи бер, яқинда пьесам саҳналаштирилади!” деб қолар эди. Балки вақти келиб, бутун умр пьеса битган-у, бирортаси саҳнага қўйилмаган қаламкаш ҳақида ҳикоя ёзарман...

Бугун устоз хасталаниб қолган. Сақлашга жой бўлмагани важдан театрдаги юзлаб картиналари арзонгаров сотувга қўйилган...

Аминманки, бир кун келиб, Бобониёз Қурбон картиналари ҳам худди Ван Гог асарлари сингари чинакам қадр-қиммат топади. Аммо у вақтда Бобониёз Қурбон орамизда бўлармикан?!

Алишер НАЗАР



“FIRQASIZ” MUALLIFDAN  
FIQRALAR

*Ижтимоий тармоқлар аллақачон жамиятнинг аҳвол-руҳиясини кўрсатувчи барометрга айланган: симоб устунига боқиб, одамларнинг бугунги кайфияти, дарду изтиробидан воқиф бўлиш мумкин. Балки шу боисдир, замонамиз ишбошилари, қудрат эгалари ҳам катта-кичик масалаларда виртуал дунё “суворий”лари – блогерларнинг фикрига қараган...*

*“Facebook”, “Telegram”, “Twitter” каби платформалар мунозара, муноқаша майдонига айлангани ҳақроств. Тушовлардан холи маконда қадим ва жадид, муҳофазакорлик ва новаторлик, маърифат ва жаҳолат аёвсиз жангга киришган. Гоҳида кураш шу қадар авжига чиқадики, ижтимоий тармоқ муштарийси ўзини шиддаткор тўлқинлар ўртасида қолгандек ҳис этади.*

*Мажалламизнинг ушбу сонидан бошлаб “Курашади икки тўлқин” рукни билан интернетда фаол қаламкашларнинг битикларини чоп этиб боришга қарор қилдик. Янги рукннинг илк меҳмони жонкуяр зиёли, ҳозиржавоб публицист Алишер Назар бўлди. “Фирқасиз” муаллифимизнинг айрим фикралари баҳсталаб туюлар. Бу ўринда эски нақлни ёдга олмоқ маъқул кўринади: ҳақиқат баҳсларда туғилгуси!..*

ТАҲРИРИЯТ



## Кўрқув синдроми

Бекат ёнида турган йўл-патрул хизмати ходимини кўриб юрагим шув этди. Яқинлашиб борсам, ёнгин хизмати ходими экан. Бирдан ўйлаб қолдим: нега кўрқиб кетдим? Қоидани бузмадим, ҳужжатларим жойида бўлса! Хўш, кўрқув қаердан келди?..

Ишхонага киришим билан ходимлардан бири қўлимга хатжилд тутқазди:

– Солиқдан экан...

Юрагим шув этди. Шоша-пиша хатжилдни йиртдим. Хат корхонамизда амалга оширилдиган инновацион ғояларга амалий ёрдам берилиши ҳақида экан. Жуда соз-да! Лекин... нега солиқ идораси дарагини эшитиб кўнглимга ҳадик оралади? Давлатдан қарзим бўлмаса, солиқни вақтида тўлаб борсам!

Ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Нега бунақа кўрқоқ бўлиб қолдим? Бу туйғу юракка қачон ин кўйиб улгурди? Ҳар нарсага шув этиб кетаверса, бевақт тўхтаб қолади-ку!

Шу хаёллар оғушида ўтирган эдим, ғийқ этиб эшик очилди. Чўчиб тушдим. Қия эшиқдан хатжилд берган ходимнинг боши кўринди. У кўзи билан биров келганини ишора қиларди. Юрагим яна шув этди.

– Ким?! – дедим шивирлаганча. Нега бундай оҳангда сўзлаганимни ўзим ҳам билмайман.

Ходим ортга тисарилдию остонада хотин пайдо бўлди. Қўлида одатдагидек иккита сумка!

– Бозордан қайтаётган эдим, бирров мўралаб ўтгим келди. Яхши ишляпсизми?

Хоним йўл-йўлакай ишхонамга бир кириб ўтай дебди. Бор-йўғи шу! Лекин... анави ходимнинг "келди" ишорасидан нега кўрқиб кетдим? Ўз ишхонамда, ўз жамоамда, ўз ватанимда бўлсам; ўғрилиқ қилмаётган, бировдан пора олмаётган ёки давлатнинг пулини "туя" қилмаётган



(амалдор эмасман-ку!) бўлсам, нега кўрқаман, ахир?!

Қўлим ишга бормади. Кўнгилга яқин биров билан гаплашиб ўтиргим келди. Телефонимни титкилиб, дўстлардан бирига хабар жўнатдим: "Ўртоқ, ишингни йиғиштир, бир жойга борамиз!" Хабар етиб бориши билан телефоним жиринглади.

– Ҳа, тинчликми?!

– Тинчлик, тинчлик, сени тушликка олиб бормоқчи эдим.

– Ўртоқ, шуни айтмайсанми! Нима экан деб, юрагим орқага тортиб кетди-я!..

## Ажриқдек илдиз отган...

Қурбақани қайноқ сувли идишга ташласангиз, бир сакраб чиқиб кетади. Агар уни совуқ сувга солиб, секи-и-ин киздира бошласангиз, жонивор сезмай қолади ва пировардида бир-икки соатда "пишади-қолади".

Аҳволимизга қарасам, совуқ сувга ташланган ўша қурбақа ёдга келади. Тагимиздаги "олов" – ажриқдек илдиз отиб кетган коррупция, томири янтоқдек сувга етган монополия, ўргимчак тўридек қоплаб олган маддоҳлик...

Сезяпсизми, бу “олов”да аллақачон қайнай бошладик!

Бултур тест синовида ярим миллиондан зиёд абитуриент 60 балл ҳам тўплай олмади. Бу ҳол сизни безовта қилмаяптими? Айримлар натижанинг бу қадар аянчли эканини саволларнинг қийинлигию шароитга боғламоқда. Бўлмаган гап, болаларимизнинг савияси, саводхонлиги ўзи шу! Бу ярим миллион қаёққа борар экан энди?

Ҳеч бир замон ва маконда халқ оммавий равишда саводхон бўлмайди, албатта. Аммо бу қадар саводсиз ҳам бўлмайди-да. Таҳликали, хатарли бу! Натижалар аллақачон кўринаётгандек. Яқинда Тошкентда 18 яшар бола ўз онасининг жонига қасд қилди. Қашқадарёда бир тўда 18 ёшлилар тенгдошини ўртага олиб, калтаклаб ўлдирди. Бухорода 18 яшар қиз туғиб, боласини ҳожатхонага ташлади. Мана, “ярим миллион”нинг каромати!

Назаримда, саводхонлик масаласида оммавий сафарбарлик эълон қилиш вақти келди. Ҳар ҳафтада янги институт очиш шарт эмас. Буларга кетаётган маблағ, эътибор, куч ташқаридан мутахассис ёллаш ва талабаларни нуфузли хориж университетларига жўнатишга қаратилиши лозим. Телерадиокомпаниялар, киноширкатлар ва жамиятга нафи тегмаётган бошқа идораларга ҳар йили ажратиладиган миллиард-миллиард пулга ривожланган мамлакатлардан минглаб кадр ёллаш ёки кўплаб талабаларнинг хорижда ўқишига имкон яратиш мумкин.

Сафарбарликка ўзини шу миллатга, шу ватанга дахлдор санаган катта-катта кор-

хоналар, компаниялар, банклар ҳам жалб қилиниши керак.

Бир замонлар жадид боболаримиз “Кўмак” деган уюшма тузиб, 70 нафар болани олмон заминига ўқишга юборади. Ўша кезлар Германияда Россиядан ўн минг, Япониядан тўрт минг, Туркиядан уч минг талаба таҳсил олган экан. Биздан бор-йўғи 70 та талаба жўнатилган, бу шўрликлар ҳам кейинчалик коммунистлар томонидан “чет эл жосуси” дея отиб ташланган.

Хуллас, туб ислохотлар деб ўзимизни ўзимиз овутиб юравермайлик. “Twitter”нинг блокдан чиқиши ҳам, қайси бир туманда “Ягона дарча”нинг очилиши ҳам “туб ислохот меваси” бўлиб кетмасин! Аслида, бўлиши керак бўлган ишлар-ку! Кўприк қуриш, йўлни созлаш, сити барпо этиш ислохот эмас, аммо бояги “ярим миллионли армия”ни маърифатли қилиш – чин ислохот!..

### **Турмуш – тўрт мушт**

Шом куйилиб келади. Қўрада кўй-кўзилар маъраши... бақир-чақир... ҳой-ҳуй... Таниш ва қадрдон манзара...

Гуруллаб печка ёнади. Оғилхона исини таратганча бир этак бола бирин-кетин кириб келади. Юз-бошини жун рўмол билан танғиб олган янга печка атрофида куймаланади.

– Бугун келишингизни билмабмиз-да, судда ошқовоқ қайнатаётган эдик, – дейди янга хижолатдан қизариб.

Уй тўрида лўлаболишга суянган ака кўзларини бир нуқтага тикканча жим ўтирибди.

– Биласиз-ку, кадини яхши кўраман, – дейман атайлаб хижолатпазликни тарқатиш учун.

Шу пайт лип этиб чироқ ўчади. “Ҳах, ўл-син, кунора шу аҳвол!” деб ёзғиради янга.

– “Движок”ни қўш...

Кўп ўтмай уй ёришади. Бирови бурчакдаги телевизорнинг қулоғини бурайди.

– Сизларга ушбу таомнинг тайёрланиш рецептини яна бир бор эслатиб ўтамиз, – дейди экрандаги гўзал қиз қувноқ овозда. – Демак, бизга 500 грамм лаҳм гўшт, 200 грамм зайтун ёғи, 200 грамм бодом, лимон ва қора зайтун керак бўлади...

Болалар бир-бирига айёрона илжайишади.

– Нима гап? – дейман астойдил қизиқиб.

– Биз Зайниддинни Зайтун деймиз, шунга...

– Қора зайтунни биласизларми?

Болалар елка қисади.

Шу маҳал янга олдимга бир коса сут қўяди. Ичида тўрт-беш паррак қип-қизил қовоқ.

Ҳамма жимгина овқатланади.

– Дадаси, эртага бозордан бир қоп ун олишимиз керак, – дейди янга жимликни бузиб.

– Яна бир-икки кунга етмайдими?

– Етмайди, ўтган ҳафта ун олмаган эдик-ку...

Янганинг гапидан ҳайрон бўламан. Бир қоп ун – 170 минг сўм. Бир ойда уч қоп олинса, 510 минг сўм!

– Бир ойда уч қоп ун, намуноча кўп? – дейман кулиб.

Бу кулги камгап акага ёқмайди.

– Биз фақат нон еймиз, қора зайтуни-миз йўқ!

Янга дарров вазиятни юмшатади:

– “Ахборот”га олинлар, янгилик...

– Ўчир шу “Ахборот”ингни! – дейди авзойи бузилган ака.

Болалардан бири туриб телевизорни ўчиради.

### Саводсизлик балоси

Саводсиз мардумнинг уч тури бўлади. Биринчиси – ўз аҳволини билгани. Бу тоифа ҳадеб издиҳомга ўзини уравермайди, ичида ўзидан уялиш ҳисси бўлади. Ана шу уят унга чегарасини, ҳаддини кўрсатиб туради. Нима бўлганда ҳам кўрпасига қараб оёқ узатади.

Иккинчиси – ўз аҳволини такаббурлиги билан хаспўшлайдигани. Бу жуда хатарли тоифа. Хатарли жиҳати шундаки, улар ҳеч қачон оқимга қарши сузмайди, ҳеч қачон тарозининг енгил тарафига чиқмайди. Оқим бўйлаб сузиш эса кишини толиқтирмайди, ортиқча ҳаракатнинг жилла ҳожати йўқ. Энг ёмони, булар сузиб-сузиб давранинг тўрига чиқиб кетади. “Эҳ, шу калла билан-а!..” деб қолаверасиз. “Така бўлсин – сут берсин” дегани шу!

Учинчиси, ўз аҳволини билмайдиган саводсиз. Буниси энди даҳшат! Қўлига тушиб қолсангиз, амаллаб қочиб қутуласиз. Йўқса, шармандангизни чиқаради.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ шогирдлари билан кетаётса, йўлидан бир хўкиз чиқиб қолибди. Ҳазрат хўкиз ўтиб кетгунча йўл четига чиқиб турибдилар. Шогирдларининг ичида бир нодони бор экан.

– Ҳазрат, молга ҳам шунча тавоземи? – дебди ажабланиб.

Шунда у зот дебдилар:

– Болам, бизнинг ақлимиз бор, унинг хоши!

Азиз замондош, учинчи тоифани кўрсангиз, дарҳол четга чиқинг, акс ҳолда, ўзингизга қийин! Чунки унинг "шохи" бор...

### **Билсак эди, адашмасдик**

Муаммо хумда турган мусалласга ўхшайди. Вақт ўтган сайин мусалласнинг таъсир қуввати ортгани каби, муаммонинг ҳам кўлами кенгайиб бораверади. Демак, қусурларни вақтида муолажа этмоқ даркор. Мусалласнинг қуввати ортиб кетиб, хум ёрилганидан сўнг шўрпахта қидирмоқдан не наф?!

Бугунги таҳликали замонда одамларимизнинг диний саводхонлигини юксалтириш долзарб масаладир. Агар соф динимизни давлат бош бўлиб ўргатмаса, кимдир келиб "ўргатиб" кетади. Шундай бўляпти ҳам. Аслида, энди келиши ҳам шарт эмас, олис-олислардан туриб "ўқитиб" қўяверади.

Хўп, нима қилмоқ керак? Сўнги йилларда ўнлаб телерадиоканаллар ташкил этилди, аммо "диний телеканал" деган жой ҳамон бўш турибди. Ваҳоланки, бунга катта эҳтиёжимиз бор.

Ўз анъанавий дастурларига эга диний канал ташкил этилса, унда долзарб мавзудаги давра суҳбатлари уюштирилса, одамларнинг имонига қувват бўладиган бадий фильмлар намойиш этилса, Қуръони карим тиловатлари қўйилса, ақида, ҳадис, калом илмларидан мавъизалар берилса... бунинг ҳаммаси ўзимиз учун фақат фойда-ку!

Билсак, адашмаймиз, ахир!..

### **Кимни алдаяпмиз?**

Ёлғоннинг тури кўп: яхшиси, ёмони, ҳатто фойдалиси ҳам бор. Аммо буларнинг ичида келажакка дахлдорини кечириб бўлмайди. Ана шундай ёлғонлардан бири ҳақида айтгим келади. Аммо... гапимни янглиш англаб, "ёшларга берилаётган эътиборни кўролмаслик"да айблаб қоладиганлар йўқмикан?.. Гап Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳақида. Менимча, ушбу нуфузли мукофотнинг низомини ўзгартириш керак.

Биринчидан, ўн тўрт-ўн беш ёшли ўсмир қизалоққа давлат мукофоти бериш мантиқан тўғри эмас деб ўйлайман. Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, эл-юртга фойдаси тегмаган, ўз соҳасида ниманидир яратиб қўймаган ўсмирга бу меҳрибончилик "оғирлик" қилади.

Иккинчидан, мукофот нотўғри тақсимланаётгандек. Шоира Зулфия умрида бадий гимнастика, кураш ёки сакраш билан шуғулланмаган. Лекин айнан спорт чемпионлари унинг номидаги мукофот билан сийланмоқда. Агар чемпион қизларни рағбатлантириш керак бўлса, Тўмарис мукофотини таъсис этиш керакдир.

Учинчидан, бу мукофот фақат ўсмир қизларга хосланиши тўғри эмас. Умуман аёл ижодкорларга берилиши лозим. Шу вақтгача юзлаб ўсмир қиз ушбу мукофотни олди. Бугун қани улар, хўш? Нега муҳташам адабиётимиз саҳнасида ижодни қойиллатиб қўйган зулфиячилар кўринмайди? Кўринаётганларининг эса роботга ўхшаб "ватанпарварлик" қилиши киши энсасини қотиради. Савияси баланд ижодкор ўзини асло бундай тутмайди.

Тўртинчидан, мукофот низомидаги “Олий таълим муассасасига тўғридан-тўғри қабул қилинади” деган бандни олиб ташлаш керак. Назаримда, энг асосий оғриқли нуқта мана шу жойда! Агар имтиёз бекор қилинса, адолат бир қадар қарор топарди.

Алқисса, ўзимизни алдашни бас қилайлик, ўзимиз ўтирган шохни арралашни тўхтатайлик. Эндигина ҳаётга қадам қўяётган болаларимизнинг илк амали сохталик, адолатсизлик бўлмасин! Ана шунда шоира Зулфиянинг ҳам руҳи шод бўлади.

### **Ҳиссиётлар кўчага чиқса...**

Тунов куни китоб дўконларини айландим. Қаламқаш дегани ҳаддан ташқари кўпайиб кетибди. Исталган номдаги асар, исталган исм-шариф остида чоп этилган китобни топиш мумкин. Дунёни фақат отарчи эмас, “эъжодкор”лар ҳам босганми дейман!

Ўйлаб кўрсам, бунинг асосий сабаби – уятни унутиб қўйибмиз. Ўн саккиз ёшда шеър ёзмаган ким бор? Ҳамма шеър ёзган ва ёзади! Лекин у битиклар бир вақтлар хотира дафтарларида қолар, саҳифадан ташқарига чиқмоққа уялар, “аҳвол”ини ошкор қилмоқдан андиша этар эди. Бугун андиша йўқолиб, “ҳиссиёт”лар кўчага чиқиб кетди. Энг ёмони, нашриётларнинг манзиллини билиб қолди. Анчайин дафтарбоп шеърлар энди “сайланма” бўламан деб кўкрак керади! “Ҳой, уялмайсанми?” деб кўринг-чи, қўлингизга халқ шоирининг “матох”ини тутқазди. “Менинг “маҳсулотим” сифати шуниқидан камми?” дейди. Хўш, бунга нима деб эътироз билдирасиз?..

### **Эсизгина Вася!**

Биламан, бу гапим кўпчиликка ёқмайди. Она халқнинг азалий анъаналарию қадриятларига тил тегизишда айблаб қолишлари ҳам ҳеч гапмас. Лекин бу мавзуда фикр билдираётганда онгли, зиёли ва муулмонга хос йўсинда босиқлик билан иш тутсақ яхши бўларди...

Адашмасам, олти-етти ёшларда эдим. Улоқчам бўларди. Унга исм ҳам қўйган эдим: Вася! Бир-икки ойли эчки боласининг кўзига ҳеч қараганмисиз? Дунёда бунақа чиройли, маъсум ва беғубор кўз бўлмайди. Васянинг кўзлари мовий эди. Шунақа чиройлики...

Мен Васяни ҳар куни онаси билан яйловга олиб чиқаман. Улоқча тошдан тошга сакраб, диркиллаб ўйнайди. Ёнимга югуриб келади, суйкалиб, ўзини минг нағмага солади. Мен Васяни шу қадар яхши кўраманки, жонивор тушларимга киради.

Афсуски, Вася билан дўстлигимиз узоққа бормади. Чунки эчки боласи жуда тез катта бўлади. Шунинг учун биз томонларда “Эчки шайтон бўлади” деб қўйишади.

Менинг Васям ҳам тез орада катта бўлиб кетди. Орадан бир йил ўтди, уни бир неча марта сотишга ҳаракатлар бўлди, лекин азбаройи яхши кўрганимдан Васяни ҳеч кимга бермадим. Жонивор соқоллари селкиллаган бир така бўлди, бир така бўлди...

Кунларнинг бирида таниш амаки унга харидор бўлиб келди.

– Баҳорда кўпқари қиламан, шу такани менга беринг, – деб туриб олди. Ҳар қанча уринмайин, гапимни ўткази олмадим. Вася сотиб юборилди.

Кузу қиш ўтиб, баҳор келди. Қишлоқда бадабанг кўпқарили тўй бўлди. Майдонга бордим. Чавандозлардан бири отнинг узангисига маҳкам боғланган улоқни судраб келарди. Эҳ, не кўз билан кўрайки, бу Вася эди! Кўзларимга иссиқ ёш қуйилди, тиззаларим қалтираб кетди. Вася, менинг беғубор кўзли Васям! Зум ўтмай, уни юзлаб отлар туёқлари остига олди, минглаб томошабин қийқиришга тушди! Икки-уч йил бурун менга эркалик қилиб, диркиллаб ўйнаб юрган яйловда Вася шу тариқа хўрланди. Бечора жониворни нақд икки юз чоғли отлик гоҳ у тарафга, гоҳ бу тарафга судради. Эсизгина Вася! Шўрлик шунинг учунгина туғилганмиди?!

Орадан бир муддат ўтиб, Васяни бир четга улоқтириб, бошқа такани ўртага олдилар. Ўшанда Васянинг тепасига бориб, жониворнинг не кўйга солинганини кўрди-му хаёлимга бир савол келди: кўпқарини ким ўйлаб топган ўзи?

Бу савол йиллар ўтиб улғайди: кўпқарининг маънисини нима? Полвонлигу чаққонликни синайдиган, намоиш қиладиган бошқа йўл йўқми? Ўзингиз ўйлаб кўринг, эчки Худо берган бир неъмат эди! Уни бир бечора-камбағал сўйиб еганда, нақд бир ой рўзғори обод бўларди. Лекин ҳалол жонлиқ соатлаб оёқ остига олиб тепкиланди, бирорта суяги бутун қолмади. Бир сўз билан айтганда Худо берган неъмат увол қилинди. Энди уни ҳатто ит ҳам емайди.

Назаримда, инсонийликка хос бўлмаган одатларга аста-секин барҳам беришимиз, ўрнига яхшилик, эзгулик таратадиган анъаналар яратишимиз лозим. "Азал-азалдан" деб катта гапириб юборишдан олдин

ўйлаб кўриш керак: қачондан, ким жорий қилган у одатни?! Уч-тўрт аср бурун бир гуруҳ такасалтанг жорий этган ишлар ҳам "асрий анъана"га айланиб кетавермаслиги керак, ахир!

Ит, кўчқор, хўроз уриштириш ҳам миллий ўйинларимизга кирадими? Бу томошалар қачондан бошланган? Улар инсонга қандай қилиб маънавий завқ берсин?!

Агар менга қолса, бунақа томошаларни инсонийликдан ташқари иш деган бўлардим. Тил-забони, онги йўқ жонзотлар бир-бирини ғажияпти, бир-бирининг кўзини ўймоқда, бунинг нимаси яхши?! Шу даҳшатни мароқ билан кўриш мумкинми? Яхшики, уларнинг тили йўқ, бўлганида, "Ҳой, ноинсоф, сени Худо мандан афзал қилиб, мукаррам қилиб яратган эди-ку! Бу нима қилганинг?" дея дод солмоғи аниқ эди...

### **Тарих атторлик дўкони эмас**

Истанбулдан келган дўстлар билан Самарқанду Бухорони зиёрат қилдик. Мўйсафид шаҳарларимиз уларни чиндан ҳайратга солди. Меҳмонларнинг кўзида икки хил ҳайрат бор эди. Мен сизга ул ҳайратларнинг иккинчиси ҳақида айтаман. Чунки биринчиси ҳақида "Ўзбекистон-24" ҳар куни бонг уриб ётибди.

1. Нега табаррук масжиду мадрасаларимиз атторлар дўконига айланиб кетган? Муслмон одам таҳоратсиз киришга ийманадиган даргоҳларни бозорга айлантириш қанчалик тўғри? Бу ҳол бора-бора қадимий бинонинг тарихий қимматини йўққа чиқармайдими? Атторлар ҳатто Исмоил Сомонийнинг 1000 йиллик қабри ёнида молини ёйиб ўтирибди!

2. Бухоронинг тарихий масканларидан бири – Арк қалъаси дарвозаси ёнида, деворга тақаб концерт учун сахна қилиб қўйилган. Айтишларича, вақти-вақти билан концерт уюштирилар экан. Тўрт-беш асрлик деворлар ёнида-я! Замоनावий созлар кўп асрлик устунларни зириллатиб юбормайдими? Шариф масканда концерт учун бошқа жой йўқми?

3. Тошкентдан Самарқандгача транспортда салкам 5 соатлик йўл. Шунча масофали йўлда сайёҳлар учун қулайлик борми? Наҳотки, замонавий қўнимгоҳ қуришнинг иложи бўлмаса? Бунинг ортидан ҳам тўрт-беш киши ишли бўлиши мумкин-ку!..

### **Ҳар амалнинг ўз ўрни бор**

Ҳар йили ҳаж мавсуми бошланиши билан бир гап ўртага чиқади: Фарғонада бир одам муборак зиёратга бориш учун йиққан пулига маҳалласи йўлларини асфальт қилдирибди; Сурхондарёда бир отахон ҳажга атаган пулига қишлоқ аҳли учун трансформатор олиб берибди... Ва бу билан катта савобга дохил бўлганмиш, бундай ишлар бошқаларга ҳам ибрат бўлиши керак эмиш.

Нега бизнинг одамлар тўйга, машинага, уйга йиққан пулига асфальт қилгиси ёки трансформатор олгиси келмайди-да, айнан ҳажга жамғарган пулига савоб қилгиси келиб қолади? Ёки ош бераман деб йиққан пулга асфальт қилса гуноҳ бўлади-ми? Шунақа савоб ишларни фақат ҳажнинг ҳисобидан қилиш керакми?

Гапим кескинроқ туюлиши мумкин, лекин Ўзбекистондаги ҳамма йўлни асфальт қилиб, ҳар битта маҳаллага трансформа-

тор ўрнатиб берсангиз ҳам ҳажнинг савобини ололмайсиз, бўйингиздаги фарз соқит бўлмайди. Ҳар амалнинг ўз ўрни бор. Моли нисобга етган кимсага ҳаж фарз бўлади, йўлни асфальт қилиш эмас. Моли нисобга етган одам охиратда ҳаждан сўралади, трансформатордан эмас.

Одамларга фойдаси тегадиган хайрли ишлар қилиш улкан савоб, албатта. Бу бизнинг кундалик ишимиз бўлмоғи лозим. Аммо ҳар қанча савобли бўлса ҳам бундай ишлар Оллоҳнинг буйруғини тарк қилиш эвазига бўлмайди.

### **Сиз қандай тезликда кетяпсиз?**

Ўртамиёналик қоқоқликдан яхши бўлса-да, барибир ютуқлар гарови бўлолмайди. Шу боис иш бошига ўртамиёна шахснинг келиши ўта хавфли. Чунки ўртамиёналик янгиликдан ўлгудек кўрқади. Бу тоифа мардум учун соҳа ривожининг қизиғи йўқ. Ўтирган курсиси омон бўлса бас. Натижада, соҳада турғунлик бошланади.

Ўртамиёна ижодкор машинани нуқул 50 км/соат тезликда минадиган ҳайдовчига ўхшайди. Ана энди, шу одам раҳбарликка келса нима бўлади? Аввало, атрофига 50 тезликда юрадиганларни тўплайди. Чунки ундан тепасини ёқтирмайди, тўғрироғи, кўрқади. “Элликвойлар” жуда тез бирлашади. Қўлни қўлга бериб ижод қилади, бир ёқадан бош чиқариб фикрлайди. Бир-бирини мақтайди, бир-бири ҳақида китоб ёзади.

Ўртамиёна одамнинг оти узоққа чополмайди, лекин узо-о-оқ чопади. Чунки 50 тезликда кетаётган мардум ҳеч қачон “радар”га тушмайди. “Радар”га нишон бўлиб,

“жарима” тўлаб юрганлар 100-120 тезликда юрадиганлардир. Бундай тезликда юрадиганлар ўртамиёналар наздида ғаламис, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ношукр одамлар саналади.

### Савол-жавоб

Нодон шогирд пири комилдан сўрабди:

– Устоз, спорт мамлакатни дунёга танирмиш, шу тўғрими?

– Қандай қилиб?

– Ғолиб бўлса, дунё кўз олдида юрт байроғи кўтарилур!

– Неча дақиқа кўтарилур?

– Уч дақиқа...

– Уч дақиқада сени дунё таниб қолади-ми? Таниб ҳам қолди дейлик, кейин нима бўлади? Сенинг ютуғингни, байроғингни умрбод эслаб юради-ми?

Нодон шогирднинг боши ҳам бўлибди. Пири комил эса савол беришда давом этибди:

– Куба деса, ҳамманинг кўз олдида бокс келади. Дунё Кубани бокс орқали танийди. Аммо бундан мамлакатга не наф? Халқи зўр яшаяптими? Сармоя оқиб бораяптими? Дунёга машҳур Кубанинг бугунги ижтимоий-сиёсий аҳволига маймунлар йиғлагудек... Футбол деса, одамлар “О, Бразилия!” деворади. Аммо дунёнинг ярим жиноятчиси шу ўлкадан. Спорт билан танилиш бу мамлакатларга нима фойда келтирган?

– Устоз, сиз спортга қаршимисиз?

– Асло! Бироқ ўйиннинг илмдан олдинга қўйилишига рози эмасман. Чемпион бугун бор, эртага йўқ! Илм эса ҳар доим халқ хизматида!

– Бирон нарса дейишга ожизман... “Билаги зўр “Chevrolet Tahoe” олар, билими зўр – фахрий ёрлиқ”!

### Шухратнинг умри қисқа

Худойим шон-шухратни жуда тотли қилиб яратган. Уни ҳамма истайди ва бу истак йўлида нималар қилмайди дейсиз. Шон-шухратнинг исми бугун ўзгарган: пиар! Майли, шуниси ҳам яхши, ҳарқалай, у-бу гаплар айтилиб турибди.

Икки депутат гап талашиб, бир-бирини популистликда, масхарабозликда айблади. Яккама-якка дебат қилди. Халқ маҳлиё! Аммо тагини суриштирсангиз, шу... ўзимиз билган гаплар! Ўртоқлар, “Ўзавто” ҳақида кеча ё бугун гапирилаётгани йўқ. Бу муаммо эски Ўзбекистонда ҳам гапирилган. Машиналарнинг валютага сотилаётгани, “иномарка”лар божи атайлаб кўтариб қўйилгани... Бу муаммоларни кўтариш учун Олий Мажлисида ишлаш шарт эмас. Уларни киракаш ҳам айтиши мумкин ва айтяпти ҳам.

Сираси, зўр бўлсангиз, миллат ва давлат келажагига дахлдор масалаларга аралашинг, тизимга янгилик киритинг, ўзгартиринг!

Дейлик, нега бу дебатчилар ички ва ташқи сиёсат ҳақида бир оғиз гапирмайди? Ҳамма гапириши мумкин бўлган маҳаллий муаммоларни улоқ қилиб чопишга не ҳожат?!

Ўртоқ депутатлар, елкангизга залварлироқ юкни олинг, каттароқ муаммоларни кўтаринг! Дангалини айтсам – биз айтолмаётган гапларни айтинг! Ишсизлик, монополия, коррупция... буларни ҳайбаракалла



қилишни ўзимиз ҳам амаллаймиз. Лекин олдиндан айтиб қўяй: сизга ўхшаб, биз ҳам ўзгартиролмаيمиз. Унда ўртамизда қандай фарқ бор?

Фарқимиз шундаки, сиз мана шу муаммолар айтилиши эмас, ҳал этилиши керак бўлган тизимда ишлайсиз.

### **“Самарқандга борсам мен агар...”**

7-синфда ўқиётганимда илк марта Самарқандга бордим. Таърифини китобларда ўқиганим шаҳарга! Мен учун афсоналар диёри бўлган, буюк Амир Темури тахтига! Ўшанда Регистонни кўрганимда беихтиёр ички бир титроқни ҳис қилдим. Гўё мўйсафид миноралар кунгурасидан Амир Темури бобомиз қараб тургандек туюлди. Қизиқ, ўша оний титроқ кейинчалик ҳам қалбимда муқим қолди. Шу-шу, ҳар сафар Регистонга борганимда титроқни ҳис қиламан.

Чиндан-да бу табаррук тупроқда не-не улуғ зотларнинг изи қолган. Қусам ибн Аббос розияллоху анху, Саййид Барака раҳматуллоҳи алайҳ, Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ, Амир Темури, Мирзо Улуғбек... Сираси, Самарқанднинг ҳар қарич ерида бир авлиёнинг хоки бор десак, ҳаққимиз кетмайди.

Мен ҳар сафар шу гапларни мулоҳаза қилганимда хаёлимга лоп этиб бир фикр келади, лекин уни ўн йиллардан бери асраб юраман. Аммо энди айтмасам бўлмас. Эҳтимол, нотўғридир, қуруқ ваҳимадир, бир зиёлининг фикри-да.

Ўн йилларки, Регистон майдонида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Нега айнан Регистонда?! Ахир, бу табаррук жойда қад ростлаган учта мадрасада қандай улуғ зотлар илм олган! Самарқандни идора этган не-не ҳукмдорларнинг фармонлари шу ерда ўқиб эшиттирилган. Бобур Мирзонинг гувоҳлик беришича, Регистонда Шохрух Мирзонинг тарбиячиси Алика Кўкалтош томонидан ҳашаматли масжид барпо этилган. Кейинчалик Улуғбек Мирзо Муқатта номли масжид қурдирган. Рамазон кечаларида мураттаб қориларнинг қироатлари шаҳарга файз берган, барака олиб келган. Шундай табаррук жойни концертхонага айлантирдикми?

Хўп, масаланинг маънавий-руҳий жиҳатини қўятурайлик, ўнлаб улкан карнайларнинг бадабанги, мушакбозликлар тарихий обидаларни емирмайдими? Тўйхонада ўтирганингизда деворини ушлаб кўринг, хавотирим сабабини дарров тушунаси.

Фестиваль бўлгани яхши, лекин бунинг учун Самарқандда бири биридан чиройли боғ, хиёбонлар бор-ку! Томошани футбол майдонида ҳам уюштирса бўлади.

Регистон – Самарқанднинг юраги, фаҳримиз, ғуруримиз! У оёқости бўладиган, рақс тушадиган, ўйин-кулги қилинадиган жой эмас. У ерга бориш насиб этса, ўтган улуғларимиз руҳига атаб учтагина оят ўқинг, бир замонлар қандай миллат, қандай халқ бўлганимизни тафаккур қилинг! Илло, хаёлингизни олатасир мусиқа бузмасин!..

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



# *Adashmoq saodati*

## *Тўртликлар*

### *Шоир қисмати*

Сени фақат гамлар йўқлагай,  
Жигарингни эзар айрилиқ.  
Азал қўлингдодир қамиш най,  
Томогингда бўғиқ ҳайқириқ.

\* \* \*

Осмон – яқин, ер қаттиқ эмас,  
Бўлса агар гулдай сиёратинг.  
Миллатталаш манқуртлар билмас,  
Ишқ ва ҳайрат – сенинг қисматинг.

### Ёлгон

Остин-устун қилар дунёни ёлгон,  
Имонни ҳам йўққа чиқарар ёлгон.  
Улугнинг ўғитин унутма, уммат:  
“Мўмин ёлгон демас, демас ҳеч қачон!”

### Аразчи

Қадам ташлаб, қадамдан аразлайсан,  
Гул очилса, кўкламдан аразлайсан.  
Тўрт томонинг имкону эҳтиёждир,  
Одам излаб, Одамдан аразлайсан...

### Учрашув

Орзу учраштирди мени тоғ билан,  
Баҳор учраштирди интиқ боғ билан.  
Чаманзорга кириб баъзида догман,  
Булбул учраштирди нечун зог билан?

\* \* \*

Вақт тўхтаб қолади севилган онлар,  
Севган чоғларда ҳам тўхтайди бешак.  
Кутма бундан ортиқ Ҳақдан эҳсонлар,  
Уриб турган бўлса кўксингда юрак.

\* \* \*

Арзимаиди асли карвонга сарбон,  
Арзимаиди асли сарбонга даврон.  
Арзимаслар эрта арзиб қолсалар,  
Тупроқ кўкка кетиб, қулайди осмон...

\* \* \*

Кундуз ҳам, тунда ҳам дилимда ёдинг,  
Бекор ўйлабманки, етмайди додим.  
Тақдир бир айланиб, Каъбанга етсам,  
Чиндан ҳосил бўлура асл муродим!



\* \* \*

Кўнглим-ай... чўмилди покиза ёшга.  
Бир пайтлар айланган эди у тошга.  
Наҳотки, наҳотки қайта тугилдим –  
Душманним қолмади ўзимдан бошқа...

\* \* \*

Теракларнинг учларидан анҳор келади,  
Шомнинг алвон шафагидан наҳор келади.  
Ишқ келганда қорлар ёғди қадрим устига,  
Мен кетгандан кейин албат баҳор келади.

\* \* \*

Карвон кетиб қолди, нагмаси нолон,  
Эртани эгаллади кечаги ёлгон.  
Ахир, учқур ва ҳур орзулар қани?  
Ҳалол насибамиз, наҳотки, армон...

\* \* \*

Жанг бошлайман десам, синдирдинг қилич,  
Ғуссани ардоқласам, йўлладинг севинч.  
Илдиз отсам ерда, ойни кўрсатдинг,  
Кўкка кетмоққа ҳам қўймайсан-ку ҳеч...

\* \* \*

Ичим тўла армон, қай бирин айтай,  
Умрим балки ўтди орзуга етмай...  
Ҳозирча сўрама, омон бўлсам бас!  
Фақат тила сабр – йўлимдан қайтмай.

\* \* \*

Бағримни ўйдинг-ку яхшилик қилиб,  
Тилимни кесибсан бахшилик қилиб.  
Сендан бадар кетдим, манзилга етдим...  
Нимага эришдинг қаршилик қилиб?

\* \* \*

Бир гиёҳ мисоли Сенга талпиндим,  
Етиб бормасам-да ёнингга ҳеч вақт.  
Мен учун мунаввар қуёшдирсан Сен,  
Сендан шуълаланиб яшайман абад!

\* \* \*

Ҳали қанча хавфлар олдинда...  
Меҳрибонсан, Тангрим, паноҳ бер!  
Собит қилгин имонда, динда,  
Минг Қадр тунича савоб бер!

\* \* \*

Адашсанг, йўлларда порламас ахтар,  
Сахрою ўрмонда адашдим, толдим.  
Зеҳнимни чархлади гаройиб хатар.  
Ё Раб, адашгандан кейин уйгондим.

\* \* \*

Юксалмоқ мушкулдир, юксалмоқ мушкул,  
Пастга қуламоқдан осони йўқдир.  
Вале юсакларни кўзлагил, кўнгил,  
Пастга қулаганнинг осмони йўқдир.

### Умр

Умр – тепаликка ўрлаган йўлдир,  
Тўккан кўзёшларинг баайни кўлдир.  
Тирноқларинг билан бўлса-да йўл оч,  
Муҳаббат – тош ёриб чиқажак гулдир.

\* \* \*

Ҳар кун бир туҳфангни қиламан қабул,  
Дардлар ёприлади севинчдай илиқ,  
Дил берасан гўзал қолганда бедил...  
Марҳамати улуғ Яздоним, қуллуқ!



Муртазо ҚАРШИБОЙ

## ВАНРИВАҮТ

– Эшитмаган эканман, у қанақа ўйин? – деди ўртакаш, яъни “раис бола” бир оз таратқудланиб.

– Боятдан бери шунча шеър ўқиб, даврани оғзига қаратаётган одам баҳрибайтни билмайсизми? – дедим ансам қотиб. – Қадимда ота-боболаримиз тўй-томоша, мажлис ва маъракаларда баҳрибайт айтишиб, қувваи ҳофизасини синаб кўрган. Аввал бошловчи бир банд шеър ўқийди. Охириги сўз қайси товушда тугаса, кейинги иштирокчи шуни илиб олиб, баҳсни давом эттиради. Э, билганга жуда осон бу, розимисиз?

– Розиман, биз – куёвжўралар бир тараф, сиз – келин томон иккинчи тараф бўласизлар, – деди “шоир” йигит.

Куёв шаҳарда институтда ўқигани учун ўн чоғли талаба ўртага чиқди. Одмироқ кийинган икки нафар қизгина ҳам уларга эргашди.

Тўй мароми қутилмаган тарзда ўзгаргани муסיқачиларга ёқмади. Гўё ошга пашша кўндию даврандан файз кетди.

Ака-ука, тоға-жиянларнинг оилалари билан қўшиб ҳисоблаганда ўнга яқин янга ва келинлар жам бўлган экан, барчасини даврага чорладим.

– Болам, мени қўйинг, уяламан, умримда бегоналар олдида гапирмаганман, – деди катта тоғамнинг аёли Мастура янга.

– Нимаси уят, жондек жигарингизнинг тўйи, маза қилиб яйраш керак, ёшлар хурсанд бўлади. Мана, набирангиз ёрдамлашади, тўғрими, жиян! – дедим янгамнинг кўйлагига суйканиб турган етти-саккиз ёшлардаги болакайга имо қилиб.

“Қани, кимнинг юрагида ўти бор, келсин”, деб эркак қариндошлар томон юзлан-

ган эдим, олтмишдан ошган Шароф тоғам “Эй, ўн йил мактабда ўқиб, бир қатор ҳам шеър айтмаганман, энди айтаманма! Ана, янгаларингни торт, мени тинч қўй!” дедию шамдан қочган кўршапалақдек ўзини ташқарига урди.

Ортидан чопдим, “Тоға, тўйни ташлаб қочасизми?” дедим таъна аралаш.

– Сенам қизик, одамлар еса, ичса, ўйнаб-кулса, бўлди-да, шеърга бало борми? Қаердаги бўлмағур ишларни бошлаб юрасан-а, жиян! Бу – шаҳар эмас, қишлоқ! Бу ернинг ўз тартиб-қоидаси бор! Ҳар нарсага жилпанглаб ўйнаб кетавермаймиз-да энди. Яхшиси, уйга бориб путбўл кўраман, “Барселона” ўйнайди “Реал” билан. Жур, опкетай!

Тарвузим қўлтигимдан тушиб, даврага қайтдим. Икки сафга тизилган қариндошлар, талабаларни кўриб, ўзимни қўлга олдим.

– Ватан мавзусидан бошлаб, кейин хоҳлаган йўналишда давом эттирамиз. Алифбо тартибига кўра, “а” ҳарфидан бошлаймиз. Қани, сўз – сизларга! – дедим талабаларга қараб.

– Йўқ, келин тарафнинг ҳурмати бор, аввал – сиздан, – деди ўртачи йигит. Бола-си тушмагур, тўйнинг руҳига мос шеърларни роса ёдлаганми ўзиям, Ватан мавзусида деганим унча кўнглига ўтирмади.

Дастлабки сатрларни ўқидим:

– Ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фороб  
авлодидан,  
Асли наслинг балки Ўзлуқ, балки Тархон,  
ўзбегим!<sup>1</sup>

– Ана, кўрдин-гизми, ҳамма билладиган нарса бу! Озгина каллани ишлатиш керак. “М”да тугади, қани, куёв томон, улоқни тортиш навбати – сизларда!

Эл аро машҳур бўлиб, каттаю кичикнинг юрагига сингиб кетган бу сатрларни эшитиб, санъаткорларга ҳам жон киргандек бўлди. Мусиқа дастгоҳида ўтирган жингласоч йигит шеърга мос куй чала бошлади.

“Раис” шерикларига қарамасдан, дарҳол жавоб айтди:

– Маърифатнинг шуъласига талпиниб  
зулмат аро,  
Кўзларингдан оқди тунлар кавкабистон,  
ўзбегим!

– Яхши, баракалла! – дедим қувончим ичимга сиғмай. Энди улоқни биз тортамыз, жавобни эшитинг:

Мир Алишер наърасига акс садо берди  
жаҳон,  
Шеърят мулкида бўлди шоҳи султон  
ўзбегим.

Ўрта бўйли, мурти сабза урган йигит “бу ёғини менга қўйиб бер” дегандек, дўстининг қўлидан шартта микрофонни олди-да, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб, ўқий кетди:

– Мирзо Бобур – сен, фиғонинг олам узра  
солди ўт,  
Шоҳ Машраб қони сенда урди тугён,  
ўзбегим!



<sup>1</sup> Эркин Воҳидов, “Ўзбегим” қасидаси

Ногоҳ ортимдан таниш овоз эшитилди:  
– Ай, булар Шералибойнинг<sup>2</sup> қўшиғини айтяпти-ку! Эй, менга ҳар бир сўзи ёд бўл-кеткан!

– Хўжайин, путбўл кўришга бормадингизма, “Барселона” деса ўзингизни томдан ташлардингиз-ку! – деди Мастура янгам ҳайрон бўлиб.

– Ҳаҳ, фаҳми калта хотин-а, сенга ҳеч ақл кирмади-кирмади-да! Булар Шералининг қўшиғини айтиб, ўзбегим деб турса, путбўлга бало борма! Биласан, ўзбек деса, Шерали деса, жонимни беришгаям тайярман.

– Янга, ана, эрингиз ёрдамга келди, навбат – сизга! Икковлашиб улоқни солинга олиб чиқинглар! – дедим ҳазиллашиб.

– Ай жиян, бизарди уялтирма, деҳқон одамнинг айтгани гўр бўлама, ўзинг бошлаб жавоб айтабер, биз – сен тараф! Улоғам сенга, солинам! – деди тоғам.

– *Мен Ватанни бог деб айтсам, сенсан унда  
битта гул,  
Мен Ватанни кўз деб айтсам, битта  
мужгон – ўзбегим.*

Шу пайт Ботир деган ўртанча тоғам қаердандир пайдо бўлиб, дўпписини пешонасига қўндирди-да, “Бер бу ёққа!” деб кўлимдан микрофонни юлқиб олди:

– *Қайга бормаи, бошда дўппим, ғоз юрарман  
ғердаиби,  
Олам узра номи кетган Ўзбекистон,  
ўзбегим!*

– Бу – хато, ўйин қоидасини бузманглар, “м” ҳарфидан бошлаш керак эди! –

деди қаршимиздаги ёшлар ёппасига норози бўлиб.

– Эй Ботир, нима қиласан, эски дўппингни орага тиқиб, бошидан қатнашмадингма, жим ўтир энди, бор, арағингни ич! – деди Шароф тоға.

– Сиз дўппимга тил теккизманг, ўзингизда шуям йўқ-ку! Фақат одамнинг оғзига уриб, мин тақасиз<sup>3</sup>, ҳеч бўлмаса, тўйда тинч қўйинг! Боринг, путбўлингизни кўринг! Бугундан бошлаб арақ ичсам, ит бўлай, копир бўлай!

Ботир тоға хафа бўлмасин, деб кўнглини кўтарган бўлдим:

– Ҳозиргина айтдингиз-ку, шундан икки қатор олдингисини эсланг, “Менга Пушкин бир жаҳону”, деб бошланади.

– Бошқасини айтмайман, ўзимга ёққаннини айтаман! Менга хўжайинлик қилма! Ўзимга ўзим бек, ўзимга ўзим султонман! Худога шукр, бошимда дўппим бор, эркакман! **Мен – буюк юрт ўғлидирман, мен – башар фарзандиман...**

– Ана, ана, тўғри топдингиз, давомини айтинг, давомини! – дедим хурсанд бўлиб.

– Айтмайман, бўлди, билганим шу! – деди қайсар тоға.

– Ҳай, майли, хўжайиним учун ўзим айтқолай, – деди Хумор янга вазиятни юмшатиш учун. – Ай, рухсат берасизма?

– Айтсанг, айтавер, лекин мен фақат ўзим билганни айтаман.

Янгамиз биров эшитса, уят-номусга қоладигандек, деярли шивирлаб деди:

<sup>2</sup> Мащур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Айб топасиз демоқчи



– Менга Пушкин бир жаҳону менга Байрон  
бир жаҳон,  
Лек Навоийдек бобом бор, кўксим осмон,  
Ўзбегим!

“Ўзбегим”да “м” билан бошланадиган сатрлар тугади. Энди жавоб қандай бўларкан, деб, “муҳолиф” тарафга қарадим. Сафнинг адоғидаги қизлар тезгина пичирлашиб олди. Бўликроғи олдинга чиқиб, дадил жавоб айтди:

– Мен нечун севаман Ўзбекистонни,  
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.  
Нечун Ватан дея еру осмонни  
Муқаддас атайман, атайман танҳо?<sup>4</sup>

Орқа тарафдан яна дилтортар тарона янграй бошлади.

– “М”ни тугатдик, “о”га ўтамиз, қани, янгалар, бўш келманглар! Улоқни тортинглар, ҳа, балли, Ўзбекистон мадҳиясидаги машҳур сўзлар бор-ку, ким айтади?

Мастура янганинг ортида турган набираси шартта отилиб чиқди-да, сайрай кетди:

– Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр.  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон  
Оламни маҳлиё айлаган диёр.<sup>5</sup>

– Ҳа, шеър айтган тилингдан ўзим айлаиб кетай-да! – деди момоси руҳланиб.

– Аканг қарағайди набираси шундай бўлади-да! – деди Шароф тоға ҳам ғўдайиб.

– “Р”да тугади, “р”дан, ҳа, “р”дан бошлаймиз, – деди ўртачи йигит ҳамроҳларини дадил бўлишга ундаб.

Сафдагилар зич давра ясаб, бир нарсаларни муҳокама қилган бўлди, лекин жавоб айтишга ҳеч ким ботинолмади. Бийрон “шоир” ҳам микрофонни қаттиқ сиққанча ўйланиб қолди.

Ана шу жимликдан фойдаланиб, янгалар сафида мўралаб турган қизалоқлардан бири “О”га мен ҳам айтай, момо?” деб қолса бўладими?!

– Боланинг раъйини қайтариб бўлмайди, айтақол, жоним, сенга рухсат! – деди кимдир. Қизалоқ айтди:

– Одамий эрсанг, демагил одами  
Они, ки йўқ халқ ғамидин ғами.

– Баракалла, қизим, келгусида албатта эл ғами билан яшайдиган ажойиб инсон бўласан! – дедим завқим ошиб.

– “Р” билан бошлаш керакми, мана, жигитти марди айтади-да буни, – деди девор тарафдаги столда ўтирган ширакайф кенжа тоғалардан бири тебранганча ўрнидан туриб. – Нақ жийирма жил, ҳа, жийирма жил Россияда ишлаб ке-ган-ман. Ма-на, жу-воб:

Рос-си-я, Рос-си-я, азамат ўл-ка,  
Эй осмон сингари бепеён Ва-тан!  
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳон-ни нур-га  
Қу-ёш куча олмас, се-ни дафъ-а-тан.<sup>6</sup>

– Бу ҳисобмас, биринчидан, акамиз ўйинда қатнашаётгани йўқ. Иккинчидан, бу – эски замоннинг шеъри, миллий истиқлол ғоясига тўғри келмайди, – деди сафнинг бошида турган норғул йигит. –

<sup>4</sup> Абдулла Орипов сатрлари

<sup>5</sup> Ўзбекистон давлат мадҳияси матнидан

<sup>6</sup> Ҳамид Олимжон сатрлари

Қизчанинг айтгани “и”да тугади, шундан давом эттирамыз.

– Нега қатнашмас эканман, ана, хотиним қатнашяпти, ҳов, ўйлаб гапир, шаҳарликман деб ўзингдан кетма! Билиб қўй, замон эскиради, партия жўқ бўлади, лекин шеър жўқ бўлмайди. Она сути оғзидан кетмаган чақалоқнинг айтгани ҳисоб-у, бизники ҳисоб эмасма? Жийирма жил қулдек ишладим, миллий истиқлолинг нима қилиб берди, а, нима қилиб берди?.. Ахир, ахир, – деди хўрликдан томоғига бир нарса тиқилгандек кенжа Арслон тоға, – *мен одам эдим-ку, инсон фарзанди*<sup>7</sup>...

Кейин юм-юм йиғлаганча ўзини ўриндиққа ташлади.

– *Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим!*<sup>8</sup> – деди талабалардан кимдир ўзини тутолмай.

– Ҳой, менинг бобойим умрида бир марта шеър айтди, қайним, шуни ҳисобга олинг! – деди тоғанинг хотини мен томон мўлтираб. – Бўлмаса, ҳозир кўрасиз, бўлади жанжал, бўлади тўполон!

– Майли, ҳисоб! Энди севги мавзусига ўтамыз, маррамиз – “н”да қотди!

– Эй, бўлди, тугатинглар ҳадеб шеър ўқишни! Ўйин-кулги қилайлик, келин-куёв ҳам зерикди. Шеър айтаман, деб бир балони бошламасаларинг гўрга эди. Мақсадларинг нима, ҳаммани йиғлатишма! – деди тўйхона тўридан кимдир дўриллаган овозда бақириб.

– Қуруқ фонограммага ўйнагандан кўра ўйнамаган яхши, – деди Шароф тоға.

Бамисоли шу гапни кутиб тургандек, териси чакагига ёпишган, нозиккина талаба яна ғазалхонликни бошлаб юборди:

*Нигорим чашми иккидур, бири – яғмо,  
бири – жоду,  
Бу жодудан ики кўзим бири – Жайхун,  
бири – Сайхун.*<sup>9</sup>

– Ҳурматли қариндошлар, кураш жиддийлашмоқда, – дедим гапни яна ҳазилга буриб. – Ўзимизни кўрсатадиган вақт келди. Марра ҳалиям “н” нуқтада турибди, нутманглар, “н” нуқтада!

Тўйхонанинг олис бурчагидан яна овоз келди, кимлигини аниқ фаҳмлай олмадим:

– Хотин, хотин, анави менга айтадиган қўшиғинг бор-ку, шуни айт: “Нарги-и-и-з, хабар олмайсан ҳарги-и-з, о-о-о, Нарги-и-и-з!..”

– Ҳисобмас, ҳамма аралашавермасин! – деди куёв тараф.

– Нега ҳисоб бўлмас экан, бошқаларнинг эри айтса ҳисоб-у, менинг бегим айтса, мумкин эмасми, ҳарфини тўғри топди-ку! – деди ёшроқ келинлардан бири.

Аёл кишининг сазаси ўлмасин дея розилик билдирилди.

Талабалар сафидаги қизларнинг хипчароғи, менга ҳам навбат етди дегандек жавобга шайланди:

*– Заррани ижод этиб, даҳшат бало  
бунёд этиб,  
Оқибатни ёд этиб, ҳайрон ўзинг,  
ҳайрон ўзинг.*<sup>10</sup>

<sup>7</sup> Фафур Ғулом, “Сен етим эмассан” шеъри

<sup>8</sup> Ўша асардан

<sup>9</sup> Эркин Воҳидов, “Дуторим тори иккидур...”

<sup>10</sup> Эркин Воҳидов, “Инсон қасидаси”

Кейин шеър шеърга уланаверди:

– Гоҳ адолат боғида, пири адоват гоҳида,  
Ўз дилинг даргоҳида шайтон – ўзинг,  
Ғилмон – ўзинг.

– Гул бўлларини богдан келтирган  
эй шабода,  
Дилдорга нома ёздим, еткур уни ҳавода.<sup>11</sup>

– Ашрақат мин акси шамсил – каъси  
анворул – ҳудо,  
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.<sup>12</sup>

– Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.<sup>13</sup>

– Ишқингда мени волаю ҳайрон яратибдур,  
Тарсо бачани ғорати иймон яратибдур.<sup>14</sup>

Қарасам, шеърхонлик тонгга қадар чўзиладиган. Орада маҳалла раиси икки-уч бор келиб, “Қисқароқ, қисқароқ қилинглар, барака топкурлар, қудалар турмоқчи”, деб кетди.

Келин жиянимизнинг исми Гулчеҳра эди. Бу хурсандчиликдан асл мақсад нима эканини эслаб, талабаларга дедим:

– Азиз меҳмонлар, келинглар, баҳрибайтимизни келин жиянимизнинг номи билан тугатайлик! Илойим, ёшлар бахтли бўлсин!

Гул бўлиб, гул-гул ёниб, гулшан аро  
Гулчеҳралар,  
Гул узиб, ўйнар қўйиб гулга бино  
Гулчеҳралар.<sup>15</sup>

– Навбат – санъаткорларга! – деди “раис бола”.

Шу пайт бир йигит югуриб келиб ўртачига нималарнидир тушунтирган бўлди. “Шоир” унинг сўзларини тинглар экан, бошини сермаб, тасдиқ ишорасини қилди. Ниҳоят, улар бирга-бирга саҳнага яқин жойда ўтирган, бошига оқ салла ўраган қариянинг олдига бориб, салом беришди. Косаси тубига ботган нурсиз кўзлари, бўртиб чиққан кўкиш юз ва бўйин томирлари, иягида осилиб турган яккам-дуккам соқоллари чолни янада қарироқ кўрсатар эди. У нимжон қўллари билан микрофонни зўрға ушлади.

– Аввало, узр сўрайман. Шу яқин орада яшайман. Қиз набирам тўйда шеърхонлик бўляпти, деб қолди. Мени елкалаб бўлсам олиб боринглар, дедим. Мана, ҳозир йигирма биринчи асрнинг бошланиши, бундан саксон йиллар олдин, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида мен ёшгина бола эдим. Жадид боболаримиз шеър, қўшиқ айтганларини кўрганман. Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон” деган шеърини ёшлар оғиздан қўймай айтарди. Кейин таъқиб кучайди. Шу шеърни айтгани учун ўн йиллаб қамоқда ётиб чиққан одамларни кўрганмиз. Дардимиз ичимизда эди. Шеър айтишгаям кўрқардик. Рухсат берсаларинг, шу пайтгача ичимда сақлаб келаётган шеърни бугун сизларнинг олдингизда айтсам. Шеърхонлик кечасига ҳиссамни кўшиб, келин қизимиз ва куёвимизга бахт тиласам.

<sup>11</sup> Эркин Воҳидов сатрлари

<sup>12</sup> Алишер Навоий сатрлари

<sup>13</sup> Алишер Навоий сатрлари

<sup>14</sup> Бобораҳим Машираб сатрлари

<sup>15</sup> Эркин Воҳидов сатрлари

Бобо титроқ ва ҳазин овозда айта бошлади:

– *Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?  
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.  
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,  
Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?  
Билмам, не учун қушлар учмас боғчаларингда?*

Чолнинг кўзларидан шашқатор ёш сел бўлиб қуйилар, елкалари тинимсиз титрар эди. Бутун тўйхона сув қуйгандек жим бўлиб қолди.

– Раҳмат сизларга, – деди бобо. Кейин тамшангандек қуруқшаб қолган лабларини ялаб, оҳиста давом этди: – Қўшганинг билан қўша қаригин, қизим! Ҳар битта шеър – халқнинг, миллатнинг энг гўзал тилаги. Сен учун шунча яхши гаплар айтилди, албатта бахтли бўласан, болам!

Ўттиз ёшлардаги ашулачи ўртага чиқиб, “раис бола”ни ёнига имлади-да, “Айтишув қайси ҳарфда тугади?” деб сўради.

– “Р” да, – деди ўртачи.

– Бўлмаса, “Райҳон”ни айтамин. Тўйхона узра таниш оҳанглар таралди:

*Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг,  
Ой ўтса уялур ёнингдан сенинг...*

Ўйин-кулги қизигандан қизиди.

Бир оз тин олиш учун ташқарига чиқдим. Қоронғи тушиб, осмонда юлдузлар чарақлай бошлаган эди. Ҳаво тоза, кўкларнинг майин ва мусаффо эпкини дилни эркалайди. Юлдузлар шаҳардагидан кўра йирик ва ёруғ бўлиб, ёкут донасидек товланиб ётарди.

Тўйдан олдин саксон яшар момом билан жиндак ҳасратлашган эдик: “Би-

ласан, Гулчеҳра жиянинг отадан етим қолган. Арақнинг касофатидан кетди-да раҳматли болам!.. Тоғаларингдан умид йўқ. Уларга фақат еб-ичиш, кайфи сафо бўлса! Ўзинг бош бўлиб, тўйни рисоладагидек ўтказ. Анавилар араққа бўкиб, қудалар, меҳмонлар олдида шарманда қилмасин. Ишқилиб, жиянинг ўксимасин. Бола бечоранинг эсида қоладиган тўй бўлсин...”

Базм охирлаб, одамлар узун-қисқа бўлиб чиқиб келишни бошлади. Йўлакни тўлдириб бола-бақраси қуршовидаги аёллар кўринди.

– Ҳусни, отангни чақир, кетамиз! – деди олдинда келаётган қирқ ёшлардаги рўмол ўраган опахон.

– Ишқилиб, поччам тунов кунгидек кўп ичиб қўймаганмикан, опа?.. – деди аёлниг ёнидаги жувон.

– Йўқ, поччанга бугун инсоф берди, “Ўзбегим”дан кейин бир қултум ҳам ичмадим, деди. Илгари, мен билан ишинг бўлмасин, уйга жўна, болаларга, мол-ҳолга қара, деб безор қиларди. Бу гал, ойиси, шеър, қўшиқ айтиб бирга кетамиз, деди. Илойим, кўз тегмасин!

– Ана янгилигу мана янгилик, мен сизга айтардим-а, поччам зўр одам, деб!

Ичкаридан қизини етаклаган почча чиқиб келди.

– Сабо, – деди у хотинига қараб, – ҳамма учун алифбо “а”дан бошланса, мен учун “с”дан бошланади. Билиб қўй, маррани “с”дан олиб шеър айтишда ҳеч ким менага тенг келолмайди. Мана, эшит:

Сени ётлар туғул ҳатто қилурман рашк  
ўзимдан ҳам,  
Узоқроқ термулиб қолсам, бўлурман ғаш  
кўзимдан ҳам.<sup>16</sup>

– Ў, ана, ҳақиқий севги, Лайли-Мажнун  
бўлиб кетинглар-ай! – деди жувон қаҳқаҳа  
отиб. – *Сабо, келтир хабар, қишлоқла-  
римдан*<sup>17</sup>, демадингиз-да, почча!

– Ундан ҳам зўри бор:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви  
хиромонимға айт,  
Йиғларимнинг шиддатин гул барғи  
хандонимға айт.*<sup>18</sup>

– Одамларнинг ичида уялтирманг, хў-  
жайин! – деди Сабоҳат опа.

Узоқдан яна шеър эшитилди:

– *Барча шодлик сенга бўлсин,  
бор ситам-зорлик менга*<sup>19</sup>...

Уларнинг ортидан хуш кайфиятдаги уч  
нафар навнихол қиз кўринди.

– Йўқ, қоида бўйича “а”дан бошлай-  
миз, – деди сочи майда ўрилган шад-  
додроғи. Мана, масалан, бундай:

– *Ар-ши-н мо-ло-ло-н!*

– Муҳай, ўйин қилмасдан, тўғри айт!  
Бу – кўшиқ-ку, ўйинга мос эмас. Айтишув  
ҳақиқий бўлсин!

– Бўлмаса, мана, – деб қиз рақсга ту-  
шиб кетди:

*Анджонликлар чақалоқни ҳам сизлашади  
анжанчасига,  
Тонгдек юмшоқлик билан сўзлашади  
анжанчасига.*

– Ўлмагин-да, яна майнавозчилик қил-  
япсан! Қўй буни, жиддий шеърлардан айт!  
Одамни титратадиган ғазаллар бор-ку!

– Бўпти, бўпти, мана:

*Агар ошиқлигим айтсам, куйиб жону жаҳон  
ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон  
ўртар.*<sup>20</sup>

Зўра-а, қани, Шоҳи, сен нима дейсан?

– Бу осон, Муҳай, бу осон, – деди ўр-  
тада кетаётган қиз дугонасининг елкасига  
қоқиб:

*Рухимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,  
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим!*<sup>21</sup>

– Ў, қойил! Гўзал, “м”га мисол топ,  
“м”га, лекин зўридан бўлсин!

Қизлар йироқлашгани сари уларнинг  
кўнғироқдек майин ва бегубор овозлари  
тунни парчалаб, эзгуликка ташна кўнгилини  
узоқ-узоқларга олиб кетаётгандек эди.

Сўнги байт қизлар тарафдан келдими  
ёки юрагимдан отилиб чикдими – билол-  
май қолдим:

– *Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,  
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.*<sup>22</sup>

<sup>16</sup> Эркин Воҳидов сатрлари

<sup>17</sup> Ҳабибий сатри

<sup>18</sup> Алишер Навоий сатрлари


<sup>19</sup> Эркин Воҳидов сатри

<sup>20</sup> Бобораҳим Машраб сатрлари

<sup>21</sup> Абдулла Орипов сатрлари

<sup>22</sup> Алишер Навоий сатрлари

Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ



# Shams ila Mavlono

## Икки баҳр туташув қиссаси

Сабоқ тугаши билан ўсмирлик остона-сига эндигина қадам қўйган толиби илмлар ташқарига чиқишди. Дархонада ёлғиз Шамс қолган эди. Мударрис хаёллар оғушида ўтирган Шамснинг ёнига келиб сўради:

– Эй Муҳаммад Шамсиддин, нега хо-мушсан?

– Эй пири фано, рижоли ғайб устоз, мен шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат

боғининг меваларини тотиб бўлдим, сирларини шарбат янглиғ ичиб бўлдим.

– Биз ҳали шариат баҳсини тугатмадик!

– Шариат дерки, сендаги – сеники, мендаги – меники. Тариқат айтур: сендаги – сеники, мендаги ҳам сеники. Маърифат дерки, на меники бор, на сеники. Ҳақиқат айтур: на сен борсан, на мен! Англашим керак бўлганини англаб бўлдим. Мен энди

кўлмақдаги нурнинг харидори эмасман, “Нур ан-нур”га толибман. Кўнгил ўзга манзилларни ихтиёр қилаётир. Қуш бўлиб учмоқни истайман.

Шамс мадрасани тарк этди. Ейишичидан тийилди, дунёдан алоқасини узди. Қирқ кун хос ул-хаввос рўзасини тутди. У бутунлай илоҳий ишқ уммониға ғарқ бўлган эди. Отаси Али Маликдод:

– Ўғлим, сенинг бу ҳолингни англаёлмай қийналиб кетдим. Қачонгача ўзингни азоблайсан? – деди.

– Ота, эсингиздами, товуғимиз курк бўлганида тухумлари орасига бир дона ғоз тухумини ҳам қўшиб қўйган эдик. Жўжалар очиб чиқди. Она товуқ уларни ариқ бўйига олиб борди. Шунда ғоз боласи ўзини сувға отди. Она товуқ уни кутқариш учун чирқиллаб зир югурган эди. Ғоз боласининг эса парвойифалак, сувда маза қилиб сузиб ўйнаган эди. Ўшанда мен ҳам товуқнинг шафқатли бағрида дунёга келган бир ғоз боласи эканимни англаган эдим. Ота, менга рухсат беринг, сўфийлар билан олам кезай, мабдаи нурумни топай.

Онаси ўғлининг кун сайин озиб-тўзиб бораётганини кўриб насиҳат қилди:

– Ҳали ёшсан, болам, ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Баҳор келмай очилган гулни кўрганмисан? Кундуз чиққан ойнинг кимга нафи бор? Қаноти чиқмай учишга чоғланган полапоннинг оқибати сабоқ бўлмайдими сенга?

– Волидам, ройиҳаи жаннатим, райҳон бўйли оёқларингиз остида ўтирмоқни истамасмидим?! Мехру марҳаматингиз булоғидан қониб сув ичиш менга ёқмайди

деб ўйлайсизми?! Қалбимда шундай бир гул очилдики, ҳеч қандай қаҳратон қиш унга нуқс этолмайди. Осмонимда шундай Ой балқидики, Қуёш нури у билан бўйлашолмайди. Учишга шунчалар тайёр бўлдимки, энди менга қанотнинг кераги йўқ.

Шамс аҳли муҳаббат маскани – сўфийлар даргоҳига борди.

– Хуш келибсан, эй нур юзли, мақсадинг недир?

– Хом эди, пишди, оловда куймасидан топгани келдим.

– Илм недир, эй толиби нур?

– Илм уч нарсдан иборатдир: зокир тил, шокир қалб ва собир бадан.

– Юкимиз тошдан оғир, кучинг етарми?

– Севмаганга чумоли ҳам юк, севганга филлар ҳам чумолидек гап. Агар инсон ошиқ бўлса ва ишонса, тоғни ҳам елкасида таший олади.

– Ниманинг меъёри афзалу ниманинг ортиғи?

– Ҳар нарсанинг меъёри яхши, одобнинг эса ортиғи.

– Эй хизрмашраб, сафимизга қўшил, файзи илоҳийда насибанг бор экан, бир ҳалқа бўл – ўттиз тўққиз эдик, қирқ бўламингиз.

Сўфийлар унинг шиддату шаҳдини кўриб аввал “Шамсиддин Парранда” деб атадилар. Илмини кўриб “Комили Табризий” дедилар. Фитратига қараб “Шамси Қаландарий” дедилар. Далолатига қараб “Хужжат ул-Шамс” дедилар. Моҳиятига қараб “Шамси Ботиний” дедилар. Сўзларидаги қатъиятга қараб “Шамси Маломатий” дедилар. Ранги рўйига қараб эса “Шамси Кибриди Аҳмарий” дедилар.

\* \* \*

Муҳаммад Шамсиддин исми авлиёлар мажлисининг мавзусига, ошиқлар суҳбатининг мазмунига айланди. Мамлакатда унинг исмини эшитмаган зот ва сўзлари кириб бормаган хонадон қолмаган эди. Ҳамма унга мурид бўлмоқни орзу қиларди. У эса ҳеч кимни ихтиёр қилмас эди.

Бир куни машҳур сўфий шайх Авҳодуддин Кирмоний билан суҳбатлашиб қолди. Кирмонийдан тунлари нималар билан машғуллигини сўради. Кирмоний “Тунни тахайюл билан, зикру ибодат билан ўтказяпман” демоқчи бўлди-ю, тилига шу сўзлар илинди:

– Ойни тоғорадаги сувда томоша қиляпман.

Шамс:

– Бўйнингда ғудданг бормики, ойни томоша қилмоқ учун тоғорадаги сувга боқасан? Бошингни кўтариб кўкка боқсанг бўлмайдими? Ўзинга ҳозиқ табиб топ, бўлмаса ҳақиқатга эмас, унинг соясига қараш билан умринг ўтади! – деди.

Кирмоний ҳазратлари Шамснинг қўлини тутиб, муридликка олишини сўраб ёлворди. Жавоб қатъий оҳангда янгради:

– Сен менинг дўстлигимга бардош бера олмайсан!

Аммо Авҳодуддин унинг этагини тутиб ёлворишда давом этди. Шамс бозорга яқинлашгач деди:

– Кел, унда бирга шу бозор ўртасида шароб ичамиз, жавобимни кейин айтаман.

– Ҳаром ичкилик билан мени имтиҳон қилма.

– Майли, унда сен ичма, менга шароб топиб келтир!

– Ҳаромни ичмаганим каби пок қўлимни ҳам булғамайман.

– Мен ичиб бўлгунимча ёнимда ўтир унда.

– Ҳаромга яқин йўламайман ҳам.

– Ундай бўлса, мендан йироқ юр. Менга ҳамроҳ бўлолмайсан. Менга ҳамроҳ бўлмоқ истасанг, аввало ҳамҳол бўласан, бутун ор-номусинг, обрўйинг, шон-шуҳратингни бир қадаҳ шаробга алмашишга тайёр бўласан. Бу майдон эранлар майдони, унда заифларга ўрин йўқ. Ва яна шуни унутма: мен мурид эмас, шайх излаяпман. Ҳақиқатни ипак тўшакларда ўтириб қидирадиган шайх керак эмас менга... Бу йўл машаққат ва муҳаббат йўли, Кирмоний афанди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳовлисида яшаган молу мулкисиз асҳоби суффа мисоли бу дунёдан юз ўғирмас экансан, йўлдошим бўлолмайсан. Одамлар шароб ичиб сархуш бўлади. Ишқ аҳли эса ичмай туриб маст бўлади. Сен буни англай олмадинг!

Кирмоний таслимият имтиҳонидан ўта олмади, Шамснинг асл мақсадини идрок этмоққа ожизлик қилди.

Шамс бир кеча туш кўрди. Ям-яшил водийда бир авлиё зот билан суҳбат қуриб ўтирибди. Улар суҳбатлашиб ўтиришибдию атрофда бутун олам гирдоб мисоли айланмоқда. Гирдоб, дунёга оид нимаики бор бўлса, ҳаммасини ютиб бормоқда. Улар ўтирган яшил манзил ҳам, шаҳру қишлоқлар, тоғу тошлар ҳам ютилиб кетди. Макону замон йўқолиб, ўрнида мунаввар бир бўшлиқ пайдо бўлди. Мусаллам икки вужуд қолди. Мукаррам икки руҳ қолди. Уларнинг бири нур, иккинчиси



мунир эди. Бири сўз бўлса, иккинчиси маъно эди.

Шамс уйғониб кетди. Тушининг таъсиридан ўзига келолмай юрди. Яна икки кеча айнаи ўша тушни кўрди. Бу гал у муршиди комилнинг Рум диёрида эканидан воқиф бўлди. Аммо вуслат вақти келгунига қадар сабр қилиши уқтирилди. Шамс ўша қутлуғ кун орзуси билан яшай бошлади. Энди ҳаётининг мақсади, мазмуни бор эди. Шамс илоҳий тажаллидан маст бўлди. Мушоҳада уммонига шўнғиди. Шомга келган ҳар карвондан уни излади. Кўкдан учиб ўтган ҳар қушдан уни сўради. Ҳар тонг қуёш нурларига уни кўриш умиди билан боқди.

Ниҳоят бир садо келди:

– Модомики, шунчалар истайсан, шукрига нима ваъда қиласан?

– Бошимни!

– Сен қидирган миръоти мужалло Рум диёрида маскун. Улус уни Мавлоно дейди, отаси султон ул-уламо Баҳоуддин Валад. Кўниё шахрига бор, у йўлингга интизор.

Сафар вақти етиб келган эди. Шамс дарвешлар билан бирга карвонга қўшилиб Рум диёрига йўл олди. Чанқаган одам сув қидиради, сув ҳам чанқаганларга муштоқ бўлади. Шамс бошни фидо қилгани йўлга чиқди. Узоқ йўл юриб Кўниёга етиб келди.

\* \* \*

Мавлоно Жалолiddин хонадонида суҳбат қизиди. Шамс Жалолiddинни тинглар, унинг илмига қойил қолиб, саволлар берар эди. Жалолiddин илмда уммон эди. Илм қаерда бўлса, бориб ўрганиб келарди. Шомда Муқаддимия мадрасасида тўрт

йил ҳадис илмидан сабоқ олди. Кўп ўтмай мадрасанинг бош мударриси унга “Жалолiddин, сиз энди мадрасамизга келиб вақтингизни зое қилманг. Сизга илм ўргатадиган олиму уламо бу шаҳарда қолмади ҳисоб. Ўзингиз илм шаҳри бўлдингиз. Энди толиби илмлар сизга борсинлар”, дея уни юртига кузатиб қўйган эди.

– Сен буларни қаердан ўргандинг, эй илм денгизининг ғаввоси? – деб сўради Шамс.

– Мана булардан... Ичида саккиз аср бурун битилган китоблар ҳам бор, ҳатто шундайлари борки, ўқиб шарҳлаганим билан уни англайдиган баҳри муҳаббат йўқ.

Жалолiddиннинг сўзи тугамай Шамс ёшига қараганда жарангдорроқ овоз билан деди:

– Ўша баҳр менман!

– Тушунолмайсан, аввал мана бу китобларнинг барини ўқиб чиқишинг керак. Мутолаа ва мушоҳада имтиҳонидан ўтмоғинг даркор.

Шамс ўрнидан туриб, китобларни бирин-кетин ҳовузга ота бошлади. Мавлоно Шамснинг хатти-ҳаракатини сас-садосиз кузатар экан, ажиб бир манзаранинг шоҳиди бўлди. Китоблар сувга тушгач, унинг қатларидаги сўзлар гўё озод бўлган қушлар каби саҳифаларни тарк этарди. Улар Шамсдан миннатдор бўлиб сувда рақс айларди. Мавлоно ўзидан нафратланиб кетди. Кўп ўтмай жавонда китоб қолмади. Ҳовуз суви қоп-қора тусга кирди.

– Маҳзунлигинг сабаби недир? – деб сўради Шамс.

– Отам муборак қўллари билан шарҳлар ёзган бир китоб бор эди. Уни қўлга олганда

отамни кўргандек бўлардим. Хаста бўлсам ҳам ўша китобдан куч олардим. Сафарга кетаётиб хайрлашар, келганда саломлашар эдим...

Шамс:

– Шунчалик хотири бор экан, унда қайтарайлик, – деди ва тундек қорайган ҳовузга кўлини тиқиб бир китобни олди ва: – Мана шумиди? – деди.

Мавлоно Жалолоддин Шамснинг кўлидаги куп-куруқ китобни кўриб ҳайратини яширолмади:

– Бу не синоат бўлди?

– Англамоққа ожизсан!

Лекин Мавлоно ҳақиқатнинг шаклда эмас – шамойилда, моддада эмас – руҳда, жисмда эмас – кўнгилда эканини англаган эди.

Шамс эса ўзи қидирган пири поктийнатни, илмда ва ҳилмда беназир муршидни топган эди. Мавлонога қараб деди:

– Олим эдинг, ориф бўлдинг. Энди ошиқ бўлишга мажолинг борми?

Жалолоддин:

– Хом эдим, пишдим, куйдим... Менинг ҳолимдан не англадинг, эй маънолар оламининг қуёши?

Шамс:

– Англадимки, кўлмак елвизакда ҳам чайқалаверади. Уммонларнинг тўлқини муҳаббатнинг маҳобатидандир. Англадимки, теран ва асрорангиз бўлган нарсалар сокин бўлади. Англадимки, сокин бўлган нарсалар теран ва ҳайбатли бўлади.

Мавлоно ўрнидан шахт ила турди. Ўнг кўлини юқори, сўл кўлини қуйи қилиб рақси самони бошлади. Само найзанлари “Фараҳфазо” куйини чалиб уни кўкларга чорлади.

Рақс моҳиятини англаган Шамси Табризий “Само Ҳақдан ёғилган маънодир, ҳақиқатнинг юксак мақомидир. Ул мақомда Ҳақдан ўзгага жой йўқ”, деди ва Қандолатчилар карвонсаройи томон йўл олди.

\* \* \*

Мавлоно муридлари қуршовида заргар дўкони олдидан ўтиб бормоқда. Ичкарида заргар кулчадек олтинни тўқмоқ билан уриб ишлов бермоқда. Бир маромда эшитилаётган тўқмоқ товуши Мавлонога қаттиқ таъсир қилди. Бир муддат тўхтаб мушоҳадага толди. Товушлар тўхтагач, муридларига деди:

– Кўрмайсизми, ҳатто олтин ҳам уриб шаклга солинади. Нозик буюмлар энг кўп олов ва ишловга тобе тутилган бўлади. Синовлардан шикоят қилаверманг; сиздан, эҳтимол, подшоҳлар бармоғига лойиқ узук ясаётгандирлар...

Шогирдлар юзида табассум зуҳур этди. Соддароқ бири дарҳол ўзини олтиндан ишланган ноёб узук дея тасаввур қилди. Бошқа бир шогирд буни сезиб, ҳазил қилди:

– Устоз, ичимиздан баъзи бировлар олтин ила кимсоннинг фарқига бормасалар-да, бир зумда подшоҳлар бармоғидаги узукка айлана қолдилар.

Енгил кулги кўтарилди. Мавлоно насихат қилди:

– Ҳа, ҳою ҳавас тириклик безаги. Бироқ ўйларинг сўзларингга, сўзларинг феълингга, феълинг тақдирингга нуқс этади. Шу боис гўзал ўйламоқ, умрни гўзал ўтказмоқ даркор.

Шогирдларидан бири Мавлонодан сўради:

– Ҳазратим, илм ўрганмоқнинг ҳосили недир? Бадавлат ва маъмур яшамоқ учун қайси илмлар таҳсили даркор?

Мавлоно чуқур бир мушоҳада ила жавоб берди:

– Уч кунлик дунё луқмаси учун илм риёзатини чекмоқнинг маъноси борми, эй фарзанд? Сенга илм дея тақдим қилинаётгани аслида арқондир. Зулмат қудуғидан қутулмоқ истасанг, арқонни маҳкам тут. Акс ҳолда ўша арқон билан бошқа бир қудуққа тушгайсан. Илмдан мурод ушбу саволларга жавоб қидирмоқдир, унутма: “Мен кимман ўзи? Бу оламга нега келдим? Қаён кетмоғим керак? Илдизим қаердаю юзимни қай томон бурмоғим керак?” Асл машғулот қалбни покиза тутмоқ учун ғайрат сарф этмоқликдир.

\* \* \*

Шом намозидан сўнг масжиддан қайтаётган Шамс Табризий ва Мавлоно ҳовлининг этагидаги хос ҳужрага ўтдилар. Бу ҳужра Мавлононинг мушоҳада ва мутолаа даргоҳи бўлгани боис ўғли Султон Валаддан бошқа ҳеч ким у ерга кира олмас эди. Ҳатто энг яқин муридлари ҳам остона ҳатламай Мавлононинг чиқишини кутиб турар эди. Хотини Киро хоним ўғлини чақириб сўради:

– Ўғлим, ичкарида нима гап? Нималар ҳақида суҳбатлашишяпти? Бирор нима олиб кир. Ёки айвонга дастурхон тузайликми?

– Волидам, уч соатдан ошди ҳамки, лом-мим демай ўтиришибди. Падари бузрукворни ўзингиз биласиз, безовта қилмаслигимизни тайинлаганлар.

– Ҳа, сен кўз-қулоқ бўл, нимадир керак бўлса, қидириб қолишмасин. Одатда,

бундай суҳбатдан сўнг хушоб сўраб қоладилар. Ўрик ва жийдадан хушоб тайёрлаб қўйганман.

– Хўп, волидам. Ижозат бўлди дегунча кириб сўрайман.

Хос ҳужра хослар суҳбатидан мунаввар масканга айланган эди. Шам атрофида учиб диққатни паришон қилгувчи парвоналар ҳам бугун парвозни унутиб сукут ичида суҳбатга соме бўлган эди. Парвоналаргина эмас, шуур ҳам, забон ҳам, сўзлар ҳам, маънолар ҳам бугун ўз маслагини буткул унутган эди. Суҳбати хос давом этарди:

– Нафсинг ила курашмоқ, риёзат чекмоқ ва зоҳирий илмлар билан машғул бўлмоқдан муродинг недир? – деб сўради Шамс.

– Мақсадим шарият суннати ва одоби йўлидан бормоқдир, – деди Мавлоно.

– Буларнинг бари қобиқ холос-ку! – деди Шамс.

– Хўп, ундан ичкарида нима бор? – деб сўради Мавлоно.

– Қобиқ ичида илм бор. Шундай илмки, сени Маълумга етказгай, – деб жавоб берди Шамс.

– Маълумга етмоқ учун қайси илмни ўрганмоқ керак?

– Аввало “сир”ни англамоқ керак. Сир эса “сир сақловчи”да, – деди Шамс.

– Бу жумбоқни англамоқ денгиз тубидан маржон олиб чиқмоқдан-да мураккаб эмасми, пири пок? – деди Мавлоно.

– Шундай бир нақл бор: ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ўз тақомилининг чўққиси бўлмиш Меърожга юксалганда кўплаб сирлардан огоҳ бўлган эди. Бир куни шу ҳақда тафаккур қилиб ўтирганларига ёнларига Ҳазрати Али кириб келиб, “Ё,

Расулulloх, бунчалик маҳзунлигингиз сабаби недир, бирор ташвишингиз борми?” деб сўрабди. Расули акрам “Йўқ, менга аён қилинган сирлар ҳақида ўйлаб ўтирган эдим” дебди. Ҳазрати Али “Менга ҳам озроқ айтиб беринг, воқиф бўлмоқ истайман” дебди. “Кўтара олмайсан, бардошинг етмайди, Али!” дебди Пайғамбар алайҳиссалом. Аммо унинг кўзларидаги иштиёқни кўриб, илохий ишқ сирини ҳазрати Алига айтибди. У шундай сир эканки, залварига Ҳазрати Али бардош бера олмабди. Маккаи мукаррама кўчаларига чиқиб ҳайқирмоқ истабди. Ҳаммани бу сирдан воқиф қилмагунча ичидаги оловни сўндиришнинг иложи йўқдек туюлибди. Аммо уни бошқаларга ошкор қилмасликка сўз бергани учун шаҳар четидаги ташландиқ бир кудуққа айтибди. Қудуқ ҳам сирнинг юкига дош беролмай жўшиб-тошибди. Атрофда кўл пайдо бўлибди. Кўлда қамишлар ўсиб чиқибди. Бир чўпон қамишни кесиб най ясабди. Чалса шундай бир куй таралибдики, атрофдаги жонзотлар, ўсимликлар маст бўлиб қолибди. Бир куни Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) Ҳазрати Али билан бирга чўлда кетаётса, чўпон чалаётган куйни эшитиб тўхтаб қолибди. Алига қараб, “Сен сирни бировга айтганмидинг?” деб сўрабди. Ҳазрати Али бўлган воқеани айтиб берибди. Пайғамбар алайҳиссалом куй таралаётган томонга боқиб, “Бу қамиш қиёматга қадар менинг сиримни тараннум қилади, аммо қалби очик, пок ва комил инсонларгина бу сирни англайлар” деб марҳамат қилибди. Сўфийлар найни шунинг учун сир ташувчи – сирбон дейдилар.

Мавлоно тафаккур денгизига ғарқ бўлди. Унинг қаршисида турган зоти мукаррам

инсон қиёфасидаги най эди. Найдан таралаётган куй уҳровий сирларни тараннум қиларди-ю, у эса англашдан маҳрум лолу безабон эди.

*Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,  
Айрилиқлардан шикоят айлағай.*

\* \* \*

Жалолиддин айвонда ўғли Амир Музаффариддинга майин оҳангда алла айтиб ўтирган Киро хотуннинг ёнига келиб ўтирди. Ўғлига термилди. Киро хотун алла айтишдан тўхтаб, унга ажабланиб қаради. Жалолиддин ўғлини уйғотиб юбормаслик учун пичирлагандек паст овозда сўзлади:

– Болалигимда отамнинг ёнларида ўтириб орифлар суҳбатини кўп тинглардим. Баъзан варажага тушиб ўзимдан кетиб қолсам, орифлар даврасига олиб “ху-ху” дея дуо қилишар экан. Волидам Мўмина хотуннинг овозини эшитгандек бўламан сен алла айтсанг...

*Ху-ху-ху, Оллоҳ ху!  
Бу сенга осон ху...  
Бизга шифо бер ўзинг,  
Катта бўлсин бу қулинг.  
Ху-ху-ху, Оллоҳ ху!..*

– Ҳазратим, Оллоҳ сизни бархудор қилсин. Ваража они қанча давом этар эди?

– Сен бир такбир муддати деб бил, мен минг такбир деб биламан. Охирги марта беш ёшимда шундай ҳолга тушдим. Ўшанда кўрганларимни таърифлашга дунёдаги жами тилларнинг хазинасини йиғсанг ҳам озлик қилади. Чунки сўз билан таърифлаб бўлмас идрокка хос ажиб манзараларни кўрган эдим. Ҳушим танимга қайтгач, падари бузрукнинг тизларида худди Баҳоуддин мисоли дунёбеҳабар ётган эканман.

Кўзимни очибок, “Отажон, қани улар?” деб сўраганим ҳали-ҳануз ёдимда.

– Кимларни кўрган эдингиз ўшанда? – деб сўради Киро хотун.

– Аниқ эслаёлмайман, аммо отам “Худовандигор, ўғлим, сенга кўринганлар ғайб оламининг сокинларидир. Улар Оллоҳнинг лутфи ва иноятига мазҳар қилмоқ ниятида ташриф буюрган фаришталар, мўмин жинлар ва авлиёуллоҳлардир. Улардан чўчима”, деган эдилар.

– Улар бирор нима деганмиди?

– Қўлимдан тутиб ғайб боғларини сайр қилдирган мўйсафиднинг сўзлари кейинчалик ҳаётимнинг мазмунига айланди. Қулоқ тут, Киро хотун, ўғлимиз Музаффаридинга ҳам уларни эслатиб тур. Ўша нур юзли мўйсафид “Агар сен ҳам биз билан шу жойда бўлишни хоҳласанг, сўзимизни унутма. Ҳамма билан дўст бўл. Ҳеч кимга ҳасад қилма. Ҳеч кимни муҳокама этма. Одамлар суратини безатса, сен сийратингни безагин. Одамлар бошқалар айбидан сўз очса, сен ўз қусурингни ўйла. Яраларга малҳам бўл, шифо бўл, асло зиён бўлма. Шамдек ёш тўк, кўнгил уйинг чароғон бўлсин. Қулоғингда бўлсин: ўйларинг сўзларингга, сўзларинг феълингга, феълинг тақдирингга нуқс этади. Гўзал ўйла, гўзал яша!” деган эди. Ва яна “Ху”нинг сирини англа ва ошкор этма” дегани ҳамон ёдимда.

– “Ху” – авлиёлар тасбеҳи”, дерди раҳматли волидам, – дея эслади Киро хотун.

– Ҳа, шундай, Киро хотун. Жуда теран мавзу бу. “Ху” – руҳ қушининг исми. Фавқуллодда нозик ва майин қуш. Унинг макони қалб қафасида. Озиғи – калимаи тавҳид. Агар одам у қушни йўқлаб турмаса, қафас

қаттиқлашиб, нафас қушини сиқиб кўяди. “Ху” қуши яшаб туриши учун мудом калимаи тавҳидни ёд этмоқ лозим. Уни такрор этмаган инсонлар эса қалбида ўлик қушни ташигуси! Ва ундай қалб ундуқ мисоли бадбўй бўлади. Баданни тарк этган “ху”нинг макони эса Аршдир. “Ху” Оллоҳ исмларининг моҳияти, ботини ва ҳақиқатидир. Уни англаганлар мақомларнинг энг мўътабарига мазҳар бўлади...

Киро хотуннинг оёқлари устидаги ёстиқда мириқиб ухлаб ётган Музаффариддин безовталаниб кўзларини очди. Киро хотун оёқларини бешикдек тебратиб алла айта бошлади:

*Ху-ху-ху, Оллоҳ ху!  
Бу сенга осон ху...  
Бизга шифо бер ўзинг,  
Катта бўлсин бу қулинг.  
Ху-ху-ху, Оллоҳ ху!..*

Жалолиддин ўрнидан туриб ҳовлига чиқди, осмондаги беадад юлдузларга боқиб хаёлга толди. Қоронғизорда кўқдан ёғилаётган оҳангларга қулоқ тутди, оламни сас шамойилидаги дуолар қоплади. Гўё энгил насим орифлар дуосини олислардан келтириб унинг устига сочар эди. Айвон тоқидаги қумрилар ҳам аҳён-аҳён шу сирли оҳангда сирлашгандек хуҳулаб овоз чиқариб кўяр эди. Еру кўкни муаззам оҳанг тутиб кетди. Тун ила тонг оламни бўлишаётган паллада кўқларнинг бағридан ху-ху садолари отилиб чиқди. Юлдузлар самони тарк этаётиб чиқарган товушлари ҳам шу йўсинда эди. Дарвешлар тасбеҳидан тўкилиб бораётган фарёдлар ҳам шу маромда янгради: ху-ху-ху!.. Жалолиддин бу оҳанглар оғушида, сир даргоҳида тунни бедор ўтказди.

*Боби асрорнинг калити ху...  
Беҳишт райҳонларининг ифори ху...  
Жон қушининг тасаддуғи ху...  
Ху-ху-ху, Оллоҳ ху...*

\* \* \*

Амир Музаффариддинни ухлатиб, Жалолиддин ўтирган айвонга ўтган Киро хотун сўз очди:

– У зоти киром келгандан буён ҳар нени унутдингиз, ҳазратим. Менинг бор-йўқлигимни ҳам фаромуш этди деган ўйдан озурдаман. Бунчалик сукутингизнинг маъноси не экан?

Мавлоно чуқур тин олиб сўз бошлади:

– Модомики, инсон экансан, модомики, эшита оласан, тафаккур қиласан ва сезасан... Буюк ҳақиқатни топиш учун кўнглингни ва идрокингни ишга соласан. Ҳисларингни ва топганларингни сўзлайсан. Агарчи сўзлай олмасанг, руҳинг восил бўлган сирларни шеърга соласан, соз ва само ила баён қиласан. Улар билан ҳам айта олмайдиган даражада буюк сир соҳиби бўлсанг, унда сукут сақлайсан, Киро хотун. Денгиз соҳилигача из бор. Денгизга киргандан кейин на из қолар, на нишон. Оллоҳнинг дўстлари – авлиёлардир. Хоҳла – Уни кўр, хоҳла – мени. Эй, саволларига жавоб излаётган киши, мен – Уман, У эса мендир!

Киро хотун унинг гапларини англашга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, ўзи қидирган жавобни топа олмади. “Бизнинг ақлимиз етмайдиган нима сир бор эканки, мендан ҳам сақлайсиз? Мадраса сабоқларини тарк этдингиз, муридларингиз ҳам илҳақ, қози ҳазратлари одам йўллаб чақирсалар ҳам бормадингиз, бул паришонлик хайр

аломати эмас, ахир” дея нолиб ўрнидан турди; ичкарига кириб кетмоқчи эди, Жалолиддин яна сўз бошлади:

– Тингла, бир ривоят айтиб берай, балки шунда англарсан. Бир найчининг ажали етиб, жон берар чоғида биров ундан сўрабди: “Эй, сирлар уммони қаршисида турган нотавон, ҳолинг нечук, неларни ўйлаётирсан?” Найчи оҳ чекиб дебди: “Ҳолимни ҳеч айта олмасман, аммо сезяпманки, бир умр ел пуфлаб келибман, оқибатда эса тупроққа кетяпман, вассалом”.

Киро хотуннинг ажабланиб турганини кўрган Жалолиддин изоҳлаган бўлди:

– Мадрасада эл-улусга сабоқ беришим, ҳар мавзуда панду насиҳат қилишим, нутқ ирод этишим ва бошдан-охир ҳаётим ўша найчининг биргина афсусидан аъломиди?.. Алҳол, менга тааллуқли бўлган васфларнинг барчасини ўша биргина афсусга алмашган бўлар эдим. Тушуняпсанми, Киро хотун?! Шунча ўқибман-у, бир найзаннинг ақли етган маънони илғай олмабман. Англаганимда эди, жиллакурса, “Товус қушига ўхшаб фақат қанот ва думингга маҳлиё бўлавермай, баъзан оёқларингга ҳам қараб тур, Жалолиддин!” демасмидим?! “Дарахт соясида ўтиришни орзу қилавермасдан ниҳол эк, барака топкур!” демасмидим?! Тўй-ҳашамларда ясан-тусан қилган чоғим “Эй, зарбоф тўн ва олтин камар тақишга ўрганган одам, сенинг ҳам чоксиз либос киядиган кунинг келади, хушёр бўл!” демасмидим?! Наридан борса, “Кўнглингни покламасдан, тинмай таҳорат олганинг нимаси!” демасмидим, хотун?! Эвоҳ! Мен шундай инсонларни кўрдимки, кийгани кийими йўқ; шундай кийимларни кўрдимки, ичида инсон йўқ.

Шамс эса маънолар оламининг қуёши, ҳақиқат диёрининг меҳроби, англаяпсанми, Киро хотун...

\* \* \*

Шамс Табризий билан Мавлоно Румий, уч ойдирки, ҳужрадан чиққани йўқ. Шайхлар фитна кўзгадилар. Бу одамнинг нимаси Мавлонони ўзига жалб қилди экан? На илми бор, на одоби. Уни назар аҳли ё кўнгил кўзи очиқ одам демоққа далил йўқ. Мавлоно дуруст иш қилмаётир...

Халқ ҳужра ёнига келиб баланд овозда суҳбатлашаётганда дарвоза очилиб ичкаридан Жалолиддин чиқди. Издиҳом орасидан жимгина ўтиб шаҳар томон йўл олди. Одамлар унинг ортидан эргашди. Мавлононинг бозор яқинидаги майхонага кириб кетганини кўриб ҳайратдан хангу манг бўлдилар. Кўп ўтмай, у қўлида бир тулум май билан чиқди ва яна ҳужрасига қайтди. Уни изма-из таъқиб қилиб келган оломон ким ўзарга бақира кетди:

– Бу қандай бедодлик, бу қандай шарм-сизлик, фариштадек одамни шаробга ўргатибди-я!

– Шайхимизни бутунлай ўзига тобе қилиб олди. Унинг суҳбатини тинглаш тугул юзини кўришдан ҳам маҳрум бўлиб қолдик.

– Ирмоқ сомон чўпини оқизиб кетгани мисол шайхимизни йироқларга олиб кетди.

– Бу одам сеҳрбоз бўлса керак. Шайхимизни унинг жодусидан қутқаришимиз керак.

– Ким ўзи бу кас: на дину диёнатини биламиз, на кимлигини! Қаёқдан келди ул жодугар?

– Бутун халқни шайхимизнинг ваъзидан маҳрум қилди, юртдан файзу барака қочди.

– Сеҳргар майхўрнинг адабини бериб қўйиш керак!

– Жодугарга ўлим!

Қутурган оломон ҳужрага бостириб кирди. Танча устида турган шароб тулумини олиб ерга урган эдилар, ёрилиб ичидан гул шарбати тўкилди. Бутун ҳужра мусаҳҳар ифорга тўлди. Жаҳл отига миниб кирганлар бу нафис ҳиддан масту мулзам бўлиб чиқдилар. Қадим Кўниёни ишқ атри – беҳиштий мушк ифори тутиб кетди.

Бироқ эл оғзига элак тутиб бўлмас, наъраларни тўхтатиб бўлмас эди. Шамс бу дашномларни билгани боис оломон қаршисига чиқишдан ўзини тияр эди. Бир ёндан Жалолиддиннинг оиласида ҳам норизолик авж ола бошлаган, эл аро ёйилган фисқ-фасод уларнинг кўнглига ботаётган эди. Шу боис Шамс, Жалолиддиннинг илтижоларига ҳам қарамай, юртига қайтмоққа қарор қилди.

\* \* \*

Ҳижрий 643 йил, шаввол ойининг сўнги пайшанбаси. Шамс тонг саҳарда йўлга чиқди. Пайғамбар ёшини бўйлаган зотни дарбадарлик анча толиқтирган эди. Айниқса, Мавлонони “йўлдан оздирган”ликда айблаган жоҳил оломоннинг қутқусидан чарчаган эди. Кўниёнинг Шом дарвозасига етганида жаҳл отига минган оломон унинг йўлини тўсди. Не кўз билан кўрсинки, Мавлононинг илк завжаси Гавҳар хотундан туғилган ўғли Аловиддин ҳам кўзи қонга тўлган тўданинг олдинги сафида турар эди. Шамс юзини Кўниё томон буриб баланд овозда ашъор ўқий бошлади:

Ўлим куни қачонки тобутим равон бўлғай,  
Гумон қилмагилки, кўнглимда дарди  
жаҳон бўлғай.

Менинг учун йиғлама ва демагил: "Дариг,  
дариг!.."  
Девлар домига тушгайсан дариг  
ҳамон бўлғай.

Жанозамни кўрсанг демагил: "Фироқ, фироқ!"  
Менга висол ва мулоқот ўшал замон бўлғай.

Отасининг шаъни учун оёқланган Ало-  
вуддин ғазаб билан бақирди:

– Етар, бас қил, девона дарвеш! Падаримни жодулаганинг етар! Ул ҳазратимнинг кўнгли чақалоқнинг кўнглидек беғубор, поку бегидир. Сен унинг софлигидан фойдаланиб, ақлини олдинг. Биз сенинг сеҳру жодунга ўйнайдиган гўл эмасмиз. Шаҳодатингни айт, агар қалбингда зарра қадар имонинг қолган эса, зарра қадар диёнатинг бўлса!

Шамс қаттиқ изтироб ичида насихат қилмоққа чоғланди:

– Эй, муборак чашманинг оби зилоли! Бу қаттиғлиқни қаердан олдинг? Ким сенинг кўнглингда бундай бадгумонликни солди? Бизлар учун ўлмоқ асли янгидан туғилмоқликдир! Йиқилиш – юксалиш демакдир, кошки бунинг маънисини англай олсанг! Қуёш ботса, Ой кўрингай, кўрмасмисан? Ҳеч жаҳонда шамсу қамарни тупроқ остига кўмарларми? Сенга ботмоқ бўлиб туюлса-да, отмоқдир аслида; мени лаҳадга ҳибс айласанг-да, жон омон бўлғай, маъшуқига мунтазир бўлғай. Қай уруғ тупроққа тушиб кўкармади, ахир, билмасмисан? Нечун инсон уруғига бундай гумон қиласан? Жон Юсуфига чоҳ ичра нечун фиғон қилғай, англамасмисан?!

Оломон Шамснинг гапларидан ғалаёнга келди. Маржондек тизилган сўзлари

таъсирига тушиб қолишдан кўрқиб, устига ёпирилди.

Қуёш оламни ёритганда тупроқ уятдан қизариб кетган эди. Булутлар лолагун, осмон хўнг-хўнг йиғлади. Ёмғир шиддатидан уммонлар ўкраб юборди. Шамол ердан кўк тоқига буюк ишқ ифорини олиб учди. Шамс бошдан-оёқ сирга айланди.

\* \* \*

Шамси Табризий Мавлоно Румийга ойна бўлди. Мавлоно бул ойнада ўзини, қалбидаги Оллоҳга муҳаббатнинг тажаллисини кўрди. Мавлоно очилишга тайёр гунча эди, Шамс насим бўлиб унинг очилишига имкон яратди. Мавлоно бир ишқ шароби эди, Шамс эса унга қадах.

*Эшитдимки, бизни ташлаб кетгали азм  
этибсан, этма!  
Ўзга бир дил, ўзга бир дўстга майл этибсан,  
этма!*

*Сен ёт эллар оламида не изларсен, айт,  
эй бегона,  
Қайси хастадилни қийнагали қасд этарсен,  
этма!*

*Ажратмагин бизни биздан, кетма ул  
элларга, ёбонга,  
Бошқаларга боқма, назар этгали майл  
этибсан, этма!*

*Эй Ой, кўҳна фалак харобу паришон бўлмиш  
сен учун,  
Бизни нечун бундоқ харобу паришон  
этарсен, этма!*

*Эй мақоми ломаконим, бор ила йўқлик ароси  
сен учун,  
Сен маконни, бору будни тарк этармишсан,  
этма!*

*Сен кетсанг гар Ой на қилғай, кул бўлур  
ғамдан тайин,  
Ойни ҳам харобу забун этгали майл  
этибсан, этма!*



“Шамс Кўниёнинг Шом гузаргоҳида мутаассиблар томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилди” деган хабар Мавлонони гўё ақлдан оздирди. Мавлоно уйини тарк этиб, шаҳру қишлоқларни кезиб Шамсни қидирди. Ўтган-кетгандан уни сўради. Бир одам “Шомда кўрдим”, деди. Мавлоно бу хабарга суюнчи сифатида устидаги кийимини, салласини берди. Яқинлари “Бу одам ёлғон айтяпти, у Шамсни танимайди” деса, Мавлоно “Тўғри айтаётирсан, у ёлғон гапиряпти, шунинг учун кийимимни бердим. Агар рост гапирганида жонимни берардим-ку!” деди.

Шамс ғойиб бўлгач, Мавлоно икки марта Шомга борди. Уни бетиним қидирди, сўради-суриштирди.

“Уни тасвираб бер-чи!” деганлар Мавлонодан бундай жавоб олар эди:

– У... у – бепоён денгиз, мен эса тубидаги бир чиғаноқман. У – чексиз осмон, мен эса уфқдаги бир чизги... Унинг ҳар сўзи алоҳида бир дунё. Сўзларининг маъно қатларида инсон ҳам бор, ҳам йўқ бўлиб кетади... Шамс – сарҳадсиз олам. У – макон ва замонлар аро мудрик йўловчи. Коинотнинг қай буржидан боқсангиз, уни кўрасиз. Гоҳ авлиё, гоҳ мўтабар шайх, гоҳ майхўр машшоқ, гоҳ олиму орифлар султони, гоҳ телба ошиқ либосида сарсон-саргардон... У баъзан битта инсон, баъзида миллиард инсон... У – мен, сиз, ҳамма... Шамс бутун; унда Шарқ ҳам, Фарб ҳам, Жануб ҳам, Шимол ҳам – бутун олам мужассам. Гоҳ қалдирғочнинг қанотида осмонларга кўтарилади, гоҳ бола табасумида, гоҳ аёлнинг кўзёшларида пайдо бўлади. У денгиздек жўшади, шамол каби

эсади, сел бўлиб ёғилади ва қаҳ-қаҳ отади. Тоғлар унинг олдида заррага айланади, баъзан унинг ўзи қум заррасига айланиб оёқлар остида эзилади...

Мавлоно Шамсни диёр-диёр қидирмоқнинг абаслигини англади. Йўқламаган, сўраб-суриштирмаган кишиси қолмади. Кейин... кейин эса у қалбан буюк бир таслимиятни ҳис қилди. Шамсни қаердан-дир эмас, ўзидан қидирмоғи кераклигини англади:

– Мен уни жисман тополмадим, тополмадим пири шарифни... Аммо англадимки, у менда, унинг нури менинг руҳимда. Уни қидирганлар дашту саҳродан излаб овора бўлмасинлар. У нур менда...

Мавлоно ўнг қўлини кўкка, чап қўлини ерга узатиб рақси самони бошлади, самолардан найнинг ипақдек майин ва фараҳбахш оҳанглари таралди. Мавлононинг тилидан тўкилаётган сўзлар шеър бўлиб оламга ёйилди:

*Биз севсак гар, ер бўламыз,  
Биз севсак гар, сел бўламыз.  
Биз севсак гар, лол бўламыз,  
Биз севсак гар, жон бўламыз.*

Кўкда момоқалдирос гулдурди. Булутлар бағрини чок қилиб чақмоқ чақнади. Ёмғир шаррос қуйди. Мавлоно жўшиб-жўшиб, хўнграб-хўнграб, ўзидан кечиб-кечиб айланар эди. Кўк тоқидан эса маънолар султони, Мавлононинг мўтабар ҳабиби, пири аржуманди Шамс ҳазратларининг муборак саси ёмғир бўлиб ёғилар эди:

*Баъзан узоқлашмоқ керак яқинлашмоқ учун,  
Баъзан эсламоқ керак эсланмоқ учун,  
Баъзан йиғламоқ керак очилмоқ учун,  
Баъзан сукут яхшидир тингламоқ учун...*



Жасур КЕНГБОЕВ

Э  
С  
С  
Е

# QALTIS TANLOV QARSHISIDA

## Тенгдошларга тасалли

Қайси асрда яшаётганимизни унутмаган ҳолда, бугун олдимизда сўйлоқ тишларини ғичирлатиб қайраб, сўлагини оқизиб ўлжасини кутаётган бўри мисоли пистирмада турган муқаррар бир фожиа ҳақида сўз очишга аҳд қилдим.

Адабиётда ҳам фожиа бўладими, дерсиз. Бўлар экан, қадрдон, бўлар экан.

Ижод аҳли, айниқса бизга ўхшаш на ёш, на ўртаяшар қаламкашлар қалбида эврилишлар билан бир пайтда депсиниш, депрессия, турғунлик кайфияти ҳам “меҳмон” бўлар экан.

Баъзан шундай ўй-кечинмалар исканжасида қоласизки, улар юракни еб адо қилади, қоғозга туширишга истиҳола этасиз: хаёлга келгани адабий юки йўқ нарсадай туюлаверади, ўқиган одам нима дейди, дейсиз. Ёзмасангиз эса, ён-атрофда содир бўлаётган ҳар хил воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий қарашларингиз ичингизда тўпланиб-тўпланиб қолаверади, зардоб мисоли ачқимтил ҳислар безовта қолаверади. Улар чиқиб кетмагунича ҳаловат ҳам топмайсиз. Елкангиз устида турган думалоқ аъзонинг ичидаги олам

икки кутбга бўлиниб олиб, бетиним жанг қилади – ўнг томони ақл ўлароқ тилингни тий дейди, чап томони телбаларча ҳай-қиргин, тўлиб-тошгин, ўзлигингни намоён қил, қалбингни юзага чиқар, ахир, кимдан, нимадан кўрқасан, бир бошга бир ўлим тайин-ку, дейди. Аслан, қалбан шу телба тараф бўласиз, аммо ўнг томон ҳам бўш келмайди, у ҳам ҳақ, зеро, қаерда, қайси замон ва маконда яшаётганингизни эслатиб туради...

Хўш, ўнгу сўлингиз курашида иккиси ҳам теппа-тенг келса, нима бўлади?

Тенг-тўшларимизнинг бугунги ҳолига далолат бўлади. Улкан фожиага – кўрқув, депрессия, ижодий турғунликка хамиртуруш бўлади!

Йўқ, асло ваҳима қилаётганим йўқ. Ўзингиз кўриб турибсиз-ку бугунги аҳволни. Илгари ижодкор дегани ёши бир жойга бориб қолганида, ҳаёту ижодда не-не орзулар қилиб, уларга эришолмаса, умри поёнида саробга дуч келса, мансабидан айрилиб, жамиятда яққаланиб қолса ёки қаноти қайрилиб, ҳар хил “қора рўйхат”га тиркалиб, руҳий изтироблар макони – умидсизлик денгизига улоқтирилса шундай аҳволга тушар эди.

Умидсизликдан ҳам кўра кучли изтироб, азоб-уқубат, фожиа борми?

Афсуски, асрдан-асрга, йилдан-йилга яшариб бораётган касалликлар қаторида депрессия, руҳий зўриқиш, одамлардан, жамиятдан, ўзидан қониқмаслик, бир сўз билан айтганда, умидсизлик балоси навқирон авлодга ҳам ҳамла қилмоқда.

Усти бут, қорни тўқ инсон бўлмоқни, юртни мустақил, миллатни озод кўрмоқ-

ни орзу қилган ижодкор аҳли бу орзусига етганига неча замонлар бўлди. Зиёди билан эришди. Мана, фаровонлашаётган жамиятни кўрди ҳам. Аммо қани ўша ижодкорнинг кўнгил хотиржамлиги? Қани ҳаловати? Қани у истаган офият? Қани у интилган толе?

Теварак-атрофга назар солинг, ўзини расмана бахтиёр санаган ижодкор борми? Улар кўпми, камми? (Мен бу ўринда пешма-пеш мукофоту унвон оладиган ижод аҳлини назарда тутмаяпман, албатта. Улар учун ҳар куни байрам, улар ҳар сафар эҳтирос билан раҳматнома айтади, ташаккурнома битади, алҳол, улардан-да бахтиёр одам бўлиши душвор.)

Тўғри, ўша норизо ижодкорнинг ҳам қорни тўқ, усти бут, давлати етарлидир. Уй-жойи, машина-маркаби, касб-кори, дунёвий ўлчовда айтганда, ўзини саодатманд санамоққа асоси бордир. Аммо барибир унга нимадир етишмайди-да. Мудом ўзини камситилган банда деб билади, ёлғиз сезади, омади чопмаган, эзилган, бахтиқаро бир кимса деб ҳис этади. Мен бунини сиздан фарқли ўлароқ ношукрлик деб атамаган бўлар эдим.

Илгари қари-қартанглар ҳаётда кўра-рини кўриб бўлгач, олдида фақат ва фақат сабр-бардош деган оғир бир синов тургани, ўлимни кутишдан ўзга чораси қолмагани боисми, умрнинг ўткинчилигидан, одамларнинг ҳою ҳавасга ўчлигидан нолигандир, “чархи кажрафторнинг шева-си”дан зорлангандир. Ҳозир эса ақлини таниётган муштдек ижодкор ҳам нолигани нолиган. Аниқроғи, ҳаммамиз ёппасига зорланамиз.

Юртнинг қайсидир бир пучмоғида кичикроқ бир амалдор “қовун тушириб” қўйса ҳам кўнглимиз беҳад оғринади, юраклар ларзага келади, дарҳол жамиятни айблаб бошлаймиз. Ўша майдагина амалдордан муқаррар душман ясаб олгудек шаштимиз ҳам бор. Қўйиб берсангиз, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб, айюҳаннос солгимиз, муаммони бир наъра тортиб ҳал этгимиз келади.

Майли, ҳал қилдик ҳам дейлик. Бироқ олам гулистон бўлиб кетмайди. Барибир нимадир етишмайди бизга. Яна руҳий эзлишлар гирдобида қоламиз.

Айтинг, бу ҳолнинг оти нима? Нега шундай бўлади?

Кўнгилда шоду хуррамликка зиғирча ҳам жой қолмадими? Мамнунлик ҳисси буткул йўқолдими? Шукроналик нега тарк этди бизни? Бахтиёрлигимизни қайси қароқчи ўғирлади? Ҳаловатимизни ким тўнаб кетди? Хотиржамлигимизни қайси қилмишимиз эвазига ўлпон ўлароқ тўладик?

Қўрқманг, мен бу саволларни сизга эмас, ўзимга бераётирман. Жавобига қизиксангиз, келинг, бирга ўйлаб кўрайлик, деяпман, холос.

Сираси, бўйинса ижодкор сафдошларимиз қалбини кемираётган бундай хаёлларни мен ҳам кўп кечираман, уларнинг дардини сезаман. Кучли депрессия ва ижодий турғунликдан ташқари, уларни руҳий ёлғизлик ҳам адо қиляпти чоғи.

Нажот кўрғони деб билганимиз – а да б и ё т бизга эшигини ланг очиб турган бўлса-да, унинг ичкарасида қалбимизга нур индирадиган олам, жиллақурса, тирқиш борлигини билсак-да, киришга кўп-да шо-

шилмаяпмиз. Менимча, бунинг сабаби оддий: “ичкарида” биз кутган, биз ишонадиган, биз талпинадиган янгиликни топиш борасида ҳадиклар мўлдай...

Ақлимиз пешланаётган маҳалдаги бор ўй-хаёлимиз шул, дегим келяпти ҳозир. Аммо... манглайга нақш уриб битилган ёзилдиқ буни инкор этади дарҳол. Чунки изтироблар ичра йўқолиб кетиш хавфи олдиди “киприкдаги ёшдай” муаллақ турган навқирон ижодкор яхши англаши керакки, ҳар бир руҳий озурда қаламкаш ортида унга нажот кўзи билан тикилиб яшаётган минглаб ўқувчи, ҳақингиз кетса, майли, битта бўлсаям ўқувчи бор. Агар “Европа виждони” – Альбер Камю ўзи ёзган асарларни шахсий ҳаётида кечириб, қўлига қалам тутмаганида, ўпқонлардан чиқиб кета олмаганида эди, бугун миллионлаб муҳиби қалбининг туб-тубидаги дардли туғёнлари устига кул сеполмай, руҳий зўриқишлардан азоб тортиб, ҳаётнинг маънисизлик мантигини чақолмай енгилган, балки айримлари ўз жонига қасд қилган ҳам бўлар эди.

Адабиётдаги буюк дард, эзлиш, депрессия уни ўқиб ва ўқиб турган “томошабин”га қайсидир маънода таскин бериши табиий ҳодиса. Ўқирман руҳий эзлиш ва ёлғизликни ўз танасида яна-қайта ҳис қилиб, сўз дея аталмиш қудратли қурол ёрдамида ичидаги кўз очиб турган норизо вулқонни чиқариб юборибгина енгил тортиши мумкин. Шунинг учун ҳам, бирники – мингга, мингники – туманга, деган нақлга қулоқ тутсак, сизу биздаги изтироблар, ички норозилик кайфиятини сўзга солиб, қоғозга муҳрласак, у ўз нишонини топиши шубҳасиз.

Чидаган – яшайди. Чидаган – сўз қидиради. Чидаган – изтиробларни сўзга тизиб, уни енгади. Чидаган – ўзи каби чидайдиган, руҳи бақувват инсонларнинг кўпайишига ёрдам беради. Чидаган – ўзгаларни ҳам тарбиялай олади.

Бу борада гап кетганда, перулик адиб, Нобель мукофоти соҳиби Марио Варгас Льоса “Ёш романнавигса мактуб”ида навқирон адибларга қимматли насиҳат берганини эслаб ўтгим келади. У айтадики, ёзувчи бўлиш ҳақидаги қатъий қарорингиз, умрингизни шунга бағишлаш истаги ёзувчи сифатида фаолият бошлашингизнинг ягона шартидир. Тасаввурда воқеа-ҳодисалар ва одамларни, янги оламни яратмоққа интилиш қачон пайдо бўлади?

Менинг фикримча, жавоб битта – кимки ўзи яшаб турган воқелиқдан ўзгача бир олам яратиш тасаввурига берилиб кетган бўлса, демак, у атрофини ўраб турган реал дунёни қабул қила олмаяпти. Ахир, ҳаётдан мамнун, реал воқелиқда руҳан осойишта яшаётган одамга хаёлларга берилиб, ўткинчи саробга ўхшаш рўёларга вақтини кетказишнинг нима кераги бор? Ҳар бир даврда одамлар тўқима ҳаёт реалликка кўчишини орзу қилган. Бу – реал ҳаётнинг нусхаси эмас, унинг ниқоби, тўғрироғи, унинг орқа томони. Янада аниқроқ айтсак, реал ҳаётда эришилмаган хоҳиш-истакларнинг тасаввурда рўёбга чиқарилмоғидир.

Аслини олганда, ёзувчининг фантазияси, ижод иштиёқи замирида портлаш хавфи ётади. Кўпчилик буни ўйлаб ҳам кўрмаган, бизни ўраб турган дунёнинг асосини яширин тарзда яқсон қилаётган

ликларини ўзлари билмайдилар. Бошқа томондан қараганда, бу исёнкорликни хатарли деб атамоқ ҳам тўғри эмас: тасаввурда яратилган оламни реал оламга қарши қўйишда қандай хавф бўлиши мумкин? Бундай рақобатда қандай таҳдид бўлиши мумкин?

Бир қараганда – ҳеч қандай. Гап ўйин ҳақида кетяпти, тўғрими? Ўйинлар агар ўз чегарасидан чиқиб реал ҳаётга аралашиб кетмаса, одатда хавфсиз бўлади. Айтайлик, Дон Кихот ёки Бовари хоним ўжарлик билан бу чегарани тан олмаса ва бор кучи билан адабиётда тасвирланадиган ҳаётда қолса, у ҳолда яқуни фожиа билан тугайди. Оқибати – қаттиқ умидсизлик.

Шундай эса-да адабиётни, ижодни беозор ўйин деб бўлмайди. Адабиёт бу – ҳаётдан ботинан қоникмаслик маҳсули дегани, ўз навбатида бадиий тўқима ҳам норозилик кайфиятини уйғотади.

Зукко ўқувчи асарда тасвирланган ҳаётни гўё бошидан кечиради, масалан, Сервантес ва Флобер романларида тасвирланган воқеаларда қатнашгандай бўлади. Реал ҳаётга қайтар экан, уни теранроқ ҳис қила бошлайди. Унинг ночор ва иллатларга тўла эканини чуқурроқ англайди, ёзувчи тасвирлаган ҳаётдан кўра воқелик, жонли ҳаёт ўртамиёнадан ҳам пастроқ эканини билиб қолади.

Ҳа, бу мулоҳазалари билан адиб Марио Варгас Льоса сизу бизни шунчаки юпатыпти. Аммо шахсан мен унинг бу гапларни айтгунича, ёзгунича албатта муайян ҳолатни ўз бошидан кечирган, та-насида ҳис қилиб кўрган, деган яхши гумондаман.

Шундай экан, олдимиздан чиқадиган хар қандай муқаррар муаммога, ижодий турғунлик ва умуман пайт пойлаб турадиган юҳо мусибатларга таслим бўлиш йўқ!

Ё турмуш-ҳаёт, ё адабиёт деб эмас, иккисини бирдек десангиз ҳам қандай соз эди!

Ахир, ёзувчи, адабиётчи деган номингиз, номимиз бор...

Қаранг, шу гапларни ёзпману яна елкам устидаги аъзом икки қутбга бўлиниб, жангга киришмоқда: “Сен ҳали ўзингни ёзувчи санаяпсанми?..” “Ҳа, нима қипти?” “Сал камтарроқ бўлақол...”

Уларнинг баҳси тўхтамайди.

Мен эса, енгил ҳаводан тўйиб симириб бўлгач, хонам деразасини ёпаман. Қўл телефонимга келган янги хабарга кўзим тушади. Бир адабий дўстимнинг иддаоларга тўла иқрорномасини ўқишга тушаман. Кўз олдимда унинг ҳаётдан зада, тунд қиёфаси гавдаланади. Унинг нигоҳида поляк адиби Ян Парандовскийни кўраман ва... унинг маломатлари ичра фарқ бўламан.

“Ёзувчи” сўзини ҳозирги вақтда жуда қаттиқ суиистеъмом қиладилар, – дейди Ян Парандовский “Сўз кимёси”да. – Яқин-яқинларгача ёзувчи ва адабиётчи сўзларини қўллашда анчагина эҳтиёт бўлинар, камсуқумлик билан бу икки сўз ўртасидаги тафовутни сақлашга ҳаракат қилинар эди. “Ёзувчи” деганда алланечук рицарь унвонига сазовор бўлган олижаноб инсон тушунилар, “адабиётчи” деганда эса унинг қуролбардори назарда тутилар эди. Адабиётчи фурсати келганда ёзувчи деган фахрий номни қўлга киритиб қолишдан умидвор бўлмоғи мумкин эди.

Бу номни қўлга киритгандан кейин эса унга ҳам орттирма даража билан кучайиб борувчи таниқли, машҳур, йирик, довруқли, улуғ деган сифатлар қўлланарди. Агар бирор мардум, айниқса, ҳали қуйилиб улгурмаган бирор ёш-яланг ўзини “ёзувчи” деб атаса, бу мақтанчоқликка йўйиларди. Чунки у ўзини “ёзувчи” атаб, шу билан гўё адабиётга муқим кириб олгани, унда муайян ўрин тутишини эълон қилаётгандек туюларди. Шунинг учун “адабиётчи” деган таъриф билан кифояланган одам анча камтар, камсуқум ва олижаноб деб ҳисобланар, чунки бу сўз фақат касб-корнигина кўрсатар эди, холос. Ўзининг бирон бир касб-корга мансублигини айтишда ҳеч қанақа мутақаббирлик йўқ эди. Ҳозир эса, қўлига қалам ушлаганларнинг аксари бунақа камсуқумликдан анча узоқ туради ва чакки қилади...”

Ҳа, қаламқаш биродар!

Сизу биз, ҳозирги қирчиллама ёш остонасидаги авлод адабиёт аталмиш дор устида муаллақ турган дорбозга ўхшаймиз: ўнг томонимиз – ғам-ғуссага, депрессияга ботган, ташвишу руҳий ёлғизлик аталмиш юҳо чоҳи; сўлимиз эса олдимиздан чиқажак ундан-да баттар иллат – шухрат, машҳурлик аталмиш чоҳ. Биз эса қилдек нозик дор устида ҳайрону лол турибмиз. Мақсадимиз – адабиёт, инсон кўнгли томонга адл юриш! Бироқ мувозанатни салгина йўқотсак, икки чоҳдан бирига қулашимиз тайин...

Эҳтимол, ердалиқ чоғингиз эътибор бермагандирсиз, энди ўша юксакликда туриб бир қаранг-чи, оддий одамларни кузатинг-чи: улар орасида нақадар бах-

тиёрлари бор, кўзларида қувонч, мамнун қиёфалар.

Аммо нега сиз ва мен безовтамиз? Ичимизга чироқ ёкса ёришмайди. Ғамнок кўзларимиз бошқаларнинг қувончидан жиллақурса порламайди негадир. Бировларнинг ғамини ўз мусибатимиз деб биламиз...

Нима учун бундай?

Қалам аҳлининг ботини нега безовта ўй-хаёлларга, оғриқли дардларга тўла? Қалб исёни нега бунча кўп? Нимадан бунча изтироб чекамиз?

Саволимга бир адибимиз айтган гап жавоб бўлгандай: “Дард – ижодкорнинг юрагини ишга соладиган буюк куч, десак адашмаймиз. Унинг ўз қонуниятлари бор. Шу дарднинг ёғдуси ижод кишисини ўзига жодудай тортаверади”.

Дарвоқе, дард энди бизнинг умрбодлик жўрамыз! Шу дардга чалиниб бўлган эканмизки, депрессия, эзгинлик ва некбинлик, тушкунлик ва умидсизлик биз билан ёнма-ён яшайди. Мудом қалбимиз исёнга тўлиб ҳаёт кечирамиз.

Ёки умидсизликларимизнинг бош сабаби асл мақсадларимизни йўқотиб қўйганимизмикан? Ёки орзуларимиз эртароқ сароб бўлиб чиқдимми?

Энди, шу ҳолимизда ҳам – ҳар қандай муаммо қаршисида бошни тик кўтариб, қаламни маҳкам тутмоқ керак! Ҳатто, гапим аввалида айтган буюк фожиа – депсинишлар, ижодий турғунлик ва депрессия қаршисида ҳам мардонаворликни йўқотмаслик шарт.

Токи қалам синиб, ёза олмай қолгунга қадар бу бурчни адо этмоқ лозим.

Ёза олмай қолган кунимиз эса, Эрнест Ҳемингуэйнинг йўлини тутмоқ ҳам қўрқинчли эмасдир...

Йўқ, йўқ! Бундай нораво тақдирдан ўзи асрасин! Ундай демоқчи эмас эдим. Гарчи биз Ҳемингуэйдек қалам тебратсак ҳам, унингдек ижодий поғонага кўтарила олсак ҳам, интиҳода зинҳор-базинҳор у каби йўл тутмаслигимиз лозим.

Ижодкор қалби, фожиаларда тобланган қалблар ҳеч қачон, ҳеч нимага таслим бўлмаслиги шарт! Оркаш юрак сўз ва адабиёт учун доим уриб турсин-у, ғам-андуҳлар доришидан мудом ҳазир бўлсин.

Адабиёт майдонидаги тенгдошларимга шу қатъий хулоса ва ниятимни етказгим келди: фақат курашмоқ керак! Чўлпон “Кураш” деган шеърисида ҳайқирганидек, “Улуғ, қаттиқ ағдаргувчи бир кураш, / Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш, / Йўқ – яраш!..”





## *Shoir JONTEMIR mutolaa qiladi*

УВАЙС УСТОЗИМ

ШАВКАТ  
РАҲМОН



Шавкат Раҳмон Сайланма. Тошкент. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1997.

Шаҳрисабздан чиқиб кетганимдан бери елкамдан рюкзак тушмайди. Яқин танишлар “Уйингни ўзинг билан олиб юрасан”, деб ҳазил қилса, “Фақат ўзимни сиғдир-маслиги чатоқ-да”, дея кулиб кўяман. Ошналар “уйинг” деганича бор. Ичини ковласангиз, игнадан тортиб ҳаммом сочиққача топилади (фақат кафанлик йўқ, шуни ҳам солиб қўйган маъқулмикан денг. Эскилар кафанликка етгулик матони салла қилиб ўраб юрган-ку. Ахир, қаерда, қай ҳолатда, қачон жонинг чиқишини билмайсан киши). Шамолдек беқўним қалб бир жойда узоқ туролмагач, “тайинли макон отлиққа топилмас, пиёдага йўл бўлсин” замонида яшаётганингиздан кейин, на илож, орқалаб юрасиз-да бор бисотингизни. Нокамтарликка йўйманг-у, мен каби дунёни уй эмас, йўл деб билгувчиларга ундаги кўп нарсаларнинг аҳамияти йўқ аслида.

Ривоят қиладиларки, Исо алайҳиссаломнинг тароғи, косаси ва тўшанчиси бор экан, холос. Йўлда кетаётиб булоқ сувини кафтида ичаётган



кимсани учратади ва унга косасини тортиқ қилади. Яна озроқ юриб сочини бармоқларида тараётган кишини кўриб, тароғидан воз кечади. Охири дарахт соясида, майсалар узра ухлаб ётган одамга кўзи тушгач, тўшанчисини ҳам ҳадя этиб юборади.

Эскириб кетганига қарамай, рюкзагимдан воз кеч-маслигимнинг сабаби бор: сеvimли китобларимсиз туролмайман! Кун ё туннинг исталган палласи ўша китоблар соғинчимни қитиқлаб қолиши мумкин. Шу заҳоти топиб ўқимасам, ақлдан озаёзаман. Балки ишонмас-сиз, шахсий ҳужжатларим неча бор йўқолиб-топилади, лекин улар... Атиги иккита китоб бор ўзи йўлхалтамда (уни качкул деяқолай. Бунда маъно кучлироқ. Качкул – дарвешлар елкасида осиб юрадиган тўрва). Ўқийверганимдан сатрма-сатр ёд бўлиб, варақлари ҳилвираб қолган. Айниқса, мовий муқовалиси! Яқунлаган асаримни қайтиб қўлимга олмайман ҳисоб. Бу иккаласи эса нафақат сеvimли, балки руҳдош, маслақдошларим ҳамдир. Муаллифларига, уларнинг ҳақгўй, кенгфеъл, тоза виждон, юсак руҳиятига муҳаббат қўйганман. Ўзлари билан юз кўришмаганмиз, аммо кўришганлардан-да яхшироқ биламан қалбларини. Метрода, автобусда, пиёда кетяпманми, бекатда ўтирибманми, ижара уйдаи – ёнимда мен тушунган, муҳими, мени тушунадиган кадрдоним борлигини ҳис қилиб тураман. Сўзсиз тушуниш муҳаббатдан юқори даражат аслида, агар билсангиз! Уларни ҳозирги замонда тасаввур қилиб кўраман, яшай олармиди-йўқмиди, деб. Ёлғиз қолганда ҳеч кимга айтиб бўлмас маҳрам ишларимни гапириб бераман. Шеър ёзаётганимда ҳам шундоқ кўз олдимда туришади. Менимча, ёлғизликни хуш кўрувчиларнинг ҳаммасида шунақа увайс танишлар бор. Йўқса, одам ўз-ўзига дош бериши қийин.

Яқинда Рюноскэ Акутагаванинг “Ёлғизлик жаҳаннами” ҳикоясини ўқидим. Таржима анча бўш чиққан, назаримда, чунки русчасини ўқиган танишим менга жуда бошқача таърифлаган эди. Алҳол, ҳикоядан чиқарган хулосам жаҳаннам бўлмалари ичида энг даҳшатлиси – одам ёлғиз ташланадиган жой экан. Бошқа хоналарда ҳартугул қисматдошлар бўлади, бунда эса бўшлиқ ва сен! Менимча, ерда ҳам шундай даҳшатга гирифтор кимсалар учрайди. Кўпинча ижодкорларга “насиб” қилади бу азоб. Қачонки, сенда инонч-эйтиқод сўнгач, боя айтганимдек, увайс руҳдошларинг бўлмаса шу аҳволга тушасан. Ҳикоя муаллифининг нега ўз жонига қасд қилганини тушунгандайман. Хайриятки, мен ёлғиз эмасман. Жуда сиқилган вақтларим “Ажойиб кунларнинг бирида, уйғониб кетаман уйқудан...” дея шивирлаб қўяман. Руҳим ёмғирда ювилган қуш патларидек тозарайди. Мен бу уйғонишни ўлимдан кейинги туғилиш деб биламан. Келинг, яхшиси, елкамни қийиб юборган качқулимни ечсам-да, ундаги китоблардан бирига қандай меҳр қўйганим ҳақда сўзлаб берсам.

Бешинчи ё олтинчи синфда ўқийман. Шаҳрисабздан Қаршига кўчдик. Кўп китобларимни ўзим билан олиб келдим, шеър китобдан эса биттагина олгандим (качқулимдаги икки кадрдондан бири шу). Сабаби – ниҳо-



ятда саралаб ўқирдим шеърларни. У кезлар шеър ёзардимми-йўқми, эслолмайман; рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлмиш онамиз ўқиб берган китоблар сабаб асл адабиётдан бохабарлигим учунми, унча-мунча ёзиқлар дидимга ўтиравермасди. Адабиёт “икки карра икки – тўрт”дек жўн бўлмаслиги керак, деб ўйлардим болаларча қайсарлик билан.

Кунларнинг бирида синфдошим Фарҳоднинг компютерида расм кўриб қолдим денг. Сочлари майда ўрилган гўзал қизнинг сурати. Қиз бир ёнга хиёл қайрилиб турибди. Нигоҳи остида эса тўрт қатор шеър:

*Кел, яшириб қўйин сени  
Юракнинг энг чуқур ерига.  
Кейин сен ҳам яширгин мени  
Юракнинг энг чуқур ерига.  
Тополмасин бизларни биров.*

Бўлди. Бор-йўғи шу. Шеърни қайта-қайта ўқийман, қайта ва қайта. Ичимга чўғ тушди. Қаршидаги бор китоб дўконларни титиб чиқдим, муаллифини ахтариб. Йўқ! Интернетни ҳали тушунмайман, тушунадиганлардан сўрашга тортинаман. Аксига олиб илмга ташна бобомиз шарофати билан қўлtelefonим ҳам йўқ. Ягона нажоткор фикр “Тошкентдан топасан” бўлган. Кўнгил тоғдай ўсиб, пойтахтга бормоқ учун пул тўплашни кўринг энди. Синфдошларга қўшилиб ошхоналарга кирмайман, китоб дўконлари ёнидан чопқиллаб ўтиб кетаман (қулманг, китоб “жинни”сига оғир бу). Янги кийим олишдан ўзимни аранг тийиб, анча пул йиққанам эсимда. Тошкентда ўқийдиган қариндош билан режани пухталаб, эрталаб мактаб баҳона пойтахтга “сурдим”...

Ниҳоят, пешонасига “Нодир китоблар” деб ёзиб қўйилган дўкондан шоирнинг мовий муқовали, қип-қизил юрак ичидан оппоқ кабутар учиб чиқаётган сайланмасини топдик. Ўша лаҳзадаги севинчимни ҳозир сўз билан ифодалаб беролмайман. Очиб ўқишдан ўзимни амаллаб тийдим. Худди кўчада ўқиб қўйсам, истаган-кутган лаззат, ҳайратимни ололмайдигандек. Рост, шеър ёзмоқ учун аллақандай кайфият, ҳолат, муҳит керак бўлганидек, ўқимоқ учун ҳам худди шундай аура зарур! Йўқса, сатрлар остидаги юрак уришини эшитолмайсиз. Китобни качкулга солдиму ғизиллаб ортга қайтдим. Тонггача бедор бўлдим! Ухлатмади мени у китоб! Ҳаётимда иккинчи бор ШОИРга дуч келишим эди, ахир! Мен каби адабиётсевар учун бу катта ҳодиса. Бир-биридан кескир, бир-бирдан жанговар, бутунлай бошқача шеърлар Дамашқ қиличидек тўмтоқ тафаккурим қобиғини қиймалаб, ҳала-хула шоир кўтарилполмас меърожга олиб чиқиб қўйди руҳимни.

Ҳаммаси ўша тундан бошланди. Ўшандан бери качкуллимдан тушмайди бу китоб. Қўлда олиб юриш ҳам мумкин дерсиз. Қизғанаман. Биров кўриб, сўраб қолса-чи? Ҳа, ана шундай хасис китобхонлар ҳам учраб туради. Ижодкор, умуман ҳар қандай инсон тафаккури, қарашлари, тақдирини ўзгартириб юборадиган асарга умри давомида ҳеч йўқ бир марта дуч келиши муқаррар эканига тўла-тўқис ишонч ҳосил қилдим. Чунки дунёқарашимни ҳақиқатан янгилаб ташлади у. Адабий дид, сўз, унинг ин-

сон қалбига таъсири, ижодкорнинг олий маслаги ҳақидаги тасаввуримни тарбиялади. Минг афсуски, бу китобни ёзган шоир мен уни топган вақтда оламдан ўтган эди. Ҳечқиси йўқ, дейман ўзимга таскин бериб. Мана, сўзлари қолди-ку!

Ёзганларига қараб улар билан ичкин-ичкин суҳбат қураман. Асосан мен гапираман, улар эса муридани тинглаётган пирдек жим қулоқ солишади. Тўғри, ёшим улғайган сари классикларни ўқиш, баҳолиқудрат мағзини чақишни бошладим. Масалан, биргина Машрабнинг руҳиятимга улашган ҳайрати у иккаласиникидан юз чандон баланд. Бироқ улар “кўз очиб кўрганим”, илк устозларим.

Ҳаддан зиёд кўп ўйлайман: агар улар тирик бўлганида бугун бир жойда депсиниб, қадди букилиб қолган адабий жараён анча жонланармиди?! Адабиётдан шахсий манфаати учун фойдаланаётган виждонсотарлар юзи қизариб, ўзини четга олармиди?!

Ким нима деса десин, асл адабиётнинг дарбонлари бўлиши керак экан. Ўз даврида Абдулла Қаҳҳор шу вазифани бажарган. Озод Шарофиддинов, Шукур Холмирзаевлар ҳам. Мовий муқовали китоб муаллифининг ёнига шеър кўтариб кирган ҳаваскорлар бир вақтлар йиғлаб чиқиб кетган экан. Ўша вақтда хафа бўлишгандир, бугун миннатдор қиёфада ёшларга айтиб беришяпти-ку! Демак, асл адабиёт ана шундай қаттиққўл ҳимоячиларга ҳар доим муҳтож. Ҳозир биз ҳеч кимнинг нигоҳидан ҳайиқмайдиган бўлиб қолдик. Ҳа, ҳеч кимнинг! Ҳатто ўз виждонимиздан ҳам! Назми, насрми – билганимизча пала-партиш ёзиб ташляямиз. Сўз кечирармикан бизни?! Газеталарда икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш машқларни ўқиб, дилингиз хира бўлади. Саралаб, пўчоғидан мағзини ажратиб кўрсатадиган журналларнинг эса моддий аҳволи оғир. Миллат савияси, маърифатига масъул шахслар адабиётга тил учида эмас, юракдан қайишмас экан, қориндан бошқасини ўйламайдиган ибтидоий тўдага айланиб қолишимиз ҳеч гап эмас.


Сизни кўп интиқ қилдим, энди айтмасам бўлмас. Раҳматли шоиримиз Аъзам Ўқтамнинг “Чўлпон” шеърида “*Умримда бир марта кўрмаган зотни, / Соғинаман бағрим тупроққа босиб*” деган сатри бор. Мен ҳам ўзини кўрмай, бир бор суҳбатини олмай, аммо ўла-ўлгунча соғиниб ўтадиган одамларимдан бири, качулимдаги мовий муқовали китоб муаллифи, миллат шоири – ШАВКАТ РАҲМОН!

*...Агар етти қават ернинг қаърида  
ётсам-да, ларзага солиб ҳавони,  
элимнинг юрагин  
топар барибир  
жисмимни куйдириб учган овозим.*

Эй дарвеш, пирсиз йўлга кирма, дейди авлиёлар. Раҳнамо ва качкулсиз дарвешни мен тасаввур қилолмайман. Шавкат Раҳмон кўксини куйдириб чиққан ана шу зулфиқор ОВОЗ умрбод ҳамроҳим ва йўлбошчим менинг!

Қани, дарвеш, энди качулингни елканга илгину йўлга туш. Манзил ҳали узоқ, жуда ҳам узоқ...

## ГОДОНИНГ БЎРИСИ



**Жианна Молинали. Бу ерда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Тошкент, “Akademnashr”, 2020.**

Узлат истайди кўнгил! Ўзимни тафтиш қилиб олишим учун ҳашаматдан холи, умрдек нураб бораётган ҳужра зарур менга. Тавба, нега руҳий изтироб, кечинмалар учун кўҳна бошпаналар танланади қадимдан? Нега қаср ярамайди? Нега Яссавий ер остига кириб кетди – саройга эмас? Диоген нега бочкага қамалиб олди? Мураками нега уйдан деярли чиқмайди?..

“Бу ерда ҳамма нарса бўлиши мумкин” асари қаҳрамони ҳам касодга учраган фабрикани ихтиёр этади. У жараён ҳадемай тўхташи муқаррарлигини билади. Шунга қарамай, ҳамма ташлаб кетаётган, парчаланиб бораётган маконга кўчиб келмоқдан мақсад нима? Севмоқдан-чи? Иккинчи Робинзон бўлмоқчимиди ё? Алқисса, у – шу ерда.

Фабрика – ташқи муҳитдан ихоталанган ҳужра!

Фабрика – ўз-ўзинг билан суҳбатлашиш, хаёл суриш, фикрлашга имкон берадиган дунёдаги ягона тинч маскан.

Фабрика – ичкари. Ичкарининг ичкарисси. Яъни “жондин ичкари”. Навоий айтмоқчи, “жон пардаси” кўтарилсагина кўра оламузи ул маъво-ни? Балки Алифдир?! Шоҳ Машраб тақоррлаб юрган, Тагор Ганг дарёси бўйида кўзи тушиб ақлини йўқотаёзган, Достоевский жоди ёнида, Борхес қоплон терисидаги қора нуқтада кўрган Алиф! Илк романини ёзаётган Жианна Молинали Алиф ҳақида қаердан билди? Менинг китобни ўқиётган пайтдаги кайфиятимни-чи? Тушкун эдим. Яқинда беморхонадан чиққанамга қарамай оғриқдан букчайиб юрган, етмаганига мириқиб шеър ёзолмаётган (энг даҳшати шу!) ва бунинг таъсирида умидсизлик ўрасига кулаб, “Одам ўзини олтинчи қават деразасидан ташласа, аниқ ўладими?” деган савол ғалтагига чувалашиб қолгандим. Олтинчи бармоққа ўхшайди бу. Борсан-у, лекин ҳеч қандай вазифа бажармайсан. Худди Жианнанинг романидаги осмондан тушган одам каби.

...Осмондан тушган одам аъмоли ҳаммамизнинг пешонамизда бор. Номаълум қабрда ётибди у. Қай биримиз осмондан тушмаганми?! Осмондан тушганлар, осмондан тушганини унутганлар учун мудом қизиқ. Одам болалари бир умр қайтиш йўлини излаб ўтишга маҳқум...

Фабрикада бўри оралайди. Ораламайди, тахмин қилади ошпаз бўри юрганини. Дейдики: бўрини кўрдим, ўз кўзларим билан кўрдим! Ваҳима бошланади. Бўри – фабрика бошлиғининг сўниб қолган ғажурини уйғотиб юборадиган туртки. Айнан бўри ҳаммасини: ошпаз, бошлиқ, қоровул, фабрика, ватан, миллат – дунёни янгилаб юбора олиш қудратига эга КУЧ. Лекин аввал уни топиш керак!

Қани у?

...Ижара уйим хоналарида изғийман гаранг. Каравот тагига қарайман: “Қани у?” Бўри, дейман тишларим ғичирлаб, менга ҳам кер-рак-сан! Қорангни кўрсат. Чаппарилиб қолган тошбақадай руҳимни ўнгар. Ўттиз йилдан бери чалмасига ботиб ётган вужудни қўзғат. Ёриб ташла ё!

Годога ўхшайди бўри. Уни интиқ кутадилар. Кўриниш бермайди ҳатто. “Чўл бўриси” каби ҳамманинг ичида яшайсанми ё? Унда нега уни реал-

лаштиришди? Нега унга тузоқ қўйиб, чоҳ қазिशди? Агар бўри келса, фабрикадаги ланжликни ғажиб ташлай олармиди?

Ва жонивор тўсатдан қаҳрамон хонасида пайдо бўлди. Тахайюлда. Тасаввур яратган ҳодиса хаёлотда моддийлашиб, нигоҳ қадалган ерда намоён бўлади. Энди бўри кўрқинчли эмас, аввал ҳам фақат қизиқарли, сирли эди. Дарвоқе, бор-йўғи ахлаттитар бўри бўлсаю ундан хавфсираш керакми? Овқат қолдиқлари билан озиқланувчи бўрини тасаввур қила оласизми? Ҳа, қачонки у чиқиндихонада туғилган бўлса!

Назар Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити” ҳикоясидаги дайди итга эврилган ходим каби, бу қаҳрамон ҳам бўри билан учрашувдан кейин фабрикадан чиққанда, одамлар унда бўрини, бўри билан бирга яшаётган одамни кўришаётганини сезиб қолади. Лекин бўри ундан бошқа на ошпаз, на бошлиққа кўринди. Чунки уларда ишонч, фабрикани – дунёларини, кўҳна дунёларини асраб қола оладиган ҳиссиётлар ўлиб бўлган эди аллақачон...

Олтинчи қават деразасидан кекса чинор япроқларига тикиламан. Қизик, дарахт жонидан тўйса нима қилади?

...Бўри эса энди бемалол кезиб юрибди ичкарида!

### ҲАЙРАТ

**Явдат ИЛЁСОВ. Илон авровчи. Тошкент, “O‘zbekiston”, 2011.**

Мени ҳайратга солиш қийин. Тўхтовсиз ўқийверганингиз сари ҳайратингиз сўниб борармикан ё? Ҳеч нарсадан беҳабар кишига, балиқ ҳам нафас олади, десангиз ёқа ушлайди. Аммо изланувчан олим ҳам ёмғир ёғишию қуёш чиқишидан ҳайратланади-ку. Синчков ўқувчининг “оғзини очириб” кўядиган асар битиш эса энг мушкулдир.



Гапнинг лўндаси, Явдат Илёсовнинг “Илон авровчи” романи ҳаммамиз таниган, тўғрироғи, фақат тўртта рубойиси ва исминигина билган Умар Хайём ҳақида. Тарихий шахс тўғрисида китоб ёзиш – эртак тўқиш дегани эмаслигини айтмасам ҳам яхши биласиз. Явдат Илёсовнинг ижодий ёндашуви эса ақлимни довдиратиб қўйгани рост. Нега унинг ёзганлари файласуфона? Нега исталган жумлани олиб, бугунга қиёсласангиз, тушаверади? Бунча кенг кўламли билим қандай қилиб бир одам миясига сиғиши мумкин? Қачон шунча маълумотни ўқиб, эслаб қолишга улгурган у?.. Савол кетидан савол туғилаверади. Саҳифадан саҳифага кўчар экансиз, муаллиф ўрганиб чиққан юзлаб кўҳна асарлар, буюк олимлар, шоҳлар ҳаёти, ўша давр манзаралари кўз олдингиздан бош-кети кўринмас карвондек ўтиб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Ва беихтиёр ўз-ўзингизга шивирлайсиз бояги саволга жавоб бераётгандек: ҳаммасининг замирида изланиш ётибди, изланиш. Сен-чи? Чайнаб берилган луқмани ҳам ютишга эринасан...

*“Умар 10 ёшга тўлди – Хуфу (Хеопс) эҳроми қурилганига 3880 йил бўлди. Ашшурбанипал амри билан жамланган битиклар хазинаси бундан 1670 йил муқаддам йўқ бўлиб кетди. Арасту 1380 йил илғари оламдан*

ўтди. Улуғбек 336 йил кейин таваллуд топади. Жордано Брунони 542 йилдан сўнг ўтда қўйдирадлар...” – маълумотлар занжиридан ўзингизни йўқотиб қўймадингизми? Бу ҳали ҳолва! Шумерлар, аккадлар, массагетлар, курдлар, саклар, турклару форслар – ер юзидаги ўнлаб миллату элатлар тарихидан бохабар ёзувчи сизни ҳали кўп талмовсиратиб қўяди. Айтганча, “Сўғдиёна”, “Олачипор ажал” романларини ўқиганмисиз адибнинг? Биргина Умар Хайём учун тўплаган маълумотларининг ўзи ўнлаб тарихшуносга юк!

Умарни нафақат тенгдошлари, ҳатто онаси ҳам унча хушламасди, деб ёзади муаллиф. Чунки у ҳеч кимга ўхшамасди. Шоир эди у, олим эди у, файласуф эди, аммо одамлардек ҳаёт кечиришни эпломасди. “Одамлик шоирни эзиб қўяди” дейди Платонов...

Нишопурда қаттиқ сиқувга олинаввергач, устози йўлланмаси билан Мовароуннаҳрга – Абу Тоҳир Алак ҳузурига йўл олди Хайём. Қозиюл куззот ҳомийлигида риёзатдаги чалкаш муаммолар ечимига доир рисола битди. Ҳайратланарлиси, Явдат Илёсов рисолаи Хайём билан бирга қоғозга туширади гўё. Ана шу ерда унинг математика, ҳисоб-китоб илмидан нақадар яхши хабардор эканини кўрасиз. У баъзи уқувсиз ёзувчилардек асари қахрамонини у табиб эди, деб таърифлаш билан чекланмай, доривор ўсимликлар, синиқ солиш, инсон аъзолари ва ҳоказоларни пухта ўрганиб чиқади. Шунинг учун ҳам ёзгани ишонарли, табиий чиқади.

Оҳ, Хайём, Хайём! Сен ҳақингда ҳечвақо билмас ақлимдан уялиб кетяпман. Нега бизда сенинг, Берунийнинг, Замахшарий, Ибн Сино, Форобийнинг асарлари ўқитилмайди? Нега асарларинг китоб расталарида йўқ (Хайёмдан “Наврўзнома” ва рубоийларнигина ўзбек тилида кўрганман)?

Явдат Илёсов Хайём орқали яна бир ҳақиқат – истеъдод маърифатли ҳомийга муҳтожлигини исботлаб беради. Истеъдодли бўлмақнинг ўзи кифоя эмас. Истеъдод эгасини қорин ғамидан қутқарувчи шеримард ҳам керак. Фирдавсий шу қадар бой эдики, 25 йил мобайнида бир асар устида муттасил ишлади. Агар у камбағал бўлганида “Шоҳнома” қаёқда эди? Қозиюл куззотдай ҳомий бўлмаганида рисола қаёқда эди?!

Улуғ “Сиёсатнома” асари муаллифи, вазир Низомулмулк султон Маликшоҳни кўндириб, Хайёмни янги тақвим тузмоқ учун Исфохонга чақириб олади. Олим бир умрлик орзуси – расадхона қуришни бошлаб юборади. Ахир, юлдузлар ҳаракатини ўрганмай янги тақвим тузиб бўлурми? Эскини янгиламоқ – олимлар иши. Ер юзидаги жамики тирик мавжудот ривожланишга (янгилашиб бориш) маҳкум. Яраткилар ичида одам ўзгаришга энг мойилидир. Йўқса, дарахт ҳам исён кўтарган бўларди одамзод каби.

Дарвоқе, одамзод! Илоҳий қонунларни бузишга фақат у мойил. Балки, бу эркаликдандир? Тангри ҳам кечириб юбораверади ёки сўнги кунга олиб қўяди жазони. Назаримда, ўзгармас қонунларни ўзгартиришга ҳаракат – шаккоклик эмас, янгилашиб эҳтиёжидан келиб чиқади. Одам ва Ҳавво бошлаб берган буни бизга. Тақиқ мевасини еб кўриш, китобларда қайта-қайта таъкидланганидек, фақатгина нафсга боғлиқ бўлмай, эҳтимол, муваққат темир қоида, эски чегараларни кенгайтиришга уриниш истаги билан ҳам боғлиқдир. Зардўштиликни олайлик. Моҳиятида янги – комил одам ғояси ётади. Файласуф Нитшенинг “Зардўшт таваллоси”

асари ҳам айнан шу ғояга қурилган. Яъни ер ва ердаги одам ўзидан, ўзига ўхшаган одамлар ва бир хил кечаётган ҳаёт тарзидан зерикади. Ерга янги одам келишини – янгилинишни истади! Ҳатто бу янгилиниш даҳшатли фожиа эвазига бўлса ҳам!

Эсхил “Прометей” асарида ҳам шу фикрни ўртага ташлайди. Прометей айтадики: Зевс одамларни зулматда қириб ташлаб, янги одам яратмоқчи эди, мен эса (Худолар Худосига бўйсунмай!) фонийларга (одамлар) олов ҳадя этдим... Нега Эсхил зулматдаги одамларни “қириб юбориш”ни истамади?! Шу ерда “Шайтоннинг Тангрига исёни” драмасы эсга тушади. Фитратнинг “шайтон”и Эсхилнинг “Прометей”и каби Тангрисига исён кўтаради. Гётенинг “Фауст”ини ҳам қўшиш мумкин шу сирага. Бу ўхшашликлар алоҳида илмий изланишни талаб қилади... Нуҳ ва Лут пайғамбарлар ҳам Яратгандан қавмларини қириб ташлашни ёлвориб сўрайди. Мақсад ўша – янги одам! Исонинг ерга қайтиши ҳам шу ғояга боғлиқдек гўё. Негаки, у осмондан ерга тушган иккинчи Одам бўлади ўшанда! Демак, одам мавжуд тузумдан эмас, ўзидан зерикади. Ҳар доим шундай бўлган. Мумкинми, мумкин эмасми – аҳамияти йўқ, янгиланса бўлди – ҳар қандай тўсиқни бузиб ўтишга тиришади у! Чунки унда қўрқувдан кўра, янгилинишга бўлган эҳтиёж, ташналик устувор. Ҳар қандай исён замирида кечагидан ўзгачалик истаги яширин. Масалан, санъатда айнан шундай! Камю исён психологиясида ижодкор тўғридан-тўғри Тангри билан баҳсга киришади дейди. Мен эса “Қандай яратилган бўлса, шундай ўлим топишни истамайдиган мавжудот – ижодкор” дейман. Ахир, У билан баҳсга киришиш ғирт аҳмоқлик экани ақли бор киши учун кундек равшан-ку! Хайём ана шундай ЯНГИ ОДАМлардан бири эди. Уни Тангри инсоният тафаккурини янги босқичга кўтариш учун ерга юборган эди: “Худо рўйи заминда ўзи суҳбат қурадиган одамлар бўлсин учун истеъдодларни яратмиш”.

Китобни ўқиб чиққанимга уч йилдан ошди-ю, ҳамон унинг таъсиридаман. Олимни қадрламаган сарой, кимнинг замондоши эканини фаҳмламаган оломон, дунёвий илм, янгиликка тиш-тирноғи билан қарши “бошлари енгилу кетлари зил-замбил” мутаассиб дин пешволарининг қилмишлари ичимни тирнайверади. Хайёмдан бошқа қай бирингиз яшаб қолдингиз, эй нодонлар?!


Сўзимни эса китобдан олинган сўнгги парча билан яқунламоқчиман: “...Оломон орасини шодон ёриб ўтиб борар экансан, ҳарҳолда эҳтиёт бўл: Ибн Синони туртиб юборишинг, Фирдавсийга қаттиқ тегиб кетишинг, Абу Райҳон Беруний пойини босиб олишинг мумкин”.

### АСЛИДА БИТТАДИР ЮРАКНИНГ ШАКЛИ

Фахриёр. Излам. Тошкент, “Akademnashr”, 2017.

*Қайда яшамасин одамзод, асли,  
Сангжумон, Румо ё Тошканд,  
Аслида биттадир юракнинг шакли:  
Юрак эрка ихтисослашган!*

Эрк! Ҳамма инсон эмас, айнан туғма ижодкорга ёпишган орзу, этиб бўлмас меърож. Эрк! Боқилаётган кўчқор учун қассобнинг



ханжари. Ижодкор учун ноҳақлик! Ноҳақликларсиз эрк ҳеч нима эмас. Эркпараст – оёқли вулқон! У портламоқ учун ўта кучли ноҳақликни излаб юради.

*Умуман, рўй бермас воқеа,  
Рўй бергучи менман, умуман.  
Мени излаб юрар моҳият,  
Қолип излаб юрар беғумон.  
Қофиялар қилади таъқиб,  
Бўғмоқ учун шайланар бўғин.  
Пойлаб турар қайдадир тақиқ,  
Қўтарғизар қайдадир туғин.  
Мен улардан қочайин қайга?  
Қай жанубга кетайин учиб?  
Бирор кимса кутмаган жойда  
Тўсатдан рўй бермоқлик учун!*

“Тўсатдан рўй бермоқ учун” неча йил керак?!

Изма-из қувиб юрган қолиплардан қутулиш учун-чи?! Балки қолипга қолип кийгизиш керакдир?! Балки ЭРК ҳам қолипдир аслида!

Эрк! Шароб! Вазнсизлик ҳолати жонга тегди! Ҳа, жонга! Қолипсизлик ҳолати керак менга!

*Кимнинг жилмайишин олдим ўғирлаб?  
Кимнинг табассумин тортдим юзимга?  
Беғона табассум сиғмади, зўрлаб  
Тортавердим уни лекин ўзимча.  
Фалокат кўрсатди шунда бўй-энин:  
Бир чети йиртилди табассумнинг “шарт”.  
Сири фош этилган жосусдай мени  
Бехос таниб қолди излаб юрган дард.*

Хўш? Юзимдаги сохта жилмайиш кимники?! Кимники-и-и?!


Аммо у барибир изтиробимни бутунлай қоплаб ололмапти!

Излаганим ЭРК, аммо бехосдан таниб қолишларидан, йўқ, ўз-ўзимни, аслимни тан олишдан чўчийман! Жим!

*“Бу ёғи баҳордир, баҳор бешафқат”...  
“Энди яшаб бўлмас гулларни топтаб”...  
Энди ЎЗИМни топтаб яшайман, бешафқат!*

Юрак эрка эмас, эрк юракка... муҳтож!

Кўчаларда, автобус, маҳкама, дўкон, бозор, университет – ҳамма жойда топталиб ётибди ЭРК! Уни шахсийлаштириб, жонлантириб олмаққа ЮРАКЛАР керак! Туғма юрак бўлиб туғилган юраклар...



### **БЎШ ҚОЛГАН ҚОҒОЗ**

**Мирзакалон Жўраев. Мажнун. Тошкент, “Камолот”, 2000.**

Янги ижарахонам шаҳар чеккасидаги катта йўл ёқасида. Ойнани ёпсангиз – дим, очсангиз – шовқин. Тинчликка ўрганган қулоқ шўрига шўрва. Хоналар, айниқса, ошхона ҳаётимдан-да бетартиб. Тозалик бу уйдагилар учун тарих қатида қолиб кетган архаик сўз;



камига мушук боқишади. Кўчада эса улардан озода киши йўқ. Мирзакалон Жўраевнинг Зиёси шу уйда яшай олармиди?

Ярим тунда соат ўн икки-икки оралиғида келаман. Ошхона адоғидаги кичик бўлмага ўтиб, тонггача қоғозга дардимни тўкиб соламан. “Мажнун” ҳақда ўйлайман. Муаллиф нега айнан “Мажнун” деб номлади романи? Рост, ном билан асар ўртасида боғлиқлик йўқ – худди менинг тушдаги ва ҳушдаги ҳаётим каби. Лекин ажиб роман бу... Платонов ифода йўлида ёзилган ушбу асар қаҳрамони Зиё айнан мен эмаслигимга ҳеч ким ишонтиролмади! Каминадан фарқли томони, алоҳида ёлғиз яшашга ижара уйи бор, холос.

“Мажнун” ҳақида илк бор ёзувчи жўрам Шербекдан эшитганман. Дамарикда яшардик у кезлар. Эшитган кунимоқ топиб келганман. Оғзимиздан сўлагимиз оқиб ўқиб чиққанмиз. Шоир аслида битта шеър битмоқ учун дунёга келганидек, ёзувчи ҳам биттагина асар ёзмоқ учун бир умр чиранса керак. Лекин Мирзакалон Жўраев ёзувчи эмасди-да! Унинг бирор ҳикоясида ҳам ёзувчилигини сезмайсиз. Ёзувчилик юкини кўтармай қалам тебратадиганларга ҳавас қиламан. Масалан, Анна Франк шу сирадан...

Ойнани очдим. Юкмашина кучаниб ўтяпти. Дайди ит ниманидир ғажияпти дарахт тагида. Одам йўқ. Қоғозларим ёнига қайтаман. “Фородам” ҳақида шеър ёзмоқчиман. “Мажнун”даги Зиёни шундай номлаб олганман. Қоғозга туширсам бас. Аммо дангаса томирим тутяпти. Хаёлингизда пишиб етилаётган шеърни матн ҳолига келтириб берадиган қурилма яратилмаганми? Унданам яхшиси – тўлқинтутгич! Шоир тахайюлидаги шеърни тўлқин кўринишида тарқатади, ўқувчилар уни тутиб олади. Чалғидим. Қоғоз бўш қолди. Соат уч. Ҳаво салқин...

Яна юкмашина ўтди. Ойнани ёпишга эриняпман. Осмон оқарган сари шовқин зўрайиб бораркан. Эрта ётиб, субҳ пайти ёзгин, дерди бобом. Субҳ, субҳи содиқ. Ёқимли сўз. Лекин қоғоз бўш қолди.

У келди! Нафас олишим тобора қийинлашяпти. Мўмиёлаб ташлангандек кимирлолмайман. Гапирсанг-чи, нима керак ўзи? Янги жойга кўниқолмаясанми? Ёлғизлигим бадинга урдими ё? Зиёни бошқариб юрган шарпа сенмидинг? Мажнунни олиб юрган руҳ-чи? Зиё ўлмагани учун муаллиф ўлди. Мирзакалон Жўраев “Мажнун” охирида қаҳрамонни ўлдириши керак эди! Бало ўзига урди. Биринчи ва охириги роман – “Мажнун”. Кет, кет! Булбулдан ҳам содиқ у шарпа. Болалигимдан бери мен билан бирга. Келса, бир амаллаб ўрмалаб бориб, бобом қўйнига кириб олардим. Энди бобом йўқ. Қўрқмай қўйганман. Ҳали ҳам устимда. Шовқин асабимга тегяпти. Ҳой, ёрил; ё кет! Фородам. Оҳ, ниҳоят, бутунлай ичимга ботиб кетди...

Нур! Уйқу кўрмаган кўзга тушган нур – уюшиб қолган оёққа урилган калтакдек азоб беради. Оёқ остим ёрилиб, ер ютадигандек. Кўзимни юммасликка уринаман. Кўзгу. Унинг намланган юзига бармоғим билан ёздим:

“Фородам”.

Қоғоз барибир бўш қолди.





## Zamonu makon tanlamas qadriyat

Адолат – замону макон танламас олий қадрият. Қаердаки адолат устувор бўлса, ўша жойда тараққиёт ва фаровонлик бўлади, фуқароларнинг эртанги кунга ишончи ортади, юртга файзу барака келади, меҳр-оқибат туйғулари кучаяди. Ҳақиқат сари интилиш, адолат ҳукмрон бўлган жамиятда яшаш асрлар мобайнида ҳар бир халқнинг орзуси бўлиб келган.

Адолат арабча сўз бўлиб, тўғрилиқ, одиллик, шунингдек, ҳақиқатнинг барча учун баробар бўлиши ва унинг барча тамойилларига амал қилинишини англатади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “одиллик, яъни одилона иш тутишдир” деб тавсифланади. Адолат инсоф билан иш тутиш, меъёрни сақлаш қабилида ҳам талқин қилинади.

Ислому уламоларининг фикрича, у икки тоифа бўлади: инсон ва Яратган ўртасидаги ҳамда инсонлараро адолат. Адолат, аввало, банданинг ёлғиз Оллоҳга имон келтириши ва унгагина ибодат қилишини англатади. Инсонлараро адолат эса бир-бирига зулм қилмаслик, ўзаро ёрдам беришда намоён бўлади.

Адолат фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий категория, ахлоқий-маънавий тушунча ҳисобланади. У нафақат алоҳида кишилар, балки жамоа, ижтимоий гуруҳлар, жамиятни ҳам характерлайдиган тушунчалар сирасига киради. Ижтимоий ҳаётдаги барча муносабатлар, жумладан, инсон ва жамият, инсон ва инсон, инсон ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги робиталарнинг ҳақиқат, тенглик идеалларига қай даражада мос келишини белгилайдиган мезон ҳам удир.

Адолат ҳамisha юксак маънавий қадрият сифатида баҳоланган; унга оид тасаввурлар ҳам инсон илк ижтимоий муносабатларга киришган даврлардан бошланган. Зардушт “арта” тушунчаси ёрдамида уни адолатсизликнинг зидди ўлароқ ифодалаган бўлса, Арасту адолатга оид тушунчаларни тизимга солишга ҳаракат қилган. Форобий эса асосан ҳуқуқий категория сифатида талқин этган.

Афлотуннинг “Республика” асарида жамият аъзолари уч синфга бўлинади: биринчи табақа – шоҳлар ва вазирлар доно ва билимли, албатта адолатпарвар бўлмоғи, қонунлар орқали адолат ўрнатмоғи лозим; иккинчи табақа – аскарлар жасурликни ўзлари учун мезон қилиб олиши ва биринчи тоифага сўзсиз бўйсунуши керак; учинчи тоифа – деҳқон ва қосиблар эса ишлаб чиқаришни таъминловчи табақа ҳисобланган. Афлотун адолатни инсоний фазилатларнинг бир қисми ва одамларни боғлайдиган ижтимоий ришта деб таърифлайди.

Ўрта асрларда Фома Аквинский каби илоҳиётшунослар адолатни диний ракурсда таҳлил қилиб, уни инсоннинг ўз ҳаётини Худога хизмат қилиш билан боғлаши деб тушунтиради (*Аквинский Ф. Дискуссионные вопросы о душе. Москва, 2017. Стр. 408*).

XVIII асрга келиб адолат асосан ижтимоий тенглик тушунчаси билан боғланган. Бугун эса бу категория кўпгина файласуфлар талқинида ижтимоий муносабатлардаги одилликни ифодаловчи тушунчага айланди.

Адолат жамиятда бир қанча функцияларни бажаради. Жумладан, барча ижтимоий муносабатларнинг мақсадга мувофиқлиги, турли ижтимоий гуруҳлар, шахсларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниши, улар ўртасидаги мувозанат ва меъёр, ижтимоий ҳимояни таъминлайди; мулкчилик муносабатларини тартибга солади; фуқаролар эрк ва ҳуқуқини ҳимоялаш мезони вазифасини бажаради; тараққиётга тўсиқ бўладиган иллатларни бартараф этиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади.

Адолатнинг ҳуқуқий жиҳати маънавий ришта билан туташ. Бироқ ижтимоий-фалсафий қиррани ҳам маънавий жиҳатдан айриб бўлмайди. Чунки жамият аъзоларининг ўзаро тенг муносабатда бўлишини уларнинг инсоний фазилатлари таъминлаб беради. Ҳуқуқий жиҳатдан ҳам шундай: инсон қонун-қоидаларни ҳурмат қилган, ўз масъулиятини англаган ҳолдагина уларга бўйсунди.

Адолатпарварлик инсоннинг соғлом маънавий қиёфаси белгиси ҳисобланади. Адолат ўз вазифасини бажариш асносида ижтимоий қадрият мақоми олиди.

Инсон қандай ҳолатда ижтимоийлашади? Аввало, у ўзи учун зарур бўлган товар ва неъматларни яратади ёки уларни бошқа турдаги меҳнат маҳсулига айирбошлайди. Мана шу нуқтада у истаса-истамаса жамият қонун-қоидалари билан тўқнашади. Бу жараёнда иқтисодий ҳуқуқларининг таъминлиниши, тенглик амалга оширилиши ижтимоий адолатдир.

Инсон соғлиғи ҳақида қайғуради, таълим олади – бу жамият ва миллат учун ҳам керак. Яъни ҳар бир давлат ўз равнақи учун фуқароларининг соғлом ва маърифатли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади. Бунда у, фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, ҳамма учун имкониятлар тенглигини яратишга интилади; бу эса соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳасидаги ижтимоий адолатнинг қай даражада йўлга қўйилгани билан боғлиқ.

Қонун ва тартиблар билан белгиланган ҳуқуқий-ижтимоий адолат ҳам мавжуд. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган, имконияти чекланган фуқароларни

қўллаб-қувватлаш каби ҳолатларда ижтимоий адолат тамойиллари юзага чиқади.

Ижтимоий адолат БМТ томонидан муҳим гуманистик қадрият сифатида эътироф этилган. Шу боис ҳар йили 20 февраль Халқаро ижтимоий адолат куни сифатида нишонланади. Ижтимоий адолат замирида инсон қадрини улуглаш ётади. Инсон адолатни қадрлайди, зеро, у ўзи учун ҳақиқат деб билган нарсани қадриятга айлантиради. Лекин “мақсад ва манфаатларнинг ифода этилишида адолат мезонининг ўлчови ҳаммада ҳар хил, айрим ҳолларда бир-бирига мутлақо зид бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, бу оламни ҳаммиша икки қутб нуқтаи назаридан баҳолаб келганмиз. Унда ҳар доим икки қарама-қарши куч кураш олиб боради” (Ахророва Ш. *Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўрни. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати*). Демак, адолат шахсий қадрият сифатида нисбий тушунча. Жамиятнинг кучи ана шу идеалларни бирлаштиришда кўринади. Адолат эса тенгликка асосланиб, кўпчилик манфаатини ифода этиши лозим.

Умид ИНАТОВ,  
тадқиқотчи

## Sinkretizm nima?

Кўп асрлар давомида дин Марказий Осиё жамияти маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Минтақадаги диний қарашларнинг асосий хусусияти синкретизм – турли хил эътиқодлар ва қадриятлар уйғунлигидир.

Минтақа ўзининг географик ва геосиёсий ўрни тўғрисида турли цивилизация ва маданиятлар, шунингдек, диний қарашлар ҳамда эътиқодлар ўртасидаги учрашув ва мулоқот жойига айланган.

Турли маданият ва конфессиялар вориси бўлган Марказий Осиё халқлари бугун ҳам Осиё ва Европа унсурларини ўзида мужассам этган ноёб маданий мозаикани ташкил этади. Минтақада деярли барча динлар, жумладан, зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, насронийлик ва ислом ривожланган. Давлат дини қолган таълимот ва оқимларни сиқиб чиқарган бошқа мамлакатлар билан солиштириганда, бу ерда барча динлар тинч-тотув яшаганини кўриш мумкин.

Буддавийлик Марказий Осиё халқлари ўртасидаги тарихий-маданий алоқаларда катта роль ўйнаб, нафақат ижтимоий тараққиётга, балки фалсафий ғояларнинг тарқалишига ҳам таъсир кўрсатди.

Минтақа халқлари буддавийлик динини илк ўрта асрларда, Кушон подшоҳлиги даврида қабул қила бошлаган. Подшо Канишка Биринчи даврида буддавийликка алоҳида эътибор берилди. Бу даврда Кушонлар давлатининг чегараси Шарқий Ҳиндистондан Марказий Осиёгача, шу жумладан, Шарқий Туркистоннинг айрим ҳудудларигача чўзилган (Б.Фофуров. *Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Душанбе, 1989. Стр. 214 – 217*).

Ҳудудда буддавийлик билан бир қаторда зардуштийлик ҳам ривожланган. Кўпгина олим ва тадқиқотчилар Марказий Осиё, хусусан, қадимги Хоразмни зардуштийлик ватани деб ҳисоблайди. Археологик тадқиқотлар зардуштийлик таълимоти ва унинг оловга сиғиниш анъаналарини ибтидоий хоразмликларнинг диний қарашлари билан боғлайди. Ушбу динда табиат ва у инъом этган неъматлар юксак қадрланган. Зардуштийликнинг асосий ахлоқий талаби ҳаётни асраб-авайлаш ва ёвузликка қарши кураш эди.

Монийлик зардуштийлик ва буддавийликдан бир қатор қарашларни ўзлаштириб, Марказий Осиёда ўз ўрнини топди. Бу эътиқод икки қарама-қар

ши тамойил – яхшилик ва ёмонликнинг табиатда ҳамда инсон қалбида ўзаро кураш олиб бориши ғоясини илгари суради.

Марказий Осиё аҳолиси орасида монийликнинг тарқалиши ҳақида кўплаб фактлар мавжуд. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ёзганидек, “Мусулмон бўлмаган дунёга келсак, Хитой, Тибет ва Ҳиндистоннинг бир қисми аҳолиси бўлган шарқий туркларнинг кўпчилиги Моний ва унинг таълимотига эътиқод қилади” (Абу Райҳон Беруний. *Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, 1957. 213-бет*).

Марказий Осиёда шакланган диний бағрикенглик маконига мазлум насронийларнинг кўчиб келиши ҳам ажабланарли ҳол эмас. Бу ерга келган биринчи насронийлар Шарқий Сурия (несторианлар), Ғарбий Сурия (якобитлар), шунингдек, православ мелкит черковларига қарашли эди. IV – V асрларда улар Византия томонидан таъқиб қилиниб, кейинчалик Шарққа кўчишга мажбур бўлган ва Марказий Осиёда қўниб толган. Марв епископлиги ҳақида биринчи эслатма милодий 334 йилга тўғри келади. Сосонийлар ҳукмронлигидаги Эрон маданияти марказларидан бири бўлган Марвда XI асрда православ митрополити хизмат қилган. Самарқандда эса XIII асрда несториан митрополитининг қароргоҳи бўлган (*В.Бартольд. О христианстве в Туркестане в домонгольский период. Москва, 1928. Стр. 514*).

Марказий Осиёда бошқа диндорлар орасида яҳудийлар жамоаси ҳам ўз ўрнини топди. Яҳудийлар Марказий Осиёга милоддан аввалги V асрда келиб ўрнашган. Уларга оид биринчи археологик далиллар 1954 йилда Туркменистонда – Марв ва Байрамалида олиб борилган қазималар пайтида топилган. Улар қадимги ибодатхоналар қолдиқлари ва яҳудий ёзувлари ҳамда исмлари бўлган кулчилик парчаларидан иборат эди. Бу топилмаларнинг барчаси милоддан аввалги II ва I асрга, яъни Юнон-Бақтрия ва Парфия подшоликлари даврига тўғри келади (*М.Дегтяр. Евреи Узбекистана – конец эпохи. <https://www.cac.org.ru>*).

Диний симбиоз ва бағрикенглик ғоялари минтақада ислом таълимотининг шаклланишига ҳам таъсир қилмай қолмади. VIII асрда Марказий Осиёда кенг тарқалган ислом дини маҳаллий ахлоқий меъёрлар, миллий анъаналар, маданият ва турмуш тарзи билан уйғунлашиб, ўзининг бағрикенг таълимоти билан машҳур бўлган ҳанафий мазҳаби шаклида мустақкам ўрнашди.

Минтақага ислом динининг кириб келиши илмга туртки берди, унинг қамровини кенгайтди ва ташқи дунёга тарқатди. Худудда таълим ва фанга алоҳида эътибор қаратилди. Мусулмонлар даврида

астрономия, математика, тиббиёт, фармакология ва география бўйича тадқиқотлар юқори чўққига чиқди. Абу Мусо ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Ал-Беруний каби буюк алломалар ҳамда Бухоро, Марв, Самарқанд, Фарғона каби шаҳарлар ислом оламининг кўзга кўринган тимсолларига айланди. VII асрдан XV аср охиригача бўлган давр жаҳон тарихида ислом олами ютуқлари даври сифатида қайд этилди (*М.Азимов. History of Civilization of Central Asia. London, 1997. P. 39*).

Минтақа тарихида мусулмон ҳукмдорларнинг бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенг муносабати ҳақида кўплаб мисоллар учрайди. Хусусан, тарихий манбалар X – XIII асрлар кўплаб ғайриисломий эътиқод вакиллари учун юксалиш даврига айланганидан далолат беради. Яҳудий жамияти вакилларида бири Р.Бенеман Бухорода биринчи синагога VIII асрда қурилгани, яҳудийлар ўз динига эркин эътиқод қилганини таъкидлаб, бундай ёзда: “Ўрта асрларда Европа ва Византияда қувғинга учраган яҳудийлар Марказий Осиёда бошқа динлар каби ҳуқуқларга эга эди”.

Марко Поло (1254 – 1324) Самарқанд орқали Хитойга саёҳати чоғида Бухоро ва Самарқандда зардуштийлар билан учрашган. Унга кўра, “Сўғдиёна бутунлай исломий бўлмаган” (*J.Farok. Contractor Zoroastrianism and the Search for Identity in Central Asia. Journal Parsiana. P. 140*).

Ислом умумбашарий дин сифатида бутун инсониятга муҳаббат ва меҳр-шафқатни ўргатади. Бу бошқа дин вакилларининг эътиқоди ва урф-одатларига аралашини ман этиб, ҳар бир шахснинг урф-одатлари, шаъни ва мулкани асрашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу хусусида Қуръони Каримда бундай дейилган: “Динда мажбурлаш йўқдир. Ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Ким тоғутни инкор этиб, Оллоҳга имон келтирса, у ҳақиқатан ниҳоятда мустақкам бир тутқични ушлаган бўлади. Оллоҳ эшитувчи, билгувчидир” (*Бақара сураси, 256-оят*).

Бошқа бир оятда: “Агар Парвардигорингиз хоҳлаганида эди, (барча) одамларни бир уммат (бир дин) қилган бўлур эди. (Улар) мудом турлича (ҳар хил эътиқодда) бўлиб борулар (*Худ сураси, 118-оят*).

Марказий Осиё мусулмон ҳукмдорлари Қуръони Карим билимдони сифатида ўзга дин вакилларига қарши зулм қилмаганлар, конфессиялараро тўқнашувларга йўл қўймаганлар. Таниқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича, буюк саркарда Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган – жамият имонсиз, динсиз, ишончсиз яшай олмайди. “Темур тузуқлари”да “Мен исломни ҳамма жойда

ва ҳамиша қўллаб-қувватладим” деган таъкид мавжуд. Амир Темурнинг Қуръонни ёддан билгани, диний баҳсларда улуғ алломалар билан тенгма-тенг баҳслашгани унинг маънавияти, эътиқоди, дини нақадар пок ва мукамал эканини кўрсатади. Амир Темур ислом динининг энг муҳим жиҳати – мусулмонларни тинчлик, фаровонлик, ижтимоий адолат, эътиқод яхлитлиги ва маънавий покликка хизмат қилишга сафарбар этишида, деб ҳисоблаган.

Демак, конфессионал синкретизм минтақа тарихида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳодиса замонавий Ўзбекистонда кузатилаётган ижтимоий-диний ҳолатга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

**Темур АҲМЕДОВ,**

*Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим раҳбари*

## *Hur fikr maydoni*

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение замонавий инсоннинг ҳаётий позицияларини шакллантиришда ҳам ижобий, ҳам салбий роль ўйнаши мумкин. Ижобийлик ва салбийлик нисбати коммуникация сифатигагина эмас, балки мақсад-маслакларга ҳам боғлиқдир.

Одамзод азал-азалдан бунёдкорлик туйғуси билан яшайдиган идеал инсон, бахтли жамият ҳақида орзу қилади. Юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли шахсни тарбиялаш турли соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган бугунги кунда, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Негаки, давлатлар, минтақалар ва бутун ер юзини қамраб олган глобаллашув жараёни инсоният тақдирига дахлдор ҳодиса сифатида мафкуравий таъсир қўламини кенгайтириб юборди.

Мустақилликнинг дастлабки чорак асрида демократик кадриятлардан бир қадар чекиниш қўлай жуғрофий жойлашув, минг йиллик тарих ва маданиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг юксак тараққиётга эришишига монелик қилгани маълум. Миллатнинг маънавий минбари саналган телевидение ҳам аудиовизуал асосларининг кўпқатламлилиги, таъсир кучининг кенглигига қарамай, таназулга етакловчи иллатлардан жамиятни тўлақонли ҳимоя қила олмади. Ҳолбуки, дунё телевидениелари ахборий, таълим, манипулятив, сафарбар этиш, ижтимоий муҳитни муҳофаза қилиш, мафкуравий ва реклама функциялари орқали халқаро медиамаконни такомиллаштиришга улкан ҳисса қўшиб келган.

Сўнги йилларда мамлакатимиз тараққиётнинг янги даврига қадам қўйди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамиятнинг турли соҳаларида сўз эркинлиги ва демократияни таъминлаш йўлидаги қадмлар кўзга ташланмоқда.

Санъат турлари ютуқлари, ранг-баранг бадиий аънаналарни қамраган телевидение бугунги кунда

улкан синов майдонига айланган. Ижтимоий тармоқлар орқали аудиовизуал асарларни тарқатиш кўпайиб, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда. Ахборот маконидаги замонавий тенденциялар эса журналистика функцияларини кучайтиришни талаб этмоқда.

Телевидение ҳаёти нафақат кўрсатиш, ҳаракатда тасвирлаш, аудитория билан мулоқотга киришиш имконияти билан ҳам коммуникатив воситалар орасида етакчилик қила олади. Афсуски, мамлакатимиз телеканаллари томошабинларнинг талаб ва эҳтиёжларини мунтазам ўрганмайди. Бу эса ижодий маҳсулотларнинг аудитория талаб-истакларига жавоб бермаслиги, пировардида, аҳоли катта қатламининг хориж телеканаллари мухлисига айланишига олиб келади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида замон руҳини ифодалаш мақсадида телекўрсатувларда Ғарб мезонларига кўр-кўрона эргашиш ва миллий кадриятлардан узоқлашиш кузатилган бўлса, бугун аксинча – миллатнинг маънавий кадриятларига урғу берилгани ҳолда, дунёда юз бераётган долзарб воқеа-ҳодисаларга халқимизнинг муносабати, умумбашарий маданият, тамаддун масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Дунёнинг қай бир бурчагида тайёрланган кўрсатув ёки фильмни интернет орқали томоша қилиш имконияти мавжуд. Шу боис миллий телеканаллар кўрсатувлари бадиий маҳорат, таъсирчанлик, ижтимоий маҳсулдорлик каби жиҳатларга кўра такомиллаштирилиши керак.

Шиддаткор давр телевидение олдига нафақат дастурларини тубдан кўриб чиқиш, ўрганиш, илмий, танқидий баҳолаш, балки мулкчиликнинг бутун дунёда қабул қилинган янги турларига ўтиш вазифасини ҳам қўймоқда.

Жамоатчилик телевидениеси ҳақида гап очсангиз, на давлат телеканаллари, на хусусий телеканаллар раҳбарлари ҳуш қарши олади. Сифатли

телевидение борасида бахс кетганда эса, “масъулият лозим”, “холислик сувдек зарур”, “кўрсатувлар юксақ сифатли бўлиши керак”, “рекламаларнинг кам сонлилиги ниҳоятда муҳим” каби таклифлар янграйди. Бу сифатларнинг барчаси чинакам жамоатчилик телевидениесига хосдир.

Жамоатчилик телевидениесида эфирга узатиладиган дастурларнинг мазмуни, шакли, реклама ҳажми каби кўрсаткичлар муҳим, албатта, аммо у биринчи навбатда мулкчилик шаклига кўра фарқланади. Жамоатчилик телевидениеси на давлат, на хусусий шахсларга тегишли, балки у жамиятнинг мулки ҳисобланади.

Одатда, жамоатчилик телевидениеси икки усулда молиялаштирилади: мамлакат фуқаролари – томошабинлардан йиғиладиган абонент тўлови эвазига ҳамда маълум шахслар, хусусий жамғармалар ҳомийлиги ҳисобига. Молиялаштиришнинг иккинчи усули алоҳида назорат талаб этади. Чунки молиялаштираётган шахс ёки жамғарма ижодий жараёнларга аралашши, телеканалдан шахсий манфаат-

лари йўлида фойдаланиши мумкин. Агар хусусий телеканалларда фойданинг асосий қисми реклама ҳисобидан бўлса, жамоатчилик телевидениеси рекламага қарам бўлиб қолмайди.

Жаҳон медиасида кўплаб жамоатчилик телеканаллари номини кўриш мумкин, аммо улар орасида ВВС (Буюк Британия), ARD (Германия) каби саноклиларинигина муваффақиятли лойиҳа сифатида баҳоласа бўлади. Абонент тўловидан келадиган тушумдан оқилона фойдаланиб ютуқларга эришган телеканаллар қаторида Исроил жамоатчилик телевидениесини қайд этиш мумкин.

Тўғри, дунё ахборот бозорида катта муваффақият қозонган CNN, ABC, NBC, CBS сингари хусусий телеканаллар талайгина. Жамоатчилик телевидениеси эса муайян шахслар, хусусий гуруҳлар таъсиридан холи экани билан устунликка эга.

**Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
ЎзЖОКУ докторанти

## Ma'rifatdan mahrum ma'sumalar

Марказий Осиёда XX асрнинг бошига қадар хотин-қизларга отинлар (отинойи, отинбиби) таълим берган. Дарслар одатда мактаб муаллимларининг уйида, уларнинг хотини томонидан олиб борилган.

Минтақада аёлларнинг турмуш тарзи, билими, дунёқараши, таълими масаласига доир фикрлар асосан мустамлака даврида яратилган адабиётларда учрайди. Уларда аёлларнинг ҳаёти “қоронғи”ликда, мазмунсиз экани айтилган; таълимда асосан адабий асарлар ўқиши, бироқ ёзув ўргатилмаслиги қайд этилган.

XIX асрнинг 80-йилларида Тошкент шаҳрининг ўзида 137 ўғил болалар мактабида 4 минг 855, 86 хотин-қизлар мактабида 1 минг 324 ўқувчи таълим олган, уларга 86 ўқитувчи таълим берган (*Ўзбекистон Миллий архиви, фонд И-47 жамғарма, 1-рўйхат, 601-иш, 26-варақ*).

Туркистондаги қизлар мактабида асосий эътибор туркий ва форсий шоирларнинг асарларига қаратилган. 1911 йилга оид архив маълумотига кўра, қизлар 11 йиллик мактабни тугатганидан кейин 10–15 ёшларида тикишни ўрганган (*Ўзбекистон Миллий архиви, фонд И-47 жамғарма, 1-рўйхат, 1149-иш, 39-49-варақлар*).

XIX асрда Қўқон ҳудудида яшаб ўтган шоирлар ўз асарларида хотин-қизлар ҳаёти, уларнинг таҳсили борасида ҳам ёзиб қолдирган. Жумладан, Дилшоди Барно (1800 – 1905) ўз хотираларида 51 йил мактабдорлик қилгани, мадраса босқичида 23 толиба, мактабда 891 қизга таълим берганини қайд этади (*Дилшод. Муҳожирлар тарихи / Ўзбек педагогикаси антологияси. Ж. 1. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2010*).

Анбар Отин (1870 – 1906) ҳам Қўқонда Дилшод кўлида таҳсил олган. Хотин-қизларга таълим бериб, ўзига “Отин” тахаллусини танлаган. Шоира бир шеърида хотин-қизларни камситганларга нафратини бундай ифодалайди: *“Аёллар сочи узун, ақли қисқадуру” деганларга, / Товуқча ақли йўқ, ахлатни титконларга ўт тушсун. / Тариқча илми йўқ, “қозикалонман, муфтийман”, дейдур, / Абу Сино, Улуғбекдин кўз юмгонларга ўт тушсун*”.

XX аср бошида илғор ўзбек зиёлилари жадид мактаблари ташкил этиб, даврий матбуотда хотин-қизларни билим олишга чақирувчи муурожаатлар билан чиққан. Беҳбудий, Фитрат, Авлоний, Чўлпон каби жадидлар жамиятнинг интеллектуал даражаси аёлларга боғлиқ экани ҳақида бонг урганлар.

“Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1918 йил 24 декабрдаги сониди шундай сўзларни ўқиймиз: “Йигитларни етишдиргувчи, жамияти башарияни тарбия этгувчи хотун-қизларимизни таълим ва тарбиядан маҳрум этсак, аларда бўлгон истеъдод ва ўнгуниклардан фойдаланмасак, бизнинг ҳолимиз не бўлажак? Туркистонда хотун-қизларга махсус на бир мактаб, на бир жамият ва на бир қироатхона бор. Бизнинг Туркистонда хотун-қиз дунёси энг тубан даражада бўлуб, бутун ҳуқуқлариндан маҳрум этилиб, тўрт девор орасинда қамалуб кўюлгон маҳбуса кабидир. Башарият дунёсинда яшамоқ учун барча аъзонинг саломат бўлуши шартдир. Шундай бўлса биз ўн миллионли туркистонликларнинг ярминдан кўбини ташкил этган хотун-қизларимизни таълим ва тарбиядан, улум ва маорифдан маҳрум этиб, аларга онг ва фикр бермасак – ўқутмасак бизнинг ҳолимиз не бўлур?”

Ҳожи Муиннинг “Ёшларимиз ва қизларимиз тарбияси” мақоласида қизларни ўқитиш масаласи кўтарилди: “Туркистон маркази бўлгон Тошкандда халқ дорулфунунининг ибтидоий қисми номи ила ўнлаб мактаблар билан дорулмуаллимин курси очилди, аммо булар қаторинда кўбдан бери тўрт кўз ила кутуб турдигимиз бир дона қизлар мактаби очилмади, лоақал дорулфунун шўросинда келар замонда шундай мактаблар очарга ташаббус этажаги ҳақинда бирор хабар эшитилмади” (“*Меҳнаткашлар товуши*” газетаси. 1918 йил 28 июнь).

Кейинги йилларда қизлар учун мактаблар очиш бошланган. “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1919 йил 28 февралдаги 62-сониди бундай ёзилади: “Ўғилларимиз билан баробар, хотун-қизларимизни ҳам ўқутмоғимиз фарз ва лозимдир. Муни ҳеч бир турк боласи ва ҳеч бир мусулмон фарзанди инкор қилмаса керак. Лекин таассуф қиламизким, кўб замондан бери Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) хотун-қизларни ўқутмоқ тўғрисидаги буйруқларини хотирамиздан чиқориб, хотун-қизларни яхши ўқутмағонимиз учун ҳозирда қизлар учун лозиминча мактаблар очмоқга муаллималар йўқлиғидан имкон топа олмаймиз. Руслардан чоқирсак, тил билмайлар. Ўзимизда муаллималар йўқ. Шунинг учун 10 – 15 минг

маъсума қизларимиз дин ва дунёлари учун зарур бўлгон илм ва ҳунардан маҳрум бўлуб қолмоқда. Туркистон маориф комиссариати ҳозирлигидаги турк шўъбаси мана шул ҳолга эътиборан эски Тошкандда 7 ойлиқ бир муаллималар курси очмоқга қарор берди. Бу фурсатда, яъни 7 ой ўтуб тамом қилгон хотун-қизларнинг қўлларига муаллималик шаҳодатномаси берилиб, ҳар ерда қизлар мактаби очилиб, шул мактабларга муаллималик этарлар”.

1920 йил 28 майда Халқ маорифи бўлими йиғилишида Наманган, Самарқанд ва Қўқонда алоҳида қизлар мактаби мавжудлиги, улардан бирида 170 қиз таҳсил олаётгани, маҳалий аҳоли ўз турмуш тарзидан келиб чиқиб рус мактаблари, аёллар гимназияларида ўқий ололмаётгани, мусулмон қизлари учун алоҳида мактаб очиш лозимлиги масаласи кўтарилган (*Ўзбекистон марказий архиви, Р-34 жамғарма, 1-рўйхат, 461-иш, 101 – 102-варақлар*). Тошкент, Самарқанд шаҳарларида аёллар гимназияси очилиб, фаолият юритган бўлса ҳам, унда асосан рус миллатига мансуб аёллар таҳсил олган.

Шўро давлати таълим соҳасида олиб борган ислохотлар туфайли қизлар ва ўғил болаларни бир синфда ўқитиш жорий қилинган. Бунинг натижасида 1924 – 1925 йилларда совет мактабида 34 минг 735 нафар (26,1 %) қизлар ўқиган, қишлоқ жойларида эса уларнинг сони 6 минг 235 нафарни (11,5%) ташкил этган (*Ўзбекистон марказий архиви, Р-2748 жамғарма, 1-рўйхат, 2514-иш, 19 – 20-варақлар*). 1927/28 ўқув йилида республикадаги мактабларда 35 мингга яқин қиз таълимга жалб этилган, шундан қишлоқ жойларидаги мактабларда 6 минг ўзбек қизи ўқиган. 30-йилларда саводсизликни тугатиш курслари ва аёллар ўқитувчилик курслари ҳам ташкил этилган.

Умуман, Туркистонда хотин-қизлар таълими масаласи XX асрнинг бошида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлган. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар жамиятнинг интеллектуал ҳаётида аёллар иштироки ва мавқеи ошишига хизмат қилди.

**Зилола ХАЛИПОВА,**

*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

## “...Anlagaysen o‘zumni”

Шўро мафқураси ҳукм сурган даврда миллатнинг кўплаб атоқли шахслари номи унутилган эди. Мустақиллик йилларида кўплаб мемориал музейларга асос солинди, тарихий сиймолар хотирасини тиклаш мақсадида юбилейлар ўтказилди.

1992 йилда “Бобурнома”нинг 460 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиб, шоҳ ва шоир, буюк саркарда, қомусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Ушбу сана доирасида Андижонда “Арк ичи”

меъморий обидаси таъмирланиб, “Андижон адабий муҳити” экспозицияси ҳамда шоир ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бўлим ташкил этилди. Бу – Андижон шаҳрида халқимизнинг ардоқли фарзандига аталган музейларнинг дебочаси бўлди.

Истеъдодли ҳайкалтарош Абдурашид Сулаймонов 1983 йили Бобурнинг илк бронза ҳайкалини яратган эди. Давр сийсати сабабли саккиз йил мобайнида омборхонада қолиб кетган асар мустақилликдан кейин музей саҳнига ўрнатилди. Жамоатчилик кўмағида теварак-атроф ободонлаштирилиб, Кобулда жойлашган “Боғи Бобур”дагига ўхшаш фавворалар билан безатилди.

Тақдирнинг кўп синовларига дуч келган шоир “Сўзумни укуб, англагайсен ўзумни...” деб ёзган эди. Унинг шахсиятини яқиндан танишда музей экспонатлари ҳам муҳим ўрин тутди.

1993 йили ҳукумат қарорига биноан Бобур таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан Андижонда Боғи Бобур, ул улуг зотнинг бронза ҳайкали ва ёдгорлик музейи барпо этиладиган бўлди. Ёдгорлик музейини ташкил этиш Адабиёт ва санъат музейи ходимлари зиммасига тушди. Илмий гуруҳ тузилиб, қидирув ишлари бошлаб юборилди. Республикамиздаги атоқли бобуршунос олимлар ва ёзувчиларнинг шахсий жамғармалари, марказий кутубхона ва музейлардаги манбалар, тарихий маълумотлар йиғилди, истеъдодли рассомлар жалб этилди. Шу саъй-ҳаракатлар тўғрисида Бобур ёдгорлик музейи – табаррук зиёратгоҳ ва илмий-маърифий маскан барпо қилинди. Музейдаги нодир ашёлар ҳақида сўзлаганда биринчи президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ҳиндистондаги бобурийлар авлодига мансуб тусийлар билан ёзишмаларини ва бобуршунослар музейга тўхфа этган асарларни тилга олиш ўринли бўлади (*Д.Юсупов. Андижондаги “Арк учи” музейлар мажмуаси // Музейдан садо. 2000 йил, 3-сон. 8-9-бетлар*).

Андижонда “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи ҳам очилди. У ерга шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган илмий экспедиция натижалари асосида тўпланган ноёб қўлёзмалар, китоблар ва тарихий ашёлар, асарларнинг қўлёзма нусхалари, хусусан, Бобур ўз кўли билан “Хатти Бобурий”да кўчирган Куръони Карим, қурол-аслаҳалар, кийимлар, бобурийлар зарб эттирган танга пуллардан намуналар қўйилди. Музейнинг икки ёнидан ўтган мраммар зинали йўл яна ҳам юқорига, сўнги супага кўтарилади. Бу ерда Бобурнинг рамзий сағанаси (Кобулдаги қабр тупроғи ҳам келтирилган) жойлашган.

Деворларга Бобур ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи миниатюра намуналари асосида суратлар чизилган. Марказдаги паннода ҳукмдор тахтда

ўлтирибди, унинг ёнида сулоланинг машҳур намоёндалари. Яна бир лавҳада шоирнинг туғилиши билан боғлиқ ривоят акс эттирилган. Ҳикоят қилишларича, Умаршайх мирзо ўғли Бобур туғилиши арафасида овга чиқади ва тўлғоқ тутаетган она йўлбарсни учратади. Мулозимлари эндигина кўзи ёриган йўлбарсни тутмоқчи бўлганда, шоҳ ов ўлжаларини унинг ёнида қолдиришни буюради, ўзи эса ортга қайтади. Саройда шоҳ хушхабар билан қарши олиниб, унга шахзода туғилгани маълум қилинади. Деворий суратнинг иккинчи планида ана шу воқеага ишора қилувчи шоҳ ва она йўлбарс тасвири ишланган. Кейинги лавҳалар Бобурнинг ёшлик, ўспиринлик ва сабоқлар даври, ҳарбий маҳорати, салтанат тузиши ва шоирлик фаолиятига бағишланган. У қурдирган бинолар, бобурий маликалар тасвири ҳам музей деворларини безаб турибди. Умуман, бутун хонани қоплаган деворий суратлар Бобур ҳаёт йўлининг барча қирраларини томошабинга намоийш этади.

Андижоннинг Эскишаҳар қисмида жойлашган Ҳожар Нойиб мадрасасидаги (бу мадрасада Бобур таҳсил олган деб тахмин қилинади) музейда шоҳ ва шоир яшаган даврга оид миниатюра, чолғулар билан бирга кандакорлик буюмларини кўриш мумкин.

Мемориал ва уй-музейлар тарихий муҳит ҳамда давр руҳини сақлаб қолиши билан ҳам муҳимдир. Айни чоқда, бугунги кун томошабинини инновацион ғоялар орқали музей экспозициясига жалб этса бўлади. Жаҳоннинг кўплаб уй-музейлари сингари Ўзбекистон музейларида ҳам голограммалардан кенг фойдаланилади. “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида Бобур сиймоси голограммасини яратган ҳолда, ташриф буюрувчиларни шоҳ-шоир ҳаёти ва ижоди билан таништириш, ғазалларидан намуналар ўқиб бериш мумкин. Масалан, Ўзбекистон прокуратураси тарихи музейида тизим вакили кўринишидаги голограмма келганларга музей ҳақида маълумот беради. Бобур музейида, бундан ташқари, қадимий саройлар кўринишини тиклаган ҳолда 5D ёки 3D технологияларидан унумли фойдаланиб, экспозицияни янада жонлантириш мумкин.

Мемориал музейлар ИТ соҳасида амалга оширилаётган диссертацияларни музей фаолиятида қўллаш орқали экспозицияларини янада бойитса бўлади. Умуман, буюк сиймолар мемориал ва уй-музейларида инновацион лойиҳаларни уйғун тарзда қўллаш воситасида дунё эътиборини жалб этиш имкони мавжуд.

**Гулираъно ОРИФЖОНОВА,**

*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*





## SUMMARY

**Delicacy is hard work. Dialogue between publicist Ikbol Kushshaeva and TV journalist Gulmira Musajonova. pp. 4-15.**

The conversation discussed the roles of the intelligentsia, art and literature in the development of society. The interlocutors critically analyzed the situation in Uzbek society in this regard. In particular, it was noted that such vices as sycophancy, chameleonism, stiltedness, narrow-mindedness and cowardice hinder not only the development of art, but also the development of society. The interlocutors conclude: “The world is changing. If we do not move towards rapid development, if we do not change our situation, we will not be able to get rid of backwardness.”

**Abdulla Azam. Anatomy of criticism. pp. 23-31.**

“In living for more than seven dozen years, I have never encountered a compatriot who says: “I have been justly criticized, may God bless them.” On the contrary, people will respond to criticism: “I didn’t know before, you turned out to be my enemy”, “Who are you to criticize me?”, “First, look at yourself!” – we encounter such relationships at every step,” academician Abdulla Azam writes. In fact, a critic is unlikely to do any good, and

the likelihood of harm is high. Moreover, he is destined to make enemies for himself. So, why does society need criticism? This topical issue is discussed in the article.

**Alisher Nazar. Who are we fooling? pp. 38-47.**

Social networks have already become a barometer showing the mood of society, they can be used to learn about the current mood, pain and suffering of people. It is true that platforms such as Facebook, Telegram, Twitter have become a platform for discussion. In the virtual space, old and new, conservation and innovation, enlightenment and ignorance have entered into a fierce struggle. Starting from this issue of the magazine, under the heading “Two waves are beating”, posts of active users on the Internet are published. Alisher Nazar, a resourceful publicist, became the first guest of the new section.

**Marufjon Yuldoshev. Shams and Maulana. pp. 60-71.**

The name of the great Sufi Maulana Jalaluddin Rumi is known and famous in the East and West. Rumi’s meeting with Sheikh Shams Tabrizi, one of the great teachers of his time, is of great importance in reaching the pinnacle of perfection. Rumi and Tabrizi met in the late autumn of 1244 in the city of Konya. In the article of the writer and scientist Marufjon Yuldoshev, the event, which went down in history under the name “The Meeting of the Two Seas”, is described in a new interpretation.

